

Абдусаттор Ҳотамов

БАҚТ ЁРДУСИ



**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

УЎК: 821.512.133
КБК 84(5Ў)7
Х31

Ҳотамов А.

Х31 Вакт ёғдуси: бадий асар / А.Ҳотамов. — Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2015. — 184 б.

ISBN 978-9943-28-227-8

Оламда мутлақ бир ҳақиқат бор. Дунёга келаётган гўдак ҳеч қачон бошқа онани танлай олмайди. Хоҳлайдими-йўқми муҳтарамаси уни ёруғликка олиб чиқади. Оқ ювиб, оқ тарайди. Тунлари мижжа қокмай, оқ сутини беради. Ва эзгу орзу-умидлари йўғрилган алла айтади. Фарзанди ўсиб, улғайиб, набира-абиралик бўлганидаям уни барибир гўдакдек ардоқлайди. Қўшиқдек панду насихатларини аямайди.

Булар эса ўғил-қизни Ватанни севиш, эл-юртга садоқат билан хизмат қилиш, азиз умрни яхшиликларга бағишлашга даъват этади.

Қизиқарли, самимий, фалсафий мушоҳадалар билан йўғрилган ҳикоялару эсселар жамланган ушбу китоб Сиз азизларни ҳаёт, яшашдан мақсад ҳақида ўйлашга ундаса ажаб эмас.

УЎК: 821.512.133
КБК 84(5Ў)7



ISBN 978-9943-28-227-8

© А. Ҳотамов, 2015

© «O'zbekiston» НМИУ, 2015



ҲИКОЯЛАР



ЁМҒИРЛИ КУНДА

Бутун бошли кафедра ёлғиз ўзим чой ичиб ўтирдим. Ташқарида ёмғир шаррос қуяр, жонсарақ шамол гувилларди. Бежирим бетон бўлакчалари ётқизилган ҳовли этагидаги торгина ариқ аллақачон сувга тўлган, ортиқчаси қиялаб қаёққадир, эҳтимол, кенг кўчага шитоб билан оқиб кетарди.

Ёлғон гапириб нима қиламан, хаёлимнинг бир учи рўпарамда, кўча эшиги остонасида менга тескари турган қомати чиройли аёлга боғланган эди. У ҳам назаримда баҳор ёмғиридан қочиб, шу ердан паноҳ топган, билмайман, қандай рангда, эғнидаги плаши ёқасини юқорига кўтарганча, эслаёлмадим, тамаддихонада эшитилаётган қайсидир мумтоз ашула оҳангига монанд аста тебраниб турарди. Яна шу нозиккина гавдаси оғирлигини гоҳ у, гоҳ бу оёғига олар, мен эса, ҳа, бечора, ўзини қийнаб намунча миҳ мисол пошнади туфли қиймаса, деб ачинардим.

Эскирок бу кафе шифтидаги митти чироклар атрофни олачалпоқ ёритар, бундай булутли кунда эса ичкари ва, табиийки, остонадаги аёлнинг чехраси у агар мен томон ўгирилса ҳам аниқтаниқ кўринмаслиги аён эди. Фақат шу равшан

эдики, унинг қадди тик ва нозик, бўйи анчайин баланд, тусмолимча, у чиндан ҳам гўзал, қора кўзларию ингичка ёйсимон қошлари ҳар қандай эркакни ўзига мафтун эта оларди.

У ҳамон қафега орқа ўгирганича бетокат турар, балки ёмғирнинг тинишини ёки кимнидир кутар, лекин ажабки, ўнг қўлини бот-бот даҳанигами, юзигами олиб бориб, яна туширарди.

Аёл зоти борки, гўзаллик тимсоли. Уни нафақат шунинг учун, балки шарм-хаёю ибоси, яна сўзда айтиш қийин аллақандай ўзига тортувчи хусусиятлари, қисқаси, ахлоқ-одоби учун севамиз, дейилганда маъно кўп, албатта. Рўпарамдаги аёл ҳам бундан истисно бўлмай, қайсидир оиланинг севимли бекаси, бахтли бир йигитнинг кадр топган хоними, болаларнинг азиз онажониси — бундан бошқача бўлиши мумкин эмаслигини ўйлаб таскин топардим.

Ана шундай хаёлларга чўмилиб ўтирганимда кимдир салом бергандай бўлди ва ўгирилиб қараб, анчайин озғин, балки шундан новча туюлган, қалин, малла сочлари юқорига текис таралган йигитни кўрдим.

— Домла, бу жой бўшми? — сўради у қўлларидаги чойнак-пиёлани стол устига қўйишга қовланиб.

Гапнинг очиги, бегона бир кишининг дафъатан бундай деб аташи каминани ғоят ажаблантирди, тўғриси айтсам, ғашимни келтирди. Бунинг устига атрофда бўш стуллар тикилиб ётар, қолаверса, мен ҳамон остонада турган ўша сарвкомат, тасаввуримдаги кўхлик аёлнинг билинар-билинемас рақсига махлиё эдим.

— Қизик экансиз-ку, — дедим овозимни ба-

ландлатиб. – Ана, ҳамма жой бўш. Ўтиравермайсизми!

Шундай деб унинг офтобда қорая бошлаган чехрасига қарадим ва аниқ сездимки, йигит менинг бу дағал муомаламдан ноқулай аҳволга тушди, кўймоқчи бўлиб турган чойнак-пиёласини энди юқорирок кўтариб, нари кетишга чоғланди.

Шу тобда унинг идиш тутган озғин, лекин чайирлиги билиниб турган, узун-узун бармоқларига кўзим тушди. Анча уринган костюми ичидаги сидирға мовий кўйлагининг битта тугмачаси қадалмагани учун оқ майкаси кўзга ташланарди.

Бундай ҳолат кўнглимда унга нисбатан ачишими, меҳрми уйғотди. Шунинг учун:

– Э, сўраб нима киласиз, ўтиравермайсизми, – дедим тезда овозимни пасайтириб. – Хафа бўлмайсиз, шунчаки айтдим кўйдим-да.

Официант қиз елим ликопчада уч сих кабоб келтириб кўйди. Атрофга сирка аралаш пиёз ҳиди таралди.

– Олинг, – деди у орамиздан ҳеч гап ўтмагандай ликопчани мен томон суриб. – Кўп буюрибман, яқинда овқатлангандим. Қон топширмоқчиман, қорним тўқ бўлиши керак. Тажриба бор-да.

– Қон?.. Нимага?

– Э, оғзимдан чиқиб кетибди. Кўяверинг, қани, кабобга қаранг.

Унга беписанд боқиб, индамай ўтиравердим. Йигит чойдан хўплаб, дафъатан дадилланди:

– Э, олсангиз-чи. Чин кўнгилдан. Аммо лекин ёмон одатим бор, бир ўзим ҳеч овқатлангим келмайди.

– Бу яхши, – дедим баттар ансам қотиб. – Одам одам билан тирик, – кейин кўнгли учун сихдаги кабобдан бир бўлакча олиб, оғзимга солдим.

Кўпроқ ёлғизликни хуш кўрганим учунми бу дўлвор, пучук бурун, пешонаси бир оз олдинга туртган йигитнинг оромимни бузганига ичимдан хафа бўлдим. Бунинг устига рўпарамда ўй-хаёлларимга мос мумтоз кўшиқ оҳангига монанд тебранаётган париваш менга завқ улашиб турарди. Шу ўринда бир гапни айтмасам бўлмас: аёлнинг нозик қадди-қомати ва тасаввуримдаги ўзига тортувчи жамоли менда унга нисбатан ҳеч қандай ўткинчи эҳтиросли туйғуларни уйғотмас, аксинча, мени гўзалликнинг сирли хилқатларига ошно этиб борарди.

Йигит ликопчадаги кабобни имиллаб еди, бўлка нон ушоқларини узун бармоқлари билан битта қолдирмай оғзига солди. Кейин стол устидаги стаканга думалоклаб қўйилган қоғоз сочикқа қўлларини артиб, ўзингга шукур, деди аста. Бу пайтда унга муносабатим ростакамига яхши томонга ўзгара бошлаган, шунинг учун хўмрайишим ҳам ўзимга ёкмай қолганди.

– Нима иш қиласиз, ука? – деб сўрадим ахири чехрамни очиб.

– Бизники ота касб. Дехқончилик-да, – оғзининг таноби қочди унинг. – Хотиннинг қўлида, фермер хўжалигида. – Чойдан хўплаб давом этди. – Отам раҳматли ҳам дехқон ўтганлар. Васият қилгандиларки, туғилган жойингдан ҳеч қаёққа кетма, деб. Ўзимча ўйлайман, ўшанда балки ҳозиргидек яхши кунлар келишини билгандирлар.

– Ха-а-а, оталар кўп нарсани билишади. Сабр яхши, ишонч яхши.

– Сабрининг таги олтин, дейишса, аввал мен ҳам тушунмасдим. Ўспирин бўлганмиз-да, шошқалок эдик. Мана энди ниятимиз ушалмоқда. Туппа-тузук яшаб юрибмиз. Буёғиниям эшитасизми? Унда раҳмат. Узр-да, домла, бир кўнглимни ёзгим келди. Тушунадиган одамга ўхшайсиз. Шунинг учун... Шундай қилиб, отам раҳматли қишлоғимиздаги қассобнинг қизига уйланасан, деб туриб олдилар. Э, – дедим, – у қаёқда-ю, мен қаёқда? Отасининг гўшт-ёғини еб семириб ётган бўлса, мен бир кетмончининг ўғлиман-ку, демокчийдим, тагин отам хафа бўлмасин, дея бир деҳқоннинг боласиман-ку, деб кўяқолдим. Отам: «Қара, қанақа полвон, бир кетмон урса ер зириллайди», дейдилар яна мактаб. У пайтлар биласиз, ҳозиргидек кондиционерли тракторлар қаёқда, ҳаммасига кетмон ҳозир у нозир эди. Таваккалига уйланавердим. Аммо лекин полвон хотин тўққиз йилдаям туғмади. Эр-хотин... Э, билмадим, бола бўлмаганидан кейин шундай дейиш тўғрими-йўқми, ошиқ-маъшуқ жимгина яшаб юравердик. Ахири бир куни, юр, иккимиз дўхтирга борайлик, дедим. Кўнди. Бечора, болалигида қаттиқ шамоллаган экан. Даволата бошладим. Бир куни нима дейди денг: «Тукқунимча бекор юрмай, фермер бўламан».

Сухбатдошим шу ерга келганда пик этиб кулганди кўлидаги чой чайқалиб, ерга тўкилди. Парво қилмай, давом этди:

– Вей, – дедим кўлимни пахса қилиб. – Ким қўйибди сенга фермер бўлишни. Бир оддий қассобнинг қизи бўлсанг.

Аммо лекин, домла, яхшиямки оғизда ўттиз иккита тиш бор. Қўрғон-да. Бўлмаса бу бесуяк тил яна нималар демасди, «хой, тумса, аввал хотинлигингни бажариб, биттасини туғиб қўй, кейин бошқа иш қиласан», деворган бўлармидим. Эрталаб айвонда чой ичиб ўтиргандик, фарзандсизлик алами ўтиб турганди, хонтахтага бир мушт туширгандим, чой ҳозиргидек тўкилди кетди.

Домла, зериктириб қўймадимми? Ҳа, унда яхши. Бир гап келиб қолди-да. Хуллас, комиссияга ариза берди. Қойил-э, ҳақиқат бор экан, ютиб чикди! Коллежни битирганди, маълумоти ҳам тўғри келибди. Энди озгина тарихга қайтай. Бир пайтлар отам раҳматли жамоа хўжалиги раисига экиндан бўшаган ердан бир парча беринг, рўзғоримга кечки картошка экай, деса беришмаган экан. Мана энди юз гектардан ортиқ еримиз бор. Ҳамқишлоқлар билан ишлаб ётибмиз. Қозон ҳам мой, чўмич ҳам. Шундай бўлгач, айтинг-чи, мен сўзамол бўлмай ким бўлсин, домла.

Йигит гапирар, унга меҳрим ошиб борар, ичимда ишончнинг қудратига тасаннолар айтардим. Кўнглимнинг бир чеккасида ҳузуримга келаётган беморларга ҳам тузалишлари учун ана шу содда, очиккўнгил йигитдагидек ишонч бўлишини тилардим.

Энди ёмғир ҳам, шамол ҳам тинган, ҳаво ёришган, атроф ёруғликка тўлиб борарди. Бирдан эшик тагида аста рақс тушаётган сарвқомат аёл ёдимга келди ва бурилиб остона томон қарадим. Лекин у негадир кўринмас, бироқ энди менга бунинг сира қизиғи қолмаган,

сухбатдошимнинг ҳикояси ҳаёлимни банд этиб бўлганди.

– Хўш, – дедим энди батамом хотир-
жам. – Даволатганингиздан кейин болалик
бўлгандирсиз?

Шу пайт қалтис савол берганимни пайқаб
қолдим. «Йўқ, деса қандай аҳволга тушаман.
У-чи? Ўзи кўп савол бериш дўхтирларнинг
касбий одати», ўйладим кўнглим ғашланиб.

Йигит худди сабримни синаётгандек, пиё-
ладаги совиб қолган чойни шошмай симирди.
Кейин давом этди:

– Қайнисинглимнинг эри автоҳалокатга учраб,
тўртта боласи етим қолганди. Шу болалардан би-
рини олмаймизми, деб кўп маслаҳатлашдик: са-
воб бўлади, бизга ҳам яхши, унга ҳам дедик.
Тағин ўйладик, хой, инсонмисизлар ўзи, кимга
тўй, кимга азами, деб қолса қанақа одам бўламиз.
Таваккал қилиб бориб айтдик. Бечора, катта-катта
кўзларини очганича, бизга бақрайиб қолди. Кейин
тескари қараб олди, елкалари учиб-учиб тушарди.
Назаримда, жимгина юм-юм йиғларди. Кўрпачага
қараганча ҳайкалдек қотиб қолдик. Кейин... Э,
агар кўлимдан келса, вақтга ҳайкал кўярдим,
одам боласи ҳамма нарсага кўникаркан. Бироз-
дан кейин бурнини тортиб-тортиб, бизга қаради.
Сўнг кўзлари қизарганча: «Майли, – деди овози
титраб, – пешонамга ёзилгани шу бўлгандан ке-
йин нима ҳам қила олардим».

Қайнисинглимнинг уйидан тамом бўлиб чиқ-
дик. Аммо лекин кўнглимизнинг бир чеккаси-
дан ёруғлик мўралаётганини сезиб турардик.
Мана шунақа. Ҳозир қайнсинглимнинг икки бо-
ласини биз тарбиялаяпмиз, иккаласи ҳам мак-

табда ўқишаяпти. Оналари азиз меҳмонимиз, уйига ҳам юбориб турамиз. Болалар уники ҳам-да.

Йигит бирдан завқланди:

– Мана энди худо ўзимизга ҳам берди. Ўғил! Дўхтирларнинг айтишларича, соғлом, полвон йигит.

– Қачон? Неча ёшга чикди? – дедим мен ҳам тўлқинланиб.

Йигитнинг кўзлари баттар ёнди.

– Э, бугун, ҳозир, бир соат бўлди!

– Унда табриклайман, – стулдан ярим туриб қўл узатдим. Қувонаётганимни тасдиқлаш учун давом этгим келди. – Исмими нима қўймоқчисиз?

– Бу бизнинг иш эмас, домла. Онам борлар. Ўғил бўлса Бекмурод қўямиз деганлар. Аммо лекин зўр-а! Ахир ҳаммамиз муроду мақсадимизга етаяпмиз, тўғрими?

– Жуда тўғри, – дедим ва шошиб сўрадим. – Олдинда кўп тўйлар бор экан. Айтарсиз?

– Албатта. Янги «Нексия» олганман. Қорасидан. Савлатли-да. Шуни сизга юбораман. Тағин ўйламанг, хушомад қилаяпти, деб. Менга вазифангизнинг сира аҳамияти йўқ. Фақат ўғилчалик бўлганимда биринчи учратган одамимсиз, холос. Ўртанча ўғлимизнинг суннат тўйига қўшиб, ўзимизнинг дала шийпонда катта ош бераман. Етти карнайчи-сурнайчини айтаман. Би-и-и-р қишлоққа жар солсин.

Йигит баттар завқланиб, ўрнидан турди:

– Атроф боғ. Қора, сариқ гилослар пишиб ётган бўлади. Еримиз баланд. Анҳорга чархпа-

лак ўрнатганмиз. Боғга сув хайдайди. Қушлар... Балки жа-а-а, оширворди деяётгандирсиз. Сираям! Борсангиз кўрасиз. Товусларим ҳам бор. Прокатга сўраб туришади. Шийпонда бир кеча қоласиз. Ана жаннат! Тоза ҳаво – дардга даво. – Йигит тараддудланди. – Энди мен бориб, қон топширай. Вақти-вақти билан шундай қиламан. Майли, қайсидир касалга керак бўлар.

У ташқарига йўналди. Шунда йигитнинг бўй-бастини яққол кўрдим. У аввал ўйлаганимдек озғин, нозик эмас, аксинча, кенг елкали, ўзига ишонган, алпқомат эди.



Хонамга кириб, оқ халатимни кияётгандим кимдир эшикни сабрсизларча тақиллатди. То, киринг, дегунимча эшик ғийқиллаб очилди. Ўгирилиб карасам кафедра кўрганим – ўша аёл! Сочлари орқасига чиройли турмакланган, юпка плаши ёқаси юқори кўтарилган, кечирасиз, оёғига ҳам қараб улгурдим, мих пошна «лодка» кийган. Қарашларида беписандликми, киборми сезилиб турарди.

– Келинг, – дедим жойимга бориб ўтириб. – Нима безовта қилаяпти?

Шундай дедиму боя тамаддихонада тасаввур этганимдек юзи сутга чайилган мисол оппоқ эмаслиги, ичидан қорамтир сарикқа тортаётганлигини пайқадим. Лекин нимпушти бўёқ суртилган ингичка лаблари ва албатта, жон олгувчи коп-қора, ўйноқи кўзлари таъсирига тушиб қолдим.

– Гапингиз қизик-ку, – деди у сўрамасдан

ҳам рӯпарамдаги стулга чўкаркан. – Ўзи сизга нега келишади? Кашандаликдан қутулиш учунми?

Кутилмаган таънадан гангиб қолдим.

– Ҳа, ҳа, албатта. Лекин барибир суҳбатлашишимиз керак. Суҳбат эса ўзингиз биласиз, савол-жавобдан иборат бўлади, – дедим аранг.

– Розиман. Лекин аввал мен савол берай, хўпми?

– Хўп.

– Чекишни ташлаб бўладими?

Аёл шундай дедию менга ишва билан қараб тураверди. Боқишига бардош беролмай, кўзимни девор томон олиб қочдим.

– Бу иродангизга борлик, – дедим энди унга қиё боқиб.

– Ирода? Бу расмий гап. Ҳаракат денг қўйинг.

– Хўп, шундай бўла қолсин.

У оёқларини чалиштирганча, ўрнашиб ўтириб олди.

– Бунга ироданинг нима алоқаси бор, ҳайронман. Дори беринг қўйинг-да. – Кейин овозини баландлатиб, давом этди:

– Эрим агар кашандаликни ташламасанг қўйвораман деяпти. Тағин айтади: бунақа тутун-хўрлигингни билганимда сенга икки дунёда ҳам яқин йўламасдим. Менга инвалид бола керакмас, дейди. Жоҳил! Ўзи уйда бўлмайди ҳисоб, узоққа автобус хайдайди. Рашк қилганига ўлайми! Алмисоқдан қолган гапни қайтараверади. Бир куни бекатда оғзида сигарет билан бола эмизиб ўтирган хотинни кўрганмиш. Бола йиғласа ҳам тортиб-тортиб чекармиш. Сўкиб бе-

рибди. Ўзи чекмайди-да. Ўшани таниркан. Юрагими, ўпкасими касал бола туғибди. Шунга сиздан сигаретга қарши дори сўраб келдим. Топиб берарсиз, ҳар ҳолда эримдан ажралиб қолишимни хоҳламасангиз керак? – Аёл жилмайганди думалок юзидаги кулгичлари ўйнаб кетди. Афсус, унинг чиройига зид ҳолда кўп чекувчиларда бўлганидек чакаклари ичига торта бошлаганди.

– Ҳа, албатта, кўша қаринглар, – дедим жиддий. – Кейин сўрадим: – Энди савол бериш менинг навбатим, шекилли.

– Розиман. Фақат бўладиган гапни айтинг. Фирмада иш кўп. Тутатишгаям вақт йўқ. Шунинг учун сизни кутиб, кафе эшигида бир хумордан чиқдим.

Хаёлимга боя унинг орқа ўгирганича бир кўлини тез-тез юзи томон кўтариб тушираётгани келди. Демак, ўшанда чекаётган экан.

– Неча йилдан бери чекасиз?

Аёл бошини баланд кўтариб, қаҳқаҳа отиб кулганди, оғзи тўла тилла тишлари ярақлаб кетди.

– Стажингиз демокчисиз-да? Вой, кў-ў-п!

Кейин қизик, шу ондаёқ жиддийлашганди сурма тортилган мастона кўзлари бурчакларида кулганидан пайдо бўлган билинар-билинемас ажинлар кўринмай қолди. Шунда тобда рўпарамда ҳали тамаддихонада ўтирганимда мен ўйлаган, ҳаёлий соҳибжамол эмас, аксинча, қандайдир чапани эркаксифат хотин турганини пайқадим.

– Тушунарли, – дедим бошимни сарак-сарак қилиб. Сўнг ўйладим: бу таманно хонимчага никотин сарфайтирган ўзининг туғма тишлари

аллақачон сира ярашмай қолган бўлса керакки, тилла тиш қўйдириб олган. Таваккалига сўрадим:

– Камида саккиз-ўн йил бўлгандир?

У кафтлари билан тиззаларини шапиллатиб урди:

– Бало экансиз, топдиз!

Кейин жимиб, ўй сургандек ҳикоя қилди:

– Отам амалдор эди. Мени жуда яхши кўрарди. Уч ўғил ичида ёлғиз қиз бўлганим учун кўп эркалатарди. Лекин характерим ўғил болага ўхшарди. Ҳозир ҳам! – У кулди. – Ўшанда эркалигим тутса, акаларимни тутиб олиб уришдан ҳам тоймасдим. Отам, ўғил бола қизимга ҳамма нарсa мумкин, дерди. Олтинчими, еттинчими синфда ўқиётганимда токчада турадиган отамнинг сигаретини чекардим. Аввал ҳавасга, кейин одат бўлди-қолди. Акаларимга агар отамга айтсаларинг кунларингни кўрсатаман, дердим. Қўрқишарди. Чунки отам кўп ичиб келар ва бундай пайтларда учала акамни дўппослашдан тоймасди.

Аёл бирдан сергакланиб, қўл телефони соатига қаради:

– Кеч қолаяпман, ака. Мана, тарихимни ҳам эшитдингиз. – У чакмоқ тошдек қора сумкасидан бир даста йирик пул чиқарди:

– Хўш, канча туради?

Кўнглим баттар хижил бўлиб:

– Дори бизда бўлмайди, – дедим. – Аввал анализ топширишингиз керак. Ўпкангиз, умуман, соғлиғингизни текширишимиз лозим.

Шундай деб тиббий кўрикка йўлланма ёзишга тутингандим, аёл бақриб юборди:

– Нима, мени бекорчи деб ўйлаяпсизми? Чекишни ташлашга ҳам шунча оворагарчиликми?

Аёлнинг бақирғи унинг келишган қоматию чиройли чехрасига сира мос эмасди.

У жавобимни кутгандек, бир зум ўқрайиб турди-да, хайронлигимдан таажжубланиб, ҳафсаласи пир бўлди ва қўлини силтади. Кейин зардали пичинг қилди:

– Фу-у! Шунгайм асабимни бузишим керакми? Қўйворса, қўйвормайдими, бошқасига тегволаман. – Бу гапни ҳазиллашиб айтдими ёки чин – тушунолмадим.

Аёл шахт билан туриб, чикдию кетди. Менда эса у ҳақдаги илгариги тасаввуримдан зарра ҳам қолмаган, умримда ханузгача сира туймаган атир аралаш ўткир сигарет ҳиди, аллақандай тушунарсиз ҳид кўнглимни беҳузур қиларди.



Битикларим шу ерга келганда ўйланиб қолдим. Нима, бу аёл чиройли бўлгани учун... ёмонми? Йўқ, яхши, аниқроғи, соҳибжамол. Лекин донишманд ёзувчилардан бирининг инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак, деган ҳикматли гапи ҳам бор. Шундай экан, аёлдаги кашандалик кўп ёмон иллат эмасми? Ҳаёсизлик-чи? Аслида айбни унинг узок ўтмишидан, кийимларидан мохорка ҳиди келиб турган отанинг ўз қизини бағрига босиб, ортиқча эркалашларидан излаш тўғри бўлармиди?

Фермер аёл-чи? Ў-ў, у бошқа олам. Аввало эри! Айтгандай, ишхонамнинг манзилини сўраб олганди. Тўйга чақирармикан? «Тоза

ҳаво – дардга даво», деганида ўзи ҳам завқланиб кетди-я. Ишиниям, оиласиниям яхши кўраркан.

Шуларни хаёлимдан ўтказаётиб, ўша дастлабки тасаввуримдаги соҳибжамол аёлни ҳам соппа-соғ боласини етаклаганича орамизда бўлишини жуда истардим. Бу фақат ўзига боғлиқ, албатта. Сиз ҳам фикримга қўшиларсиз? Ҳа-а, кўп яшанг!

2011 йил

ТАНҲОЛИК

Булар қояларми? Ҳа, шундай! Бағрида оппоқ қорлар ялтираб ётибди. Устида кўнғир булутлар ўрлаяпти. Тош уйча пастроқда, ўтлокми ё яйлов – ўша жойда. Теграсида арчазор кўзга ташланади. Юсуф етиб келдим деганди. Э, хомхаёл экан! Юқорига инқиллаб юргани сайин ўркач-ўркач тоғлар ўчакишаётгандек ортига тисланар ва тобора қуюқлашаётган булутлар унинг устига бало-қазодай ёпирилиб келарди. Чарчаб, халлослади. Қўлларини тиззаларига тираганича, букчайиб туриб қолди. Ер сузиб атрофга қаради. Сал нарида атрофини аллақандай узун-калта ўт-ўланлар қоплаган харсанг ялтираб кўринди. Қаддини тиклаб, ўша томон судралди.

Бориб чўкди. Диморида янги асалними, гунафшаними, хуллас, тоғ гиёҳларининг ёқимли хидини туйди. Тош намхуш ва илиқ эди. Танига қувват, хузур бағишлади. Симиллаб оғриётган оёқларини узатиб, ҳорғин нафас олди. Пастга, энди қуюқ қайрағочу тераклар орасида қолган қишлоққа разм солди.

Санаторий дарахтлар панасида йўқолган, фақат қизил шиферли томлари қизғалдоқзор мисол элас-элас кўринарди. Ҳа, айтгандай, унинг ёнида илгари дам олгани келиб, кўп-кўп вақтларини китобга мук тушиб ўтказган пастқамгина уй.

Дарё бўйидаги бу хонадон, айниқса, ёз бўйи уч-тўрт кунга шаҳардан хордикка чиқадиганлар учун қулай гўша, атрофи қуриган шох-шаббалар билан ўралган ҳовлида турфа гуллар ифор таратарди.

...Юсуф зўраки йўтал овозидан чўчиб, сергакланди. Ажаб, кимсасиз жойда овоз қаердан келаяпти, шундай ёнгинасиданми?

У ўтирганича ортига ярим ўгирилди. Кейин котди-қолди. Гўё боши ўрнига қайтмаётгандек. Беш-олти метр нарида йигитлардек хипча, оппоқ калта соқоли ўзига ярашган чол тарғил от қайишини тутганича, унга қараб турарди.

Юсуфнинг ичида бир нарса узилгандек бўлди: ҳа, бу... Хизр бобо! Болалигида бувисидан эшитгандики, кимнингдир иши юришмаса ёки қийин аҳволга тушиб қолса, рўпарасида пайдо бўлади.

— Ассалому алайкум,— деди чол кадини адл тутганича. Кейин саломига аликни кутмаёқ сўради. — Биз томонларда нима қилиб юрибсиз, таксир?

Ажаб, унинг овози ҳам ёшлардек кўринган гавдасига мос бўлиб, шошқалоқ ва ўктам эди.

Йигит ўрнидан туриб, чол томон чўлоқланди. Юраги гупиллаб ураркан, бу не синоатки, йўқ жойдан отлик чол пайдо бўлса, деган ўйдан безовталанарди. Осмондан тушдими ёки ер қаъридан чикдими? Шу топда вужудининг ваҳимали

кўркув камраб олган эса-да, қандай қилиб чолга кўл узатганини билмай қолди.

Қариянинг кафти иссиқ ва қаттиқ эди. У йигитнинг кўлини қўйвормай кўзига тикилди:

– Мабодо табибга келмаяпсизми? – Унинг овозида одамни ўзига тортувчи меҳр ва илиқлик товланарди.

– Ҳа, шундай, шундай! – деди Юсуф хурсанд бўлиб.

– Унда мен билан юринг, – чол йигитнинг кўлини қўйиб, отни етаклади. Юсуф шунда билдики, қария тоғ ёнбағридан ўтган илонизи йўлдан чиқиб келган ва юқорига – ўша тош уйга бошлаб борарди.

Бироз юришгач, чол ортига ўгирилди. От ёнига келиб, икки кафтини бирлаштирди ва «тугун» ҳосил қилди.

– Қани, меҳмон, бунга тиззангизни қўйингчи.

Юсуф тушунолмаб турганди, овозини бандлатди:

– Қани, бўлинг, ҳозир ҳаво ташлаб юборарди. Тезроқ етиб олайлик. – Унинг аллақачон оқарган қуюқ қалин қошлари остидаги қийик кўзлари жиддий боқиб турарди. Йигит беихтиёр ясама тугунга тизза босди. Чол «хўппа!» деди-да, уни от устига итқитиб юборди. Кейин жиловни тутганича яна олдинга тушди. Тарғил устидаги юкка парво қилмай, енгилгина йўрғалаб борар, чолнинг қадамида чарчоқ, хорғинлик сезилмасди.

Атроф сокин, фақат от туёқларининг сўкмок тошларига тақиллаб урилиши эшитилар, гоҳида

какликми ёки бошқа қушнинг ёқимли сайраши жимжитликни бузиб турарди.

Ярим соатга етмай сайхонликка чиқишди. Рўпарада ўша тош уй пайдо бўлди. Юсуф қийшайиб, чап оёғини ўнг томонга олганди, отнинг устидан сирғалиб пастга тушди. Болдирлари зирллаб оғриб, туриб қолди.

Чол отни етаклаб, уй ёнига ўтди ва уни тош-қумлари қириб олиниб, баҳайбат девор ҳосил қилинган майдончадаги бостирма томон олиб борди. Боғлиқ арслондек кўппак ит бегона исини туйди шекилли, қаттиқ хуриди. Чол этиклари билан ер тепинди: «Бўлди, ўзимизнинг одам!» Қайтиб келганида Юсуф эғнидаги кийим-бошини кафтлари билан қаттиқ-қаттиқ қоқарди.

– Бекор қилаяпсиз, – деди мўйсафид унга тик боқиб. – Тоғу тошларда чанг йўқ, ғубор йўқ. Юсуф зўраки илжайди:

– Ҳа-а-а... Билмапман.

Чол юринг, деди-да, олдинга бошлади. Майда тошлардан ясалган зиналарни босиб, уй ичига киришди. Рўпарада темир каравот, китоб жавони, токчаларда идиш-товоқлар.

– Қани, марҳамат, – деди чол ортидан келган Юсуфга каравот тўридан жой кўрсатиб. Кейин этиклари товонини бир-бирига ниқтаб ечиб, ўзи пастроққа чўқди. Фотиҳа ўқигач:

– Ана энди гаплашамиз. Оёғингиз қачондан бери оғрийди? – деб сўради дафъатан.

Юсуфга жон кирди: «Бекорга табиб эмас экан. Касалимни сўрамаёқ топди-ю, кўйди».

– Ўн йилдан ошди, – деди хомуш тортиб. – Совуққа олдирганман, сувда. Кўп дўх-

тирларга кўрсатдим, бўлмади. Ўзи бу тузалмайдиган дардми, билмадим. Э, аслида дўхтирларда айб йўқ. Муолажаларни охиригача олмадим. Мухбирман-да, бизни оёғимиз бокади. Сизни айтишди, дўхтир-табиб экансиз. Шунга...

Чол чопонини ечиб, ёнидаги кўрпача устига ташлади. Рўпарасидаги китоблар бетартиб қўйилган шкафга тикилганча қолди. «Тузалмайдиган дард...», деди секин. Ажаб, шу тобда кўзидаги тийракликни гўё қаёққадир суриб ташладию хомушлик гирдобига фарқ бўлди-қолди. Юсуф унинг йигитларникидек бояги чакноқ ва ўткир кўзларида энди мунг пайқади. Гавдаси ҳам букчайиб қолгандек эди.

– Узр, отахон, – йигит дардманд оёқларидаги оғриқни тагига босиш учун чордана қуриб олди. – Агар бирор нобоп гап айтган бўлсам кечиринг.

Чол сергакланди:

– Йўқ, унақа деманг. Қаригандан кейин хаёл бебош бўлиб қоларкан.

Ола-чалпоқ булутлар орасида кўриниб-кўринмаётган қуёш тоғ ёнбошига ўтди шекилли, хона қоронғилаша бошлади. Чол «Ё, пирим!» деб ўрнидан туриб, ховли томон йўналди.

Бирпасдан кейин ташқарида «пат-пат» моторнинг овози эшитилди. Табиб қайтиб кириб, девордаги ёкгични босганди, хона ёришди.

– Ўғиллар барака топишсин, – деди у жойига келиб ўтираркан. – Тош ва семондан шу уйни қуриб беришди. Тоғдан сув қувури тортишди. – У жилмайди. – Кўчма электр станцияси ҳам бор. Мана, туппа-тузук яшаб юрибман.

– Бир ўзингиз, ёлғиз..., – Юсуф ўзининг бу гапидан хавотирга тушди. Чол нима ишингиз бор, деса қандай одам бўлади.

– Бе-е, – деди қария бошини сарак-сарак қилиб. – Шу яхши-да.

Юсуф боя бу қария отга миндириб олганда, ҳа, энди вақтим тежалади, дорини оламану ортимга қайтаман, деб ўйлаганди. Ҳозир эса чолнинг ичида қандайдир дард борлигини сезиб, унда мухбирларга хос қизиқиш уйғонди.

– Қани, оёқларингизни кўрсатинг, – дея қария Юсуфга яқин сурилди. Унинг болдирларини бир-бир эзди. «Оғрияпти, лекин қаттик эмас», деди ўзига-ўзи гапираётгандек. – Дори тайёрлаб бераман. Дўхтирларга бошқа рўпара бўлмайсиз. – Кейин кўшиб кўйди. – Менга ҳам келишингиз керак бўлмайди.

Чол жойига бориб ўтирди ва илқис сўради:

– Меҳмон, мабодо сиз билан илгари учрашмаганмизми, жуда таниш кўринасиз?

– Эслолмайман, отахон. Одам одамга ўхшайди-да. Ахир ҳаммамиз Одам Ато ва Момо Ҳаводан пайдо бўлганмиз.

Чол ўйчан:

– Ҳа, тўғри айтасиз, – деди.

Юсуф жойидан кимирлаб олди:

– Дорини берсангиз, қоронғи тушмасдан санаторийга етиб олай.

– Хўп, – деди чол ўрнидан туриб. – Мен нариги хонада тайёрлаб чиқаман. Унгача зеркиб қолмай, набирамнинг чизган расмларини кўриб тулинг. Ўзи ҳамшира, санаторийда. Рассомликка ҳам қизиқади. Шу уйга келволиб, хаёлидаги одамларними, қишлоқ манзаралари-

ними чизгани чизган. Шаҳарликка ўхшайсиз, кейин баҳо берарсиз.

Чол каравот оёғига етганида кўрпачага қайта чўкди. Уф тортди. Кейин:

– Такдир экан, ўттизга чиқаяпти. Узатолма-япмиз. Куёв бўламан деганлар кўп. Ҳаммасига йўқ дейди. Умри ўтиб кетаяпти-да, – деди бош чайқаб.

Қария боя бирданига хомуш тортганига сабаб шу набираси эканлигига Юсуф гумон қилиб турар, лекин эшитганидек, унинг нега азим шаҳарда оиласи бўлатуриб кексайган чоғида бу ерларда тентираб юрганига ҳайронлиги тахминини йўққа чиқарарди.

– Ҳа, майли, – деди чол қўл силтаб. – Ўзи бир ўлимдан қолганига ҳам минг катла шукур. Оллоҳ қайтариб берди уни. Меҳмон, шош-япсиз-а, ҳозир гапимни тугатаман. Ўшанда набирам ўн олти ёшда эди, чамамда. Баҳор серёғин келганди. Шу пастдаги дарё бор-ку, бўтана сувлари тўлиб оқарди. Бир куни қаттиқ сел қўйди. Умримда бундай офатни кўрмагандим. Тоғдаги тошлар пастга учиб туша бошлади. Бу энди кўчки эди-да! Ваҳимали. Набирам тепа яйловдан сигир-бузоқ ҳайдаб келаётган экан. Бу ишни шу қизалокқа ишонган ота-онаси ҳам аҳмоқ! Қиз бечора бало-казодан тезроқ қочиш учун дарёдан сузиб ўтмоқчи бўлибди. Ўзи баликдек сузонғич эди-да. Бир пайт дарё оқизиб кетибди...

Ташқарида от узоқ кишнади, ит қисқа-қисқа хуриб қўйди. Юсуф пардаси икки тарафга сурилган қўшқават деразадан ҳовлига қаради.

Шитирлаб ёмғир ёға бошлаган, хонага тоғ гиёҳларининг ифори тараларди.

– Ана, – деди чол ўрнидан туриб тефалда чой қўйишга тутинаркан. – Бугун кетолмайсиз. Тагин селда қолиб, бир кори-хол юз бермасин.

Юсуф ўйлади: «Қария эзмалик қилмай дорини бериб қўяқолганда-ку, хонамга етиб олардим». Кейин: «Ичида дарди кўпга ўхшайди. Бечора, сиқилиб гапираяпти-да», деган ўй ўтди кўнглидан.

Чол қўшни хонага кириб кетди. Юсуф мой бўёқда ишланиб, ёғоч рамкага солинган расмларни бир-бир кўра бошлади. Мана, кишлокнинг баҳордаги манзараси. Ўриклар оппоқ гуллаган, илонизи ариқ бўйларида ялпизлар, хали сўлиб улгурмаган бинафшалар. Буниси оппоқ дока рўмолини елкаларига ташлаб олган, чехрасидан нур ёғилиб турган буви. Ховлидаги темир каравотда ўтирибди. Атрофида ироқи дўппи кийиб, сочларини қирқ кокил қилиб ўрган қизалоқлар. Оғизларини ярим очганча унга хайрон қарашаяпти. Эртак эшитишаяпти, шекилли... Буниси... – Юсуфнинг қўллари титраб кетди. Бу ўзи-ку! Қора, қалин сочлари ёнига таралган, юз суяклари хиёл бўртган, қалин қошлари остидаги катта-катта кўзлари жиддий боқиб турибди. Портрет! Бундан ўн, ўн беш йилча аввалги кўриниши. Юсуф расмга тикилиб қараб, остидаги бир бурчакка билинар-билинемас майда ҳарфлар билан битилган сўзларни кўриб қолди. Синчиклаб ўкиди: «Хаёлимдаги ёр...»

Анчадан кейин чол қўшни хонадан чиқиб келди. Елим идишдаги суюқликни каравот четига эҳтиётлаб қўйиб, чой дамлади.

– Энди шу ерда тунайсиз, меҳмон, – деди жойига хотиржам бориб ўтираркан. – Би-ир отамлашамиз-да, – сўнг бепарво сўради:

– Расмларни томоша қилдингизми?

Юсуфнинг юзи ловуллаб кетди:

– Ха, яхши, – деди овози хиёл титраб. – На-бирангиз зўр рассом экан-ку. Исмо нима?

– Турсуной. Кенжа ўғлимнинг қизи. Боя айтдим-ку, отаси ўрмон хўжалигида, онаси са-наторийда ошпаз. Ўн беш ёшидан унга қара-шарди. Кейин ҳамшираликни битирди. Лекин китобга муккасидан кетган. Даволанувчилар-нинг китобларини ҳам қўймайди.

Чол маъюсланиб қолди. Юсуф Турсуной-нинг кимлигини ўйларди. Сўнг негадир бояги суҳбатни давом эттиргиси келди:

– Ха, ёлғизлик одамни поклайди. Ҳаёти ха-қида ўйлашга мажбурлайди. Шунда гуноҳу савоб-лар кўз ўнгидан ўтади, – деди бироздан сўнг.

– Гуноҳ... Ў-ў, меҳмон, бундан азият чек-канларга ҳеч бир дори-дармон малҳам бўлмас экан. Айниқса, хиёнат... Бу – гуноҳи азим.

Чол яна маъюсланди. Хонада иштахани қўзғатувчи овқат хиди пайдо бўлди. Юсуф қорни очганлигини сезди ва шу захотиёқ бу истак қариянинг афтодаҳол ҳолати олдида орт-га чекинди.

Чол ниҳоят жавондаги китобларга қараб да-дилланди:

– Оллоҳга беадад шукрки, энди боболари-миз мероси ўзимизга қайтди. Қаранг, бизнинг қандай кўп маънавий бойликларимиз бор. До-рилардан тополмаган давони шулардан топамиз. Масалан, мана Аҳмад Яссавий нима дейди:

*Дунё, мансаб дема, учма ишвага,
Дўстлардан ажраб ҳам ёв бошига ет.*

Мухбир экансиз, ўқиган бўлсангиз керак, аллома шоир инсондаги энг дахшатли ёвни нафс деб тушунади. Бу ёвнинг бошини янч, уни жонинг ичида ҳатто ғимирлашига ҳам йўл қўймай ўлдир, шунда пок ва ҳалол, мағрур яшайсан, демоқчи назаримда.

– Шундай. Бобомизга тасаннолар бўлсин. Инсон руҳиятини шунчалик чуқур англаб, тас-вирлаб ўтган. Лекин қойил, сиз донишмандлар китобларининг ашаддий ишқибози экансиз.

Чолга мактов ёқди шекилли, бош силкиб деди:

– Э, мен бу тоғу тошларда йигирма беш йилдан бери яшайман. Боя айтдим-ку, набирам Турсуной китоб жинниси деб, ўша олиб келиб беради. Ана, жавонда «Ўзбек халқ эртаклари», «Калила ва Димна», «Минг бир кеча»... Эртаклар одамни поклайди-да. Болалигимда ўқигандим, мана кексайган чоғимда... – у жилмайди, – маъносини тушунаяпман.

Чол ўрнидан қўзғалди:

– Электр қозонга шўрва солгандим. Хабар олай, пишиб қолгандир. Турсунойнинг укаси эрталаб овқат олиб келади. Янги соғилган сутдан тайёрланган ширгуруч, қаймоқ билан бирга нонушта қиламиз.

Юсуфни хаёл элитди: Эртаклар, «Калила ва Димна»... Турсуной... У бундан анча йиллар аввал дарё бўйидаги ўша анвойи гуллар чаман очилиб ётган ҳовлида дам олувчиларга саватда нон сотиб, челақлардаги пўчоқларни йиғиштириб юрган қизалоқ эмасми? Оҳудек хур-

как, мовий кўзлари доим ерга бокиб турадиган, юпка юқори лаби устида билинар-билинемас қора холи, қайсидир юзида кулгичи... Юсуф ўша йили уйланиш баҳонасида кўп қизларга разм солганди. Лекин бунақаси... фақат китобларда бўлса керак. Чиройли дегани ёқимтой дегани эмас, – ўйларди у. – Ёқимтой бўлса ҳам чиройи одамни тортмаслиги мумкин. Ажабки, бу сарвқоматда иккиси ҳам мужассам эди. Агар бундайлар келинлик либосини кийса... уларга осмондаги ўн беш кунлик ой ҳам ҳавас қилса керак.

Ҳа, бу ўша! Онаси ҳам ҳадеб: «Турсуной, нонни сотдингми? Пўчоқларни сигирга бердингми?» деб шанғиллаб сўрайверарди. У онасидан бекитикча Юсуфнинг китобларини ҳам сўраб турарди. Шунда кўзлар тўқнашарди. Бир куни Юсуф унга: «Намунча чиройлисиз? Ўзим шаҳарга олиб кетайми?» деди. Қиз қиё бокиб жилмайдию қизил дуррачасини учирганча, оҳудек дарров кўздан ғойиб бўлди.

... Юсуф ниҳоят ўрнидан туриб, табиб кирган хона томон борди. Чиқиб келаётган чолнинг қўлидан икки коса шўрвани олиб, хонхата устига қўйди. Ортидан қошиқ кўтариб чол ҳам чиқди.

– Ана энди овқатланиб олайлик, – деди у. – Кейин гаплашаверамиз. Сиз мухбирлар одамни эшита биласиз. Шунинг учун гапим кўпайиб кетди.

Овқатдан сўнг Юсуф бўш йдишларни қўшни хонага чиқариб қўйди.

– Келинг, меҳмон, – деди чол жойига ўтиргач. – Энди сизга бир беморнинг дори даволай

олмаган дардини айтиб бераман. Эшитиб, куйиб кетдим. Бечора, жонига шифо истаб келган экан. Менга: «Сиз тоғда юрган одамсиз. Кимга ҳам айтардингиз? Ахир буни ҳеч кимга айтолмасам ёрилиб ўламан. Бир кун келиб оламдан ўтсам, бу дард билан гўрим тутаб ётмасин», дейди ичи куйиб. «Майли, – дедим ахволига ачиниб, – ахир кўнгилни бўшатиш ҳам бир даво. Лекин мен ҳам ожиз бандаман. Вақти келиб кимгадир айтиб кўйсам гуноҳкор бўлиб қолмай, деб қўрқаман». Алам ўтиб турган экан, «Ҳа, майли, айтсангиз айтаверинг, фақат исми-ни айтмасангиз бўлди», деди. Кейин сўзлаб берди.

Чол уф тортиб, ёстикқа ёнбошлади ва аста ҳикоя қилди.



Ўшанда пенсияга чиққандим. Бу энди анча йиллар аввал бўлган гап. Шу ўрмончи ўғлим, келинг, бир умр ишлаб чарчадингиз, тоғларда дам олиб кетинг, деб қолди. Ўша йили ёз иссиқ келганди. Бордим. Ёшликда тоза улоқ чопганман, ўзим ҳам, ўғлим ҳам биттадан отга минволиб, тоғ ёнбағирларидаги ўрмонларни роса айландик. Тоза ҳаво-да, ёшаргандек бўлдим. Бундок атрофга қарасам, ҳеч нарса экилмаган жойлар бир талай. Юқорида ҳам шунақа жойлар бўлса керак, дедим. Йўқ, бир отахон бодомзор қилаяпти, деди ўғлим.

Ўзи уч-тўрт кун туриб қайтмоқчи эдим. Ким экан қариган чоғида боғ яратаётган, деб қизиқиб қолдим. Ўғлим, албатта сизни у билан таништираман, деб қолди. Тонг отиши билан йўлга тушдик. Сўқмоқлар оша қияликдаги бодомзорга

кўтарилиб бордик. Рўпарада дов-дарахтларнинг шох-шаббасидан қурилган, устига шифер ёпилган туппа-тузук чайла. Уйча дейсиз гўё. Ўғлим чайлага етмасданок от устида: «Хой, Болтабой ота, шу ердасиз?» деб чакирди. Ичкаридан, ишонасизми меҳмон, бўй-басти худди менга ўхшаган чамамда етмишдан ошган бир киши... уни чол деб бўлмасди, чунки сокол, мўйлови қиртишлаб олинган, спортчиларнинг оқ майкасини кийган одам чиқиб келди. Ўғлим камтар хўжайинлардан, отдан тушиб, икки қўллаб кўришди. Кетидан мен ҳам қўл узатдим. Уйчага кириб, хайрон қолдим. Думалоқ стол атрофида тўртта стул, ёнида диван, фонарми, яна алланималар кўринди. Хуллас, замонавий чайла!

– Бу менинг отам, – деди ўғлим фотиҳа ўқилгач. – Сизнинг боғбончилигингизга қизиқиб қолдилар. Бир суҳбатлашсангиз. Тажриба алмашиш демокчиман. – Кейин менга қараб илжайди, – балки шу тоғларда сизга ўхшаб боғқиларлар.

Дафъатан ўғлимнинг мен кутмаган гапини маъқуллаб бош силкитдим, кўнглимдан, ростдан ҳам шундай бўлиши мумкин-ку, деган ўй ўтди. Ахир инсондан нимадир қолиши керак-ку.

Хуллас, шу куни ўғлим мени ташлаб, хизматига кетди. Янги танишим боя мен бошламоқчи бўлган ҳикоясини айтди. Меҳмон эшитасиз-а, ҳа, балли! Мана у нима деди:

– Хотиним ўзимдан анча кичик, боғча мудираси эди. Жамоа хўжалигининг боғчасида. Икки қиз, икки ўғлимиз бор эди. Аёлим нукул: «Бўлди энди, туғмайман, шу чурвақаларни кат-

та қилиб олайлик», дерди. Тўғрисини айтишим керак, боғча ҳисобига рўзгоримиз бутун эди. Лекин мен ич-этимни ердим: «Бу болаларнинг ризқи бўлса, бир куни тешиб чиқмайдими?» Одам боласи ҳамма нарсага ўрганади, дейишадик. Бу, тўғри гап эмас. Ҳаромтовоқдан менинг жаҳлим чиқарди. Охири бир куни: «Бу ишингни йиғиштир, – дедим. – Бўлмаса, охири вой бўлади».

У эса менга бақира бошлади: «Нима, сиз китоб-дафтар кўтариб юриб рўзгор тебратмоқчимисиз? Унақада икки дунёда ҳам косамиз оқармайди». Мактабда биологиядан дарс берардим-да. Аввал тиббиёт техникумини битиргандим. Текширувчилар билан кўрқитмоқчийдим, бобиллаб берди: «Э, кўрқманг, ундайларга қалқон раис акам бор».

Чиндан ҳам қиличдек қоматли, доим тилла тишларини кўрсатиб жилмайиб юрадиган жамоа хўжалиги раисининг қўли узун эди. Идора ёнидаги меҳмонхонада казо-казолар билан тез-тез базми жамшид уюштирарди. Унга таниш-билиш хотинларни ҳам чақирарди. Мен аҳмоқ бундан беҳабар, хотинимдан, нега кеч келадиган одат чиқардинг, деб сўрасам, у, комиссия келиб қолди, меҳмон қилдик, дерди нуқул.

Бир куни мактабдан қайтаётсам ўқувчимнинг онаси – дўхтир аёлни кўриб қолдим. Ота-оналар мажлисига келиб турарди. Чапани, эркакларга ўхшаган характери бор эди. Саломлашиб кетаётсам, тўхтатди.

– Мулла ака, шу ишни яхши қилдингларда, – дейди негадир.

– Қайси ишни? – сўрадим тушунолмай.

У мени хаёлчан кетаяпти, деб ўйлаб:

– Хотинингиз ҳомиласини олдирганини айтаяпман, – деди.

Шу ерда мен тамом бўлдим. Ичимда бир нарса лов этиб ёнди. Тутуни бўғзимда турдию қолди. Ўзи ундан шубҳаланиб юрардим. Ҳеч кимнинг бошига бу кун тушмасин, биродар. Қотиб туравердим. Дўхтир қаёққадир шошаётган экан, аҳволимни сезмади, лекин тайинлади:

– Яхши парвариш қилинг. Вақт ўтиб қолган экан.

Шундан кейин бўладиганим бўлди. Йўқ, бу мен билан боғлиқ бўлиши мумкин эмас, аниқ билардим.

Ич-этимни еб, жинни бўлаёздим. Шундай аёл билан яшаяпманми? Уришиб, жанжал кўтарсам, куда-анда, бола-чақа олдида қандай одам бўламан? Шунча йиллик ҳурмат-иззатимни сувга оқизаманми? Буёқда болалар, неваралар бош эгиб қолади. Агар мабодо сиртдан кечирсам ҳам... йўқ, хиёнатни кечиролмайман. Ўқувчиларимга ҳалоллик, садоқат, ибо, ҳаё тўғрисидаги панду насихатларим қаёққа кетади? Ўша эркаклар кўнглига нима келса қилаверадими? Имонсиз аёллар-чи, наҳотки хиёнатни шунча жўн, оддий деб тушунишса?!

Шундай хаёллар билан юрганимда ичимдаги бир одам: «Агарда сен ҳам умрингда бир марта бўлса-да, бегона аёлга кўз олайтирганимда бундай аламли изтиробга тушмасдинг. Ўзимнинг ҳам гуноҳим бор-ку, деб таскин топардинг. Поклигинг сени... азоблаяпти», дейди. Шайтонни вужудимдан хайдаб чиқараман: «Йўқол, иблис! Сенинг касрингдан қанчадан-қанча оила-

лар барбод бўлади. Қанчалаб орийтли эрлар бош эгиб қолади, фарзандлар отасиз қолади.

Шундан кейин биродар, хотинимга заррача меҳрим қолмади, руҳим чил-чил синди. Ахир ўша воқеа бўлгунча у билан кўп йиллар аҳил-иноқ яшаб келгандик-да. Ҳаммаси тушдек ўтдию кетди. Биродар, шунга амин бўлдимки, нафсга тенг келадиган золим йўқ. Уни енголмаган киши иблис қурбони бўлиши тайин. Ўзингиз ўйланг, биродар, нега инсон пок туғиладию, айрим-лари турфа гуноҳларга ботиб дунёдан ўтиши керак? Нима учун ундайлар покиза тупроқни гуноҳлари билан ифлослантириши керак?

Шундан кейин хотиним менга меҳрибон, кетимдан соядек эргашиб, хизматимга тайёр юрадиган бўлиб қолди. Бу эса баттар нафсониятимга тегарди. Асабим бузилиб, бақирадиган, ҳатто невараларимни урадиган одат чиқардим. Қарабсизки, дами ичидаги ёмон отли бўла бошладим!

Ўрмон хўжалигида танишим бор эди. Олдига бордим: бир парча ер беринг, ўша ерда овуниб юрай, дедим. Кейин кучим етганча тоғу тошларда боғ яратай. Шундай дедим-у, лекин қандай ишга аҳд қилганимни тушуниб турардим. Оилам бағридан ташқарида, тоғу тошларда... Бу осон эмас. Лекин хиёнаткор хотин билан ҳар куни, ҳар соатда кўришишга мажбурлик ундан ҳам оғир. Шунинг учун биринчи йўлни танладим. Очиғини айтай, Кейинчалик бир бева аёлга уйландим. Лекин кўнглим танҳоликни тусайверади. Шунинг учун бу тоғлардан нари кетгим йўқ.

Табиб чол боғбон танишининг фожиасини сўзлаб бераркан, Юсуфнинг юрагида кат-кат изтироблар тўлғанди. Энди ташқарида ҳамон электр қуввати ҳайдаётган «пат-пат» овозини эшитмай, жим ўтираверди. Бироздан кейин қарияга қаради, қайғуга айланган аччиқ аламдан унинг оқарган қора қошлари остидаги қийиқ кўзларида ажабки, ёш милтилламоқда эди.

– Ана, меҳмон, – деди табиб тўсатдан ўз ҳолатидан уялиб. – Вақти келиб бир нарса ёзарсиз. Садоқат ва хиёнат ҳақида. Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга солодир, дейишадик, тахминан шу маънода: токи бошқалар бу қаттол душманнинг қулига айланиб қолишмасин. Нафс... бу, биласиз кенг маънодаги тушунча-да.

Кейин зўраки жилмайди:

– Ўзим ҳам ёшлигимда унча-мунча ҳикоялар машқ қилиб юардим. Ҳавас-да. Лекин барибир чумчук сўйса ҳам кассоб сўйсин. Шунинг учун бу иш сизга ҳавола, меҳмон.

Солярка тугади, шекилли, чирок ўчди, лекин кеч куздаги ойнинг ёруғи ойнадан олачалпоқ тушиб турар, энди атрофга сокинлик бостириб келарди.

Чол ўтирган жойидаги каравотнинг юқорисига узала тушди, Юсуф қуйида ёстикқа бош қўйди. Кўп ўтмай табибнинг хуррак овози эшитила бошлади. Юсуф дардли ҳикоя таъсиридан сира пинакка кетолмади. Бунинг устига оёқлари симиллаб оғриши кучайган, қайси ёнбошига ағдарилса, каравотнинг қийшиқ тахталари ғийқиллаб, белига тошдек ботарди.

Бирон соатдан кейин чолнинг изтиробли инграши эшитилди. У ичидан хўрсинар, одамнинг йиғлаш олдидаги ҳолатини эслатадиган ўксик овоз чиқарарди. Сўнг тушида бўлса керак, «их, их» деди оғриқли товушда. Бора-бора жимиб қолди.



Юсуф уйғонганида офтоб тоғ ортидан кўтарилаётганди. Болдирлари ҳам оғриқдан тўхтабди. Хонтахта устига бир даста пул ташлаб ташқарига чиқса, чол бостирма остидаги от охурига беда солаётган экан. Қозикқа боғланган ит Юсуфга бир қараб кўйди-да, кечаги шўрванинг суягини ғажишда давом этди. Юсуф обдастадаги сувдан юз-кўлини ювиб, рўмолчасига артинди.

– Яхши ётиб турдингизми, меҳмон? – Чол йигит томонга келди. Энди у дастлаб кўринганидек бардам ва тетик эди.

– Раҳмат. Дорингиз сабаб бўлди, шекилли, ҳар ҳолда оғриқ пасайгандек.

– Аввало, худо шифо берсин. Биз бир сабабчи, холос. Буёғини сўрасангиз давосиз дарднинг ўзи йўқ. Фақат хиёнатдан ўзи асрасин.

Кейин Юсуфни бостирманинг нариги томонига бошлади.

– Бу ёққа юринг. Мўъжизани кўрсатаман. Тоғларда куёш эрта чиқади. – Кейин хаяжон аралаш завқланди. – Нурларини қаранг, эртাকা ўхшайди-а? Ҳа, яшанг. Қандай жаннатмакон юртимиз бор. Гиёҳлари-чи. Ҳавосини қаранг, мрамардек мусаффо! Шу ёшдаям ишлагинг келаверади. Анув, тепадаги боғларни қаранг. Бо-

домзор ёнида ёнғокзор... Ўша юраги куйган бечора чол эккан. Қоп-қоп ҳосил олаяпти.

– Ҳа, ҳа! Лекин у мард экан. Болалари, набираларини ўйлапти. Бошлари эгилиб қолмасин, деган-да. Ҳаммасини ичига ютипти. Кейин қадимги замон эркакларига ўхшаб елкасига тўнини ташлаб, чўлу биёбонларга кетиб қолмапти. Ёки аламдан ичкиликка берилиб нопок йўлларга кириб кетмапти. Дардини меҳнат билан енгипти.

– Отангизга раҳмат! Ҳаммасига вақт даво, тоғнинг ҳавоси ҳам. Ахир одам фақат еб-ичиб, кайф-сафо қилиб, гуноҳларга ботиб ўтиб кетавермаслиги керак-ку. Кейин, ҳаммасининг савол-жавоби бор.

Қария шундай деб ортига қайтди. Чўян обдастани энгаштириб, ҳафсала билан қўлларини ювди. Бостирма устунига илинган сочикқа артинди.

– Қани, меҳмон. Энди нонушта қиламиз. Ҳозир неварам келади. Кейин санаторийга кетаверасиз, таксида.

– Такси?.. – Юсуф анграйганди, қария жилмайди:

– Бу – тарғил-да. Миниб олсангиз бўлди, ўзи етказиб қўяди. Текинга! Боргач яна шу йўлга ўнглаб қўйсангиз, ўзи қайтиб келаверади. Ҳар куни бўзчининг мокисидай катнайвериб ўрганган, – кейин самимий кулди. – Хавотир олманг. Адашмайди. Тоғда йўл битта.

Сўнг қария тобора юқорилаётган қуёшга кўзларини қисиб қаради:

– Одам бу дунёда тоғлардек пок ва мағрур яшаши керак. Тўғрими? Ҳа, балли. Яқинда

набирам келтирган газетада бир шеър ўқидим.
Ўқиб қолиб, ёдлаб олдим.

*Тоғларга чиққанга улуглик ёрдир,
Тоғларга чиққанлар тоғ бўлиб қайтар.*

Қойил-а! Бу шеърни кеча сизга айтган боғбон ўртоғимга ҳам ўқиб бердим. Тоғларга бекор келмаган у. Қаддини кўтариш учун юрибди, боғлар барпо қилиб.

Юсуф ўйчан:

– Шундай бўлса керак. Инсон бир марта яшайди. Сиз айтгандай ҳар қандай гуноҳлардан нафсни тийиш керак. Қаддини тоғлардек тутиб юриши керак. Лекин бу осон эмас, мардлар шундай яшайди, – деди.

– Балли, – деди чол жонланиб. – Мени тушунибсиз. Энди мен отни эгарлай.

• • •

– Қаерларда қолдингиз, жўра? – сўради Юсуфнинг ҳамхонаси. – Сизни ўйлаб, ухлолмай чиқдим.

Юсуф айтганди, чехраси ёришди:

– У ҳақда эшитгандим. Тоғ тепасидаги уйда яшаркан. Фақат қахратон қишда шу ердаги ўрмончи ўғлиникига келаркан...

– Ҳа, биларкансиз, лекин у бир боғбон чол ҳақида эзилиб гапириб берди. Тоғ ёнбағрида бодомзор, ёнғоқзор ташкил этибди.

Ҳамхона ажабланди.

– Мабодо, ҳув анави кўриниб турганлар эмасми?

– Ҳа, – деди Юсуф ажабланиб.

– Э, у боғларни ўша отахон яратган. Бир пайтлар мактабда биологиядан дарс берган экан. Аввал дўхтирликни битирган. Табиблиги шундан.

Юсуф анграйиб қолди. Аммо чолдан эшитганини тилига чиқармади:

«Бечора қария, хиёнатдан юраги куйган экан. Бошидан кечирганларини бошқа чол номидан айтиб, ичини хўп бўшатибди. Лекин зўр! Адабиётга қизиқиши бекор эмас экан.

Жонли ҳикоя қилди. Хиёнатга ҳеч ким дуч келмасин, деди кўзлари ёшланиб».

Юсуфнинг ичида бошқа бир одам овоз берди: «Сен-чи, сен Турсунойга айтган сўзингга хиёнат қилмадингми? Майли, ўша селда уни дарёдан кўтариб ўтиб, жонини қутқарибсан. Оёқларингдаги оғриқ шундан. Бунини чолга ҳам айтмаганинг — одамийлигинг. Аммо қизнинг севгисига муносабатинг... Бу нима?»

Эрталабки нонуштадан кейин Юсуф буюмларини жомадонига жойлаб, уйига отланди.

– Ҳа, – сўради ҳамхонаси ажабланиб. – Ҳали вақт бор-ку.

– Шундай бўлиб қолди, – деди у, Турсунойни кўриб қолишдан чўчиб. Кейин бош чайқади. – Дардни, аввало, ўзимиз орттирамыз. Давосини топиш эса, шунақа қийин. Давосизлари ҳам бор.

Мияси ғовлаб, чикдию кетди.

... Юсуф анча йиллардан кейин тоғ ёнбағридаги ўша санаторийга борди. Муолажадан сўнг каравотда дам олиб ётганди, челақда сув, пол артгич кўтариб, фаррош аёл кириб қолди. Йигит ўрнидан туриб, стулга чўкди ва юраги

ачишиб, кўнгли тубида ётган саволни берди: «Бу... Турсуной деган ҳамшира ҳалиям ишляптими?»

Фаррош сергакланиб, у томон ярим ўгирилди:

– Вой, у институтни битириб, катта дўхтир бўп кетган. Ҳозир ўзимизнинг дўхтирхона бошлиғи.

Юсуф яна сўрашдан тийилолмади:

– Оилали бўлса керак?

Аёл пол артишдан тўхтаб, юзлари ёришди:

– Ўқитувчи йигитга турмушга чиққан. Садоқат деган ширингина қизчаси бор.

Юсуфнинг кўнгли нурланди. «Ҳа, яхши бўпти» деди-да, қушдек енгил тортиб, ташқарига чиқди. Ёқимли куз шабадаси эсаётган, хиёбондаги қайрағоч, теракларнинг ҳамон яшил япроқлари аста чапак чаларди. Сал нарида, тепалик бағрида баҳорда қизғалдоқлар орасида қоладиган оддийгина ўша хонадон ўрнида энди қадди узокдан кўринадиган фиштли уй. Эшикдан қизил дуррачаси учини шабадада учирганича жилмайиб, Турсуной кириб келаяпти. Ёнида ўзига ўхшаган, юпка юқори лаби устида чиройли холи бор қизчаси. Ҳойнахой ота-онасини кўргани келаяпти. Чехрасида Юсуф каби ҳаётдан мамнунлик.

Юсуф бу манзарани ҳаёл қилдими ёки ростамига кўрдими – билолмай қолди. Ҳар ҳолда Турсунойни шундай кўришни жуда истарди.

2011 йил

ТУФИЛГАН КУН

Равшан ишхонасида кўп ўралашиб қолиб кетди. Қўл телефонининг соатига қараса, еттидан ошибди. Оқ халатини ечиб, қўнғирранг костюми ва қора чарм курткасини илдам кийди. Қишнинг қисқа куни эмасми, аллақачон қоронғи тушган, қуруқ совуқ этни жунжитар, лекин симёғочларга ўрнатилган кийик кўз мисол узунчоқ лампалар атрофни чароғон этиб турарди. Автомашиналарнинг тинимсиз оқими, ишдан қайтаётган одамлар тафти атрофга файз ва илиқлик бағишларди.

Равшаннинг яшил «Нексия»си ишхонасидан сал нарида, қуюқ дарахтлар остидаги асфальтланган майдончада турарди. Бу ерда ҳеч кимга ҳалақит бермас, қолаверса, хонасининг орқа деразасидан яққол кўзга ташланарди.

Машинасига энди ўтираётганди, ортидан кимдир чақирди. Очиқ эшикдан бошини чиқариб, атрофга разм солди. Зум ўтмай рўпасида қадди-қомати тик, қирра бурун, 40–45 ёшлардаги аёл пайдо бўлди. Унинг чехраси дарахтларнинг ҳали батамом тушиб улгурмаган барглари тўсиб турган неон чироқлари нурида аниқ кўринмас, лекин кўзойнагининг ялтироқ бандлари атрофга гўё шуъла таратарди.

Равшан машинадан тушиб, нима гап, дегандай аёлга бокди. У эса югуриб келган шекилли, нафасини ростлай олмай:

– Укажон, мени кечирасиз-да энди, – деб гап бошлади дабдурустан, – узоқдан кўриб келаётгандим, аптекангизни қулфлаётган экансиз. Шу десангиз шоколадхўр набирам борийди,

шуни тиши оғриб қолса бўладими. Дўхтирдан ўлгудек кўркади, вой-дод, бормаيمان дейди. Отаси ишдан етиб келгани йўқ, онаси кичкинаси билан овора. Хизматдан эрта келган мен, холос.

Равшаннинг энсаси қотди. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ аёл шунча гапни тахлаб ташлади-я. Бунинг устига бугун туғилган кун. Уйи тўла меҳмон. Хотини икки-уч марта телефон қилди. Лоақал бугун эртароқ келинг, деди.

– Опажон, бунақа дори бизда йўқ. Ўзи аптекани яқинда очганман. Эртага тушликдан кейин келинг, топиб қўяман, – деди бепарво машинаси кабинасига жойлашишга шайланаркан.

Равшан, аёл шунга ҳам раҳмат айтади-да, нари кетади, деб ўйлаганди. Йўқ, ундай бўлмади:

– Укажон, қанийди бу тиш оғриғи қурғур эртагача болажонимни тинч қўйиб турса, – деди илтижоли оҳангда. – Дарднинг оғир-енгили бўлмас экан. Ўзи ширингина ўрил бола: сочлари жингалак, кўзлари қоп-қора. Хўнг-хўнг йирлаганидан кейин чидаб бўлмас экан.

«Намунча ёпишқоқ бу аёл, – ўйлади йигитғижиниб. – Худди мен унга мажбурдай гапирди. Иш вақти аллақачон тутаган бўлса. Йўқ десам ҳам қўймайди-я».

Кўзи олдига уйидаги меҳмонлар – ака, укалари, хона тўрида ҳаммаёққа файз бағишлаб ўтирган онаси келди. Улар ахир тик этса кўча эшигига қараб, «чақалок»ни кутишаётгандир. Аёл эса ҳамон унга бокиб турар, бор гапни айтдим, зорим бор-у зўрим йўқ деяётгандай эди. Бирдан Равшаннинг юрагида унга нисбатан меҳр уйғонди:

«Иболилигини қаранг, чорасиз қолган бўлса ҳам бирон таниш дорихонага кўнғироқ қилиб беринг, деб очикдан-очик айтмаяпти, шунга шама қилаяпти, холос. Маданиятли аёлга ўхшайди».

Равшан индамай машинасига кириб, орқа эшикни очди:

– Ўтиринг.

– Қаёққа, – аёл кўзларини катта-катта очиб, ҳайрон бўлди.

– Дорихонага, – деди йигит бу гал юмшоқроқ оҳангда. – Ўзингиз айтаяпсиз-ку, дори ҳозир керак деб. – У «ҳозир» сўзини чўзиб айтди.

Аёл бироз ерга қараганича ийманиб турди, кейин жимгина орқа ўриндикқа чўкди.

Машина туман маркази томон физиллаб бораркан, қор учқунлай бошлаган, кўкдан гўё зар ёғаётган эди. Ойна тозалагичнинг бир маромдаги майин овозигина эшитилар, қарши томондан келаётган машиналар фараси бир-бирига бегона бу икки кишининг юзини ёритишга улгурмай, лип-лип ўтиб кетарди.

Беш-олти чақиримдан кейин яшил чироқли «Навбатчи дорихона» деган ёзув рўпарасида тўхташди. Аёл шоша-пиша эшикни очаётганди, Равшан ортига ўгирилиб «Ўтираверинг, – деди қандайдир беписанд, – мен ўзим...»

Аёл барибир ташқарига чикди, қалин пальтоси ён чўнтагидан бир даста пул олиб, йигит ортидан эргашди.

– Сиздан илтимос қиламан. Жойингизда ўтиринг! – Бу гал Равшаннинг овози қаттиқроқ чикди, шекилли, аёл кўча ўртасига келганида қотиб қолди. Во ажабки, у бу дағал муомаладан сира хафа бўлмаган, аксинча, йўқ ушбу гап

оҳангида ўзига яқин кишисининг меҳрибонлиги йўғрилган эди.

Бироздан сўнг йигит кичкинагина пенициллин шишасида аллақандай суюқлик кўтариб қайтди. Бу вақтда аёл нима қилишини билмай, машина олдида турар, бироз уялиш ва ҳадик акс этган чеҳрасида ёқимтойлик жилваланарди.

– Мана, – деди Равшан дорини унга узатаркан. – Ҳамонки неварангиз дўхтирдан қўрқар экан, пахтага шу дорини шимдириб, тиши ковагига қўйинг. Вақтинчалик бўлсаям оғрикни босади. Эртага эса барибир стоматологга бориш керак.

Аёл ҳаяжонланганидан жилмайиб тез-тез гапирди:

– Укажон, борингизга шукур. Қандай раҳмат айтишни ҳам билмаяпман сизга.

Равшан ярим соатча вақти кетганига ачиниб турар, лекин яхши гап барибир яхши-да, бу сўзлардан ийиб, беихтиёр аёлга қаради, унинг лаби устидаги мошдек қора хол чеҳрасига жуда ярашиб тушганди.

Ўн беш дақиқадан сўнг машина бояги жойига етиб келди. Аёл шофёрнинг ёнидаги ўриндиққа индамай бир даста пул ташлаб, эшикни очди. Буни кўз кири билан кўриб қолган Равшаннинг астойдил жаҳли чиқиб, пулни аёл қўлига тутказди:

– Савоб иш пуллик бўлмайди, опажон. Дори эса кичкинтойга мендан малҳам.

У уйи томон аста бораркан, юрагини аллақандай аралаш туйғулар қамраб олганди. «Умрингда кўрмаган аёлга бунча хушомад? Нима, у кадрдонинг, опа-синглингми? Тагин текинга шунча хизмат». «Ҳой инсон, ярим соат вақтинг

кетса кетибди-да, шунга осмон узилиб ерга тушибдими? Одамга савоб ҳам керак. Буёғини айтсанг, дунёда пулга сотилмайдиган нарсалар ҳам бор».



Чиндан ҳам уйи тўла меҳмон экан. Тўқсонга чиқиб қолган бўлса-да, ҳамон тетик, очик чех-рали онаси қалин кўрпачадан туриб, ўғлига кучоқ очди:

– Вой, болам-ей! Ишингни намунача яхши кўрасан. Туғилган кунингда ҳам эртароқ келмайсан-а!..

Равшан жилмайиб, кўрпачага чўкди. Онахон шу кунларга етказганига шукроналар айтиб, дуо қилди. Ўғлига сихат-саломатлик, узок умр тилади.

Анча вақт суҳбатлашиб ўтиришди. Онахон бирдан чиройли кўзойнагини кўлига олиб, меҳмонларга тушунтира бошлади:

– Мана шу кўзойнакни Равшаним совға қилган. Қаранг, худди тилла суви юритилгандек. Енгилгина. Нозикроқ меҳмонларга борганда тақаман-да буни. Бошқа пайт банди пластмассалини тақаман. Шу денг, уч кун аввал меҳмондорчиликдан келиб, қутичасига жойламоқчийдим. Ялтироқ темирли бандини каттикроқ тортиб юбордим шекилли, синиб кетди. Нима қилишимни билмайман денг. Нега деганда уч кундан кейин набирам қиз узатаётган, шунга меҳмонга боришим керак эди.

– Дарров менга телефон қилмабсиз-да, онажон, – Равшаннинг сабри чидамай деди. – Биласиз, оптикаларда танишларим кўп.

Онахон беозоргина кўл силтади:

– Э, шунга ҳам сени овора қиламанми! Маҳалламиздаги дўконга кенжа набирамни жўнатгандим, бирпасда қайтиб келди. Нима, тузатиб бўлмадими, десам кулади. «Мана тайёр. Бир хотин бандини янги кўйиб берди. Ойнасини ҳам артиб, тиник кўрадиган қилдим, деди. Пул берсам: «Табаррук онахонники шекилли, қиммат туради. Бундай кўзойнакларни шулар тақади», деб олмади. Дуо қилсангиз бўлди экан», деди. Тавба, бу канақа аёл экан, десам, лабида холи бор чиройли хотин, дейди набирам.

Меҳмонлар чехрасида ажабланиш ила мамнунлик пайдо бўлди: «Дунёда яхши одамлар кўп».

Равшан ўй суриб қолди. У ҳозиргина машинандан тушиб қолган, ялтироқ бандли кўзойнак таққан, лабида чиройли холи бор аёл ўша эмасмикан, деб ўйларди.

Туғилган кунида уйига кеч қайтган бўлса ҳам вужудида қилган яхшилигидан ҳузурбахш ором ҳис этди.

2011 йил

БИНАФША ҲИДИ

Ёзув столимдаги мўъжазгина гулдонда бир жуфт бинафша турибди. Нозиккина япроқларидан ҳали яшиллик кетиб улгурмаган, ингичка бандида ҳаёт белгилари мужассам. Илдизи она заминдан узилганига уч кун бўлибдики, ҳамон яшашга ишончи сўнмаган. Бунчалар ҳаётга ташна экан у!

Шугина бўлса майли-я, у бошқа жонзотларни ҳам қанчалик ёниб яшашга чорлаётгандай.

Бир куни ишдан қайтсам қаердандир хонамга кириб қолган асалари бинафша тепасида ғувиллаб айланмоқда. Тавба, бинафшанинг ҳиди маст қилдимикан уни, қанотларини дириллатиб япроқларга қўнаман дейди, қўнолмайди. Эҳтимол, бинафшанинг нозиклиги учун аяётгандир ёки гулнинг ҳусни жамолига маст бўлаётгандир. Асаларининг бу ҳаракатидан мамнун бўлдим. Бирок, яна бинафшанинг нозик япроқларига шикаст етмасин, деб қанотли ошиқни ҳайдаб юбормоққа шайландим. Асалари ҳам менинг мақсадимни тушунгандек, деразанинг қия очик жойидан чикдию кетди.

Хайрият, деб ўйладим, безиён, бешикаст, ортиқча ёпишқоқлик қилмасдан кета қолди. Қўлимга гулдонни олиб, бинафшани димоғимга яқин келтирдим. Ох, кўнглим яйраб кетди. Толиққан вужудимда баҳорий куч сездим. Бунақа ҳидни балки бирон марта ҳам туймагандирман. Юрагим тубида чўкиб ётган дарду ғуборлар каёққа ғойиб бўлди, билолмай қолдим. Тавба, ўйладим ҳайрат ила, тугмачадеккина бу гиёҳсимон гулда шунчалик қудрат қаердан пайдо бўлди?! Дунёга келтирган тупроқдан ташқарида туриб ўз ҳаётию кўрки-тароватини шунча кун сақлаш у ёқда турсин инсондек қудратли зотни ҳам ҳаётга ташналикка чорлаяпти.

Майда-чуйда гаплар, бир хилликдан зерикиб, узоқ-узоқларга кетиб қолгим келаётган пайтлар эди, у вақтлар. Буни қарангки, бинафша баҳона кўнглим тоғдек кўтарилди ва инсоннинг инсон бўлишида табиат қанчалик ўрин тутишини чин қалбдан ҳис этдим.

Ҳар куни уйга қайтиб, бинафшага тикиламан ва унда мовий осмоннинг рангию табаррук замин ҳидини сезаман.

Кейинги кунларда бинафша сўлий бошлади ва бу ҳол тобора тезлашиб, шундоқ ҳам митти гавдаси баттар кичрайиб қолмоқда эди. Мен эса аллақандай мўъжизакор кучдан айрилиб қолгандек ўзимни яна беҳол, бемажол ҳис эта бошладим. Бу ҳолни баҳорги дармонсизликка йўйишдан ва фақат шу деб ўзимни ўзим ишонтиришдан бўлак иложим қолмади.

Бинафшанинг бандлари-ку сўлий бошлади. Лекин унинг атрофидаги думалоксимон, бир пайтлар ўзи билан баробар барглари ҳеч нарса бўлмагандек ҳамон яшил эди. Бинафшани ушлаб кўришдан кўрқдим, шусиз ҳам у бечора тобора кичрайиб борар, абадият сари йўл тутган, шу митти гулдондан ҳам бўйнини аранг чўзиб, оламга умид ила боқарди.

Одатда, ўсимликнинг сувга ботган остки қисми илдиз отиши лозим. Гарчи аллақачон сўлий бошлаган бўлса-да, бинафша ҳам бундан ҳоли эмасдир, деб ўйладим ва бу мени гулни кўтариб кўришга даъват этаверди. Ахири бўлмади, уни аста тутмоқчи эдим, бинафша бечора улкан бир пўлат қисқич орасида қолгандек гулдонга тўкилди-кетди. Аллақачон қуруқшаган япроқлари сув юзига битта бўлиб сочилди. Нозиккина ўзаги эса, денгиз тубига чўккандек аста пастлаб борарди. Фақат бинафшанинг атрофини ўраб турган баҳорнинг алдамчи илиқлигию иссиқ-совуғидан асраб-авайлаган йўргаксимон баргларигина гулдон лабига даҳанини тираганича турарди. Шунда мен бутун қилмишим-у,

ниятим қанчалик нотўғри бўлганини чуқур хис этдим ва юрагимнинг бир бурчагидан инсон нега ўз манфаатини кўп ўйлар экан, деган ҳаёл югуриб ўтди.

Айтишим керакки, бу манзара ҳаётимда шунчаки оддий ҳол бўлмай, балки менинг инсон ва табиат муносабатлари ҳақида ўйлашга ҳадеб мажбур қилаверди. Ана шундай кунларнинг бирида кутилмаган воқеа юз берди.

Бир куни ишга кетаётгандим, бекатга автобус келиб тўхташи билан ҳамма ёпирилди. Одамлар орасида ёшгина, ёқимтойгина бир аёл чамаси беш яшар қизчаси билан турганди. Аёл қаёққадир шошаётгани, шунинг учун кўлидаги соатига тез-тез қараб қўяётгани, қизча эса бир даста бинафша тутганича, аллақандай кўшиқни хиргойи қилаётганини кўриб тургандим.

Ана шу аёл қизчаси билан автобусга интилдди. Автобус ҳайдовчиси тепакал бошини кабинадан чиқариб, ўртага сурилинглар, ўртага, деб одамларни машинага гўё гиштдек тахларди. Мен аёл ва қизчани ўтказиб юбордим. Улар ортидан давангирдек бир йигит автобусга чиқмоқ учун интиларди. Олдида ёш болаю нозик-нихол аёл борлиги унинг учун ҳеч нарса эди.

Қизча бирдан чинкириб йиғлади, бир автобус одам у томон ўгирилди.

– Бинафшам, битта бинафшам тушиб кетди, – деди у юм-юм йиғлаб. Қизча шундай деб, жон-жаҳди билан пастга, бинафша томон интиларди.

– Э, бинафшангдан ўргилдим, – деди йигит ҳамон юқорига суриларкан.

– Тўхтанг, биз тушайлик, – деди она ялинганича ортига қайтар экан.

– Чиқинг энди, шунга шунчами, – деб йигит ўшқирди бор овози билан. – Нима, бу майнавозчилик!

Автобустагиларга мавзу топилди: «Битта бинафшага шунчаликми?» «Олифталар-ей, бунақалар таксида юришсин», «Қиз бола-де, гулни яхши кўради»...

Мен то ўйлаб-нетиб бинафшани оламан, дегунимга қадар бояги давангир йигит тўнғиллай-тўнғиллай пастга тушди ва баҳайбат оёқлари билан гулни яксон қилди. У нари кетган захоти қизалоқ гулни олди. Энди бинафша гўё инидан тушиб кетган полапон мисол чилпарчин ётарди.

Автобуста чиқишга ҳолим қолмади. Кўнглим тонгданок хуфтонга айланди.

Ишхонамга бориб, деразам токчаларидаги бинафшаларга кўзим тушди. Кимдир бежирим гулдонга янги очилган бинафшаларни солиб қўйибди...

2005 йил

ЯШИЛ МАЙДОНЧА

Бу мўъжазгина майдонча кузнинг салқин окшомида ҳар қачонгидан гавжум бўлади. Чор атрофида яшил арчалар бўй чўзган, ранг-баранг ёз гуллари ҳамон чаман бўлиб очилаётган бўйрадеккина ушбу маскан турфа табиатли одамларнинг сайилгоҳига айланиб қолган, улар шу ерда бир дам ҳордиқ чиқариб, яна ҳаётнинг битмас-туганмас ташвишларига шўнғиб кетишарди.

Ям-яшил арчалар ортидаги баланд-баланд қарағайларнинг сарғая бошлаган япроқлари пир-пираб учганча ерга тушар, кечагина сепилган кўм-кўк майса уруғлари ўзига ёпирилган кумуш мисол баргларга бас келиб, ғанимат қуёш томон бўй чўзиб улгурганди.

Одамзотнинг бесабрлигини қаранг-а. Уловда бир соатгина юрилса нақ пурвиқор тоғлар остига, шарқираб оқаётган тип-тиник ирмоқлар, бахмалдек майсазорлар, кўйинг-чи, табиатнинг асл бағрига етиб, мрамардек тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш ўрнига худди ўша кўкрак керган сўлим масканлардан харсангу майда тошларни шу сунъий майдончага келтирибди, ёлғон қоялар ясаб, кўзачалар ичидан миттигина шаршараларни оқизиб кўйибди. Бу, балки унинг табиатни асраб-авайлаш, усиз бирон дақиқа яшай олмаслигига бир ишорадир, холос.

Ёғоч ўриндиқлардан бирида қорачадан келган, қотмагина, калта соқоли ўзига ярашган нуроний чол хаёл сурганча ўтирар, сал наридаги ёйсимон, ясама ёғоч кўприк устида сакрайвериб чарчаган қизалоқ энди онаси танбехларига кулоқ солмай, зўр-базўр ўсиб чиқаётган майсалар узра югурарди. Буни қисик кўзлари билан кузатаётган қариянинг оқ оралаган қуюқ қошлари чимирилди ва ўрнидан аста туриб, қизча томон одимлади. «Болам, – деди у озғин қўлларини жувон томон чўзганча, – биласизми, яшиллик қандай яхши. Худди ҳаётга, ёшликка ўхшайди. Уни топташ умрни топташ билан баробар десам хафа бўлманг. Майсалар ўссин, улғайсин, одамларнинг кўзи қувнасин.

Ана шунда уни сепганлар ҳам, асраганлар ҳам савобга қолади».

Онанинг думалоқ, оппок юзлари дув кизариб ерга бокди ва шашт билан илдамлаб, ўзи каби дўндик қизчасининг кўлидан маҳкам тутди-да, бежирим тошчалар ётқизилган йўлка бўйлаб нари кетиш мақсадида қариянинг ёнидан ўта бошлади. «Ассалому алайкум, – деди аёл ўнг кўлини кўксига қўйганича, – узр, отахон, айб менда».

Қария аёлнинг бундай хушёқар муомаласию айбини тан олишини кутмаган шекилли, кўзларини биров қисиб севинди ва ўрнидан илдам туриб, уч-тўрт қадам одимлади-да, ил-кис қизчанинг қўлчаларидан тутиб: «Кимнинг боласисан, бўтам?» деб сўради. «Ойижонимни, – деди кизалоқ. – Кейин... адажонимни ҳам яхши кўраман».

Чол болакайнинг қўлларини қўйвораркан, аттанг, танбеҳ бермасам ҳам қарашим маъносини тушунаркан, деб ўйлаб, яхши онанинг боласи яхши, деган хаёлга борди ва улар ортидан қараб-қараб, ўриндикка бориб чўкди.

Кўп ўтмай қариянинг хира тортаётган кўзлари дафъатан шундоқ рўпарасидаги гулзор орасида қора ип мисол чўзилган чумолилар карвонига тушди. Қизиқиши ортиб, имиллаганича ўрнидан турди. Жониворлар қаердадир тўкилиб қолган буғдой доналарини ортмоклаганча тош йўлка бўйлаб қаёққадир кетиб борарди. «Яратганнинг мўъжизасига офарин, – ўйлади чол тик қотганича, – дунёдаги энг митти шу жонзот ҳам ризқ-насибасини уясига ташияпти-я! Балки инини обод ва файзли қилиб қўйгандир. Уни

ватан билиб, олис-олислардан машаққат чекиб келаётгандир. Ахир атрофи тўла хавф-хатар, одамнинг оёғи остида қолиши ёки қушларга ем бўлиши, ҳатто сал эсган шамолда дон-дуни билан йўқлик қаърига кетиши ҳеч гапмас. Ҳа, у одамларнинг меҳрига, ўз келажагига ишонади. Худди биз инсонлар каби!»

Чолнинг хаёлини қарағай шохларидаги мусичаларнинг сайраши бўлди. Уфққа ёнбошлаган қуёшнинг заррин нурлари бир жуфт қушнинг бутун жуссасини аниқ-тиниқ кўрсатиб турар, уларнинг танасига қараб, қай бири нар-у, қай бири мода – англаш қийин эмасди.

Қариянинг назарида жуфтлик бегона эмасди, чол ҳар оқшом шу ўриндикқа келиб чўкканида мусичалар аввалроқ шохга келиб қўнган, чамаси, тунни шу ерда эсон-омон ўтказиш учун ана шу серновда жойни хатарсиз маскан билишганини тушуниб қолганди.

Мусичалардан бири, аниқроғи, нари бирдан қанот қоқдию аллақайқадир учиб кетди. Балки емиш топиш учундир, ўйлади чол. Шу пайт худди шуни кутиб тургандек қаердандир миктигина, янаям аниқроғи, бикқа семиз, кўзлари ботаётган офтоб нурида бўзрайиб кўкарган бошқа бир нар мусича мода қуш олдида пайдо бўлди. Бегонадан хавфсираган мода лип этдию ўзга шохга кочиб ўтди. Нар эса зум ўтмай унинг ёнига бориб қўнди ва қанотларини ёйганча модага суркала бошлади. Ожиза қуш бўлса орномусини асраш учун чўчиб-чўчиб ўзини нари олди. Бироқ муттаҳам нар шу топда модага яна яқин борди-да, буни сира истамаётган мусичанинг тумшуғига тўсатдан тумшуғини босди

ва секин кукулади. Ажабки, шундан сўнг мода мусича мунчокдек қоп-қора кўзларини юмганча жим қолди.

Улар шайтон алдовига учиб, ажраб бўлгандиларки, кутилмаганда тепаларида ваҳимали қағиллаганча олақанот пайдо бўлди ва шашт билан аввал найрангбоз нар мусичанинг бирон ерини соғ қолдирмай, тинмай чўқишга тушди. Шу алпозда нафсини жиловлай олмаган қушнинг увада патлари яшил майдончага дув тўкилар, афтидан, бу аҳволда унинг фақат бир парча ҳаром гўштигина илвиллаб қолганди, холос. Кўп ўтмай ўлимтик нар мусича шохдан-шохга «пар-пар» этиб қисқа-қисқа учганча кўздан ғойиб бўлди. Эҳтимол, нафси жунбушга келган бу қуш тунга бориб дарахтдан-дарахтга маймун мисол сакраб ўтувчи абжир ва ашаддий гўштхўр ёввойи мушукка ем бўлар. Ҳар ҳолда бундай мудҳишликни кузатиб турган мўйсафид чол шундай бўлишини жуда истарди.

Ажаб, олақанот шундан сўнг ҳам шаштидан тушмади. Қўрққанидан бошини ичига тортган, шу алпозда бежирим танаси баттар кичрайиб қолган мода мусичани ҳам жазосиз қолдирмади. Хиёнаткорни чағиллатганча бир-икки чўкидида, сўнг учдию кўздан йўқолди.

«Ё, алҳазар, — ўйлади қария энди яшил майдончадаги «қоя»ларга боққанча, — Баъзи инсонлар ҳам, табиат ҳам хиёнатга мойил экан. Фақат ор-номусли, чумолидек меҳнаткаш, уйим-жойим дейдиганларгина саодатга эришса керак. Бунинг аксича йўл тутганлар ажалидан анча илгари айрича ўлим чангалида қоладилар. Ҳатто яшаб юрсалар ҳам тирик ўликдирлар.

Ўшандай нафс балосидан Яратганнинг ўзи ас-расин».

Шу тобда чолнинг нафас олиши кийинлашди ва беихтиёр бошини юқори кўтарди. Шунда ҳали дарахтларнинг қуюқ шохлари тўсиб улгурмаган дарчадан кўринган мовий осмонда, нақ тепасида оппоқ булутлар сузиб бораётганини кўрди. Ажаб, улар бошдан-оёқ ҳаракатда бўлиб, гоҳ оппоқ улкан номаълум шаклга кирар, гоҳ бутун танаси емирилиб бораётган туя ёки тулки ёхуд айиқ жисмини акс эттирар, кейин эса гўё буларни ўз ишига талабчан, аччиғи тез ҳайкалтарош бунёд этган-у, лекин ўзига ёкмагани учун бир зумда шиддат билан бузиб ташлагандек, увадаси чиқиб йўқоларди.

Ва, ниҳоят, осмон яна асл ҳолига келиб, кўм-кўк бўлиб қолди. Фақат диққат билан қараган кишигина мовий кенглик бағрида билинар-билинемас булутлар тўпини пайқаши мумкин эди.

«Ё, тавба, — ўйлади мўйсафид. — Айрим инсонлар ҳам шундай-а! Фанимат бу дунёда қандай шакллarga кирмайди дейсиз: бир айиқ, бир тулки ёки маймун, лекин барибир кун келиб, булутлар сингари зумдаёқ йўқлик қаърига сафар килади. Чинакам инсон бўлиб яшаш эса, қанчалик бахт!»

Қария яна яшил майсаларга тикилганича ҳаёлга чўмди. У ҳаётидаги қувончли, аянчли кунларни бўйрадеккина шу майдончадаги манзаралар тимсолида кўргандек бўлди. Такдир экан, боғлар барпо этди, тоғу тошларда яшади, кимларгадир панду насиҳатлар қилди, хиёнат аламини татиди, ниҳоят, ҳалол ва покизалиғи

учун ана шундай фарзанду набираларидан хурмату иззат топди.

«Бува, – деган овоз келди дафъатан олисдан, – нима қилиб турибсиз бу ерда? Ахир уйда ҳамма сизни кутаяпти. Юбилейингиз-ку».

Чол югуриб келаётган ўғил набирасига кўзи тушди ва ўйланиб қолди: «Ё тавба, худди ўзим-а. Илойим, тақдири ўхшамасин, – деб қўлларини дуога очди. – Илоҳим, ҳаммаси бахтли бўлсин».

Ёғоч ўриндиқнинг бир чеккасида қийшайганча қолган ирғай хассасини ҳам унутиб, анчайин илдам уйи томон юрди.

Қувончданми, охири йўқ ўша хаёлларданми, анчагача ухлай олмади. Очик деразадан кўкка қараб ётаверди. Осмон тўла юлдузлар жимирлар, янги чиққан ой ўн беш кунлик келинчак мисол товланиб турарди.

2013 йил

МИТТИ ЧИРОҚ

Дўхтирни топаман деб олис йўл босиб борсанг-у, у киши ишхонасида бўлмаса одамга алам қиларкан. Тағин котибаси нима дейди: «Вой, амакижон, шундан шу ёққа кепсиз-а, ахир у киши биздан таътилдалар, бошқа ишхоналари уйингиз ёнгинасида. Мана телефон номерлари. – Кейин шошиб столдаги қўл телефонини олди. – Келинг, териб берақолай».

Узоқ гудокдан сўнг котиба аппаратни менга узатди: «Гаплашинг».

Дўхтир жаноблари хорғин ва шикаста овозда: «Мен ўн биргача ишдаман», деди-да гап-

ни шартта тугатди. Ана холос! «Бу одамнинг дарди бўлса керакки, мени излаб борибди, деб ўйламади, бир оғиз эшитай демади-я! Бунинг устига шартини қаранг, қуш бўлсам ҳам унинг олдига шунақа тез учиб боролмайман», – ўйладим ичим ачишиб.

Шошиб орқамга қайтдим. Ғув-ғув маршрут таксилар ўтаяпти, камина кутаётгани йўловчилар билан тўла, ҳай-ҳайлашимга қарамай тўхтамаяпти. Шу пайт чамаси йигирма беш ёшлардаги йигит ёнимга келиб, саломлашди. Бундайларни нима дейишади, маданиятли дейишадими ёки замонавий, ҳар ҳолда кўринишию кийиниши ақлли, маданиятлилигидан далолат берарди. Бунинг устига кулиб турибди. Ҳа, топдим шекилли: очик чехрали, одамшаванда.

– Ака, вақтингизни бекор кеткизманг, – деди китоблар солинган елимхалтасини бир кўлидан иккинчисига олиб. – Яхшиси бир енгил машина ушлайлик. Икки кишига қиммат бўлмайди, тезгина етамиз.

«Матиз»га чикдик. Физиллаганича жўнади. Шофёрнинг ёнида бораётиб, унга ер сузиб қарадим. Қорачадан келган, соқол-мўйлови ўсиқ, қуюқ қора қошли, миқти. Эғнида юпқа оқ «футболка», жинси шим, оёғида шиппак.

Анчагина жим кетдик. Кейин қўл телефонимдаги соатга қарадим-да: «Ишқилиб ўн биргача етказиб борасизми?» деб сўрадим. Шошилганимни қарангки, ахир у шу гапсиз ҳам «учаяпти»ку. Унинг жаҳли чикиб, бурнини жийирди: «Ака, зарил ишимни ташлаб, сизларни олиб кетаялман. Менга пул ҳам, вақт ҳам керак». У газ педалини шундай босди-

ки, машина шамолдек ела бошлади. Олдиндаги уловларнинг гоҳ ўнг, гоҳ чап томонидан қувиб ўтар, мен эса айтган гапимдан афсусланиб, ишқилиб манзилга эсон-омон етиб борайлик-да, деб ўйлардим.

Бир пайт орқа ўриндикдаги йўловчи шеригим тилга кирди:

– Оғайни, кечикмайсиз. Секинроқ ҳайдайверинг. Мен бу йўлдан кўп қатнайман.

Кейинроқ билсам у талаба бўлиб, ёзги таътилга чиққани учун қўшни вилоятдаги уйига кетаётган экан. Шу топда дўхтирдан хафа бўлдим. «Хатто ярим кун ҳам ишламаса-я. Қанийди етиб боролсам».

Ҳайдовчининг телефони жиринглаб қолганди, ўнг қўлини рулдан олиб, аппаратни қулоғига тутди-да, бирдан бақриб юборди:

– Бўлди, бўлди, ўртоқ! Битта ош мендан. Энди мен унга кўрсатаман. Исмини, қаерда яшадини билдингми? Э-э, ҳаммасидан телефон номерини билиб боплабсан. Тамом, менга шу керак эди.

Кайфиятим бузилди. Боятдан бери машина радиосидан сен севмасанг, мен севаман, маъносидаги мантиқсиз, лекин ажаб, нидоли мусиқаси одамга хуш ёқадиган қўшиқни эшитиб келаётгандик. Энди эса беихтиёр киракашнинг баланд овоздаги асабий гапларини тинглашга мажбурмиз. У яна кимгадир асабий гапирарди.

Шофёр телефонини қулоғидан туширди-да, баттар аюҳаннос солди:

– Вой ярамас, тагин у, бу ишни мен қилмаганман, деб онасини ўртага қўйиб қасам ичди-я.

Талаба шеригим билан меҳр-оқибат, садоқат ҳақида суҳбатлашиб келаётганим учун киракашнинг бақиригидан кимдир қиш қунида бошимдан муздек сув қуйиб юборгандек сескандим.

Хайдовчининг бемаза гаплари ҳақоратдек туюлганидан асабим ўйнай бошлади ва: «Ўзи нима гап?» деб сўрадим.

– Ярамас, – деди у яна бир сўкиниб, – биттаси мен яхши кўрадиган қизга осилвотти. Мени номерсиз телефонда ҳақоратлаб, SMS ёзвотти. Кимлигини ўртоғим аниқлапти. Мана энди болайман. Билмадим, негадир шу тобда кўнглим саволни хушлаб қолди:

– Ўзи ўша қиз сизни яхши кўрадики?

– Ҳа-а, – ҳамроҳим бўшашди, – агар яхши кўрмаса мен шунақа дермидим, ака.

– Қиз-чи, қиз... агар шунақа бўлса айтмайдими менга осилма, деб?

– Айтади, лекин барибир қўймаётганмиш.

– Қўймаётганмиш... Қизиқ, буни ўзингиз билмай...кимдан эшитдингиз?

Киракашнинг яна жаҳли чиқа бошлади:

– Уф-ф, жа эзвордиз-да. Так что, ўртоғим айтди! Қутулдимми?

Жимиб қолдик. Негадир хайдовчи машинани секинлатди. Энди радиодан таралаётган ашула овози баландлагандек.

– Ўша ўртоғим кутиб турипти. Сизларни ташлайману орқага физиллаб қайтаман. Тирранчанинг таъзирини берамиз. Кейин ака, – у илжайди, – сиз берадиган пулдан битта чойхонада.

Орқа ўриндикдаги талаба йигит гапимизга аралашди:

– Мен сизга қойилмасман, оғайни. Бу севги деганингиз...нозик масала. Э, тўғрироғи, одамга шикаст етказишга сираям арзимаёди. Кейин айбдор бўлсангиз жазоингизни оласиз. Нима, ўша қиз сизни пойлаб ўтирармиди. Бошқасига тегди-кетди. Энди бир гап-да. Одам одамни тушуниши керак.

Киракаш орқасига шашт билан ўгирилганди, машина бошқарувни йўқотиб, илондек чайқала бошлади, мен кўрқиб ҳай-ҳайлаганча ҳайдовчини кўчага қаратдим.

– Агар клиентим бўлмаганигда, оғайни девотган сани машинамдан ҳайдаб туширардим. – Сўнг киракаш бош чайқади. – Буёғига пул ҳам керак бўп турипти. Так что, сан ишимга аралашма.

Машина яна чийиллаганича учиб кетди.

Анча юриб, автоуловлар карвонига яқинлашиб, манзилга етай деб қолгандик. Йўл тигиз бўлгани учун биз ҳам мажбуран секинладик. Тўғриси айтсам, бунақа гавжумликни шу яқин орада кўрмагандим. Электр ўчиб, светофор ишламаётган, катта кўча машинаю пиёдалар билан тирбанд эди.

– Гапимга хафа бўлманг, оғайни, – деди талаба йигит маъюс. – Сизга ўғил бола гапни айтдим-да. Кейин...кейин ўша одам номерсиз телефонда бўлса телефон компаниясига, юристга мурожаат қилинг. Сизни ҳақоратлаганни топиб беради.

– Э, юраманми чўзиб, қулоғимга лағмон османг, – қўл силтади ҳайдовчи. Ҳаммамиз анчагача жим кетдик. Сон-саноксиздек баланд-баланд дарахтлар бўй чўзган жойда:

– Мени шу ерда колдиринг, – деди талаба йигит ҳафсаласи кетиб пул узатаркан. – Вилоят автобусига чиқаман, – кейин менга хайрлашгандек қаради:

– Ота-онамни ўлгудек соғиндим. Яхшиям ўзимнинг юртимдаман-а. Бошқа жойда одамлар қандай яшайди, тушунолмайман.

У кетаркан, ҳайдовчи менга қаради:

– Сиз ҳам тушинг, ака. Так что, айтган жойингизга олиб келдим.

Ўжарлик менда қандай пайдо бўлди, билмай қолдим.

– Йўк, – дедим жаҳл аралаш, – мени бозорнинг нариги томонига ўтказиб қўйишингиз шарт.

Ҳайдовчи ўқрайди:

– Қанақа бош оғриғи одамсиз. «Пробка»ни кўрмаяпсизми? Бунақада бир соатдаям жойингизга етолмайсиз. Яхшиси пиёда бораверинг.

Ростдан ҳам соат аллақачон ўн бир бўлган, таниқли дўхтир оёғини узатиб, уйида чой ичиб ўтиргандир, деб ўйладим. Демакки, бугунги ишим эртага қолганига ишонмай иложим йўқ эди. Лекин каминадаям нафсоният бор. Ҳамонки киракашга «бош оғриғи» бўлибман, охиригача шундайлигимча қолай, деб ўйладим.

– Ўв-в, – асабийлашиб кўйлагимнинг юқори тугмаларини еча бошладим, – инсоф борми сизда! – Кейин дангалига сенладим: – Ўзи сенинг машинангга оёғим оғриётгани учун чиққандим. Айтган пулингни оласан. Номардлик қилма-да энди. – Кейин гўё синфимдаги ўқувчиларимни уришиб, хумордан чиққандек енгил сездим ўзимни. Ва, ҳозир... у мени машинасидан ҳайдаб туширади, деб кўчага қараганча жим қолдим.

Ишонасизми, шу пайт киракаш жимиб қолди. «Матиз» йўл талашиб тинимсиз сигнал бераётган машиналар ортидан гўё секин эмаклай бошлади. Атрофга қарасам тўрт томонимиз зич машина. Эшикни очиш у ёқда турсин бир со- ния тўхташга ҳам имкон йўқ, хоҳлаймизми, йўқми имиллаб юришга мажбурмиз. Акс ҳолда кимдир оптимиз ёки ёнимиздан туртиб ўтиши, пиёда эса майиб бўлиб қолиши ҳеч гапмас.

Чорраҳада тўкнашиб кетган «Жигули» ва аллақандай хориж маркали машинага кўзим тушди:

– Ана, ўйламай газни босиш оқибати, – де- дим овозимни баландлатиб. Мажбуран имил- лашдан анча ўзига келган киракаш гапимни тўлдиргандек бўлди:

– Энди роса олишишади. Так что, кимнинг ортиқча харажатга кармони чидайди.

– Ҳа, – дедим у гапимга хафа бўлмаганига суюниб. – Кичкина пулми бу.

Ана, икки ҳайдовчи хўмрайганча бир у, бир бу машинанинг пачоқ жойларига разм солишди- да, елка қисишди ва чорраҳадаги назоратчи томон юришди. Учовлон шовқин-суронсиз гап- лаша бошлашди.

– Э, бу дунёда нималар бўлмайди, – ўйла- дим беихтиёр. – Машина ҳам, бойлик ҳам то- пилади. Лекин одам омон бўлса, меҳр-оқибат ўлмаса бас. – Кейин овозимни чиқардим:

– Ука, бояги студент йигит тўғри айтди: одам одамни тушуниши керак. Шошган янгли- шади. Митти чироғи ёнмайди. Мана оқибати. Аслида чин севги икки томонлама бўлади.

Ҳайдовчининг телефони жиринглаб қолди.

Бу сафар аппаратни аста қулоғига олиб борди ва хотиржам: «Яна сенми, Жасур?» деб сўради чўзиб. Шу пайт назаримда, киракашнинг кўзи назоратчига тушди шекилли, телефонни машина микрофонига улади. Энди шеригининг овози баралла эшитиларди:

– Эсингдами, тирмизак, мактабни битираётганимизда ўзингга ўхшаган кўпол ҳазилинг билан яхши кўрган қизимдан айрилгандим. Ҳа-ҳа-ҳа, мана энди ўшани ўзингга қайтардим. SMSни сен дўппосламоқчи бўлган йигитмас, ўзим юборгандим, – кулги овози машинани тутди. – Тағин бошқа одамни қидириб юрма.

Энди автоуловларнинг узук-юлук овози тинган, назаримда, ҳайдовчилар вазиятни тушуниб, ўзларини босиб олгандилар.

Шу пайт светофор чироқлари ёниб қолди. Уловлар бирпасда камайди, гўёки ҳеч нарса содир бўлмаган, қанча-қанча вақтдан бери ҳаммаси ўз изида келаётгандек.

Албатта, талаба йигит уйига етиб боргандир. Бунга ишонса бўлади. Чунки ўзи айтганидек, ҳар кимнинг юрагида митти чирок бўлиши керак. Ана! У ҳам атрофни ёритишга ҳаракат қилиб кўрди.

Киракаш-чи? Э, тўхтанг. Бунақа табиатли йигитни ростданам қайси қиз ёқтираркин? Энди аламини кимдан олади? Ҳар ҳолда ўзидан олса тўғри бўлса керак. Балки вақти келиб бир пайтлар қилган ишидан пушаймон бўлар?

Камина-чи? Нега шошаётган бўлсам ҳам, тажанг ҳайдовчи билан пачакилашиб юрибман? Бунинг устига ўжарларча тикилинч йўлга бошлаганим нимаси? Ким билади, балки инсондаги бошқаларга безарар бундай ноқисликлар ҳам

яхшиликкадир? Чунки асабий йигит машинаси-ни ноилож секин хайдаб, ўзига келиб қолди, бу орада ким айбдорлиги ҳам маълум бўлди. Ана, вақт чўзишнинг фойдаси!

Шу ерга келганда оғрикли кўнглимдан бир фикр ўтди, айтмасам бўлмас: битигимни ўкигач, эҳтимол бу одам оддий воқеа тўғрисида шунча эзмаланди-я, дегувчилар ҳам топилар. Ўйлайманки, бу аслида ундай эмасдир. Ия, дўхтир-чи, нега уни «йўкотиб» қўйди, дейишлари ҳам мумкин. Зийрак ўқувчига ташаккур. Шу сабаб икки оғиз сўз. Лекин бу хулоса эмас.

Сезгандирсиз, дўхтирни кидириб, ишхонасига келгунимча, у айтган вақтдан икки соат кечикдим. Таваккалига рўйхатхонадаги ҳамширадан сўрагандим:

– У кишининг оналари оламдан ўтганди. Бугун иккинчи куни. Шунга эртароқ кетдилар, – деди.

Ичимда бир нарса узилгандек бўлди. Кейин ўйладим: шундай кундаям ишхонасида бўлиш... бу нима? Фидойиликми ёки...

Э-э, билмадим, билмадим...

2013 йил

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Йўлдош велосипеди педалини ғийқиллатиб боса-боса ахири уйига етиб келди-да, костюмини ечишини кутиб турган хотинига хўмрайганича:

– Бор, овкатимни тайёрла, ўзим иламан, – деди.

Хотини индамай ошхона томон кетаркан, Йўлдош «Ҳе-е, ўғри!» деди ерга қараганича пичирлаб. Кейин ўйлади: «Тўғри-да, бир эмас,

уч кундан бери костюмнинг кўкрак чўнтагига солиб қўяётган пулим йўқ! Агар рўзғорга олган бўлсаям айтмайдими?!» Пенсиясини олиб боргани учун ўзига тўқ қариялардан бир-иккиси қўярда-қўймай: «Хой болам, бу пора эмас, табаррук, сен ҳам менинг ёшимга етиб юр», деб берган пулларини шу чўнтагига солиб қўярди. У эса бу пулга рўзғори учун бирор емиш олиш у ёқда турсин, ўзида сақлаб юришни ҳам ор биларди. Лекин нима қилсин, бу чолкамбир тушмагурлар пул бериб, тагин: «Биздек пиру бадавлат яша», деб дуо қилиб турган бўлсалар, қўлларини қайтариб бўладими? Хафа бўлишади. «Тўғри-да, — ўйларди кейин кўнгли вашланиб. — Ишласам маош оламан, нима, бир-икки сўм билан бойиб кетармидим!? Э, майли, — ўзича яна таскин топарди, — сўраб олибманми ёки шунга шама қилдимми, йўқ. Шунақа бўлгандан кейин нима қиламан ўзимни қийнаб».

Мана шу пули бир эмас, уч кундан бери йўқ. Осмонга учиб кетганми, ерга кириб кетганми — чўнтагини ковлаштириб тополмайди. Хотинидан сўрашдан уялади, тўғрироғи, чўчийди. «Эй инсон, кунингиз шунга қолдимми!» деб бошини қотириши турган гап.

Косадаги овқатнинг ярмини ҳам ичмай, чой ҳўплай бошлаганди, аёли унга қараб:

— Қўшни камбирнинг соғлиғи ёмонлашипти. Хотинлар билан ҳол-ахвол сўраб чикдик, — деди маъюс дастурхон шокиласини ҳимариб.

— Биламан, — деди Йўлдош хўмрайганича, — тунов куни пенсиясини олиб борганимдаям шунақа эди.

Хотини гап қовушаётганидан жонланиб:

– Вой, адаси, шу кампирга роса ачиндим. Эри аллақачон ўтиб кетган, ёлғиз ўғли ичкуёв. Хоҳласа келади, хоҳламаса йўк. Онанинг кийимлари бир ахволда. Ахир маҳалла ҳар ойда яхшигина ёрдам бераркан-ку, – деди.

– Мен ҳам шуни ўйлайман, – Йўлдошнинг чехраси очилди. – Ош-овқат чиқариб турилса, кампир пулларни нима қиларкин? Пенсияси етиб ортса.

– Ким билади, балки ўғли олиб кетар?

Шу пайт Йўлдошнинг хаёлига чўнтагидаги йўқолган пул келди-да, ҳали ичиб улгурмаган пиёладаги чойини нари сурди:

– Ноинсоф, онасига ёрдам бериш ўрнига...

Хотини эрининг бундай кайфиятига ўрганиб қолганди. Чунки эри кун бўйи бир эмас, бутун маҳалла одамларининг уйига киради. Бири хурсандчилигини айтади, бири ташвишини. Тағинам юраги кўтаради. Шунинг учун хўмраяди-да.

Хозир эса Йўлдош ўзига тўғрилиқни раво кўраверадиган хотинини ичида ўғрига чиқариб турибди. «Ҳа, – ўйлади у яна алам билан. – Ахир сўзи бошқаю ўзи бошқа бўлса нима дейиш керак!»

Шундай хаёллар билан тонг оттириб, ишга бориш учун кийинар экан, қўли костюми этагидаги қаттиқроқ бир нарсага тегиб, хайрон бўлиб қолди: «Ия, бу нима, қаердан тушди?!» Ҳовлиқиб кўкрак чўнтагига қўлини тикса... тешик! Чўнтак йиртилиб, бойвачча чолкампи́рларнинг зўрлаб берган пуллари костюмининг этагига тўпланипти. Тагин тахлоғлиқ.

Хотинидан шубҳаланганига ўзидан ўзи хафа бўлишним, топилганидан севинишним билмай, қотиб қолди. Кейин йўлакдаги велосипедни судраб кўчага олиб чиқди ва одатдагидек, «хўп-па», дейишни ҳам унутиб, бир сакраб минди-да, кампирникига равона бўлди.

Дарвоза очик экан. Кампирни чақирди, лекин одатича жавобини кутмай, ичкарига йўналди. Эшикни ғийқиллатиб, қиялатди, сўнг ётоқхонага мўралади.

Кампир алмисокдан қолган темир каравотда осмонга қараганча ётарди, қадам овозини эшитиб, «Кираверинг» деди шикаста овозда.

– Бу мен, буви, – деди Йўлдош каравотга яқинлашаркан, у томон эгилиб. – Нима камчилигингиз бор, деб сўрагани келгандим.

– Камчилик... йўк. Хабар олгани кўп одам келаяпти. – Кейин овозини баландлатди. – Кеча ўғлим ҳам келди. Келиним билан. Барака топишсин. «Эски уйда нима қиласиз, юринг «дом»га олиб кетаман», дейди. «Э, болам, – дедим, – бу, чолимнинг суви тўкилган жой. Бўй етиб, қаригунимча шу ерда яшадим, энди шу ерда ётаман», – дедим.

«Нахотки ўғли келган, – ўйлади Йўлдош. – Қанийди шундай бўлса, бечора кампир хотиржам ўтарди дунёдан. Йўк, ундай эмас. Агар келган бўлса етти маҳалла биларди. Ўғли ўзини кўрсатиш учун ҳаммаёққа жар соларди. Ҳа-а, она барибир она-да».

Тўсатдан Йўлдош сергакланди.

– Мана бу сизга мендан совға, – у боя тешик чўнтагидан топиб, шимига солиб олган бир даста пулни кампирнинг ёстиғи тагига қўйди. – Ҳаде-

май тузаларкансиз, менга дўхтирлар айтишди. Шунда бирга бозорга тушамиз. Қўшнимизнинг машинасида. Сизга модний пўмбархит кўйлак, чиройли рўмол, оёғингизга паст пошнаи туфли оламиз. Ана шунда манадан деган кампирлар- ниям ҳаваси келади. Вой-бў, намуна посон бўлмаса, бу, дейишади.

Кампир Йўлдош томон аста ўғирилди:

— Энди менга ҳеч нарсаси керакмас. Яхши одам экансан. Шунча ёрдам бердинг. Оиланг- дан ортиб, менга ҳам карадинг. Мана энди қариб, ётиб қолдим... Сендан розиман, болам.

Йўлдош ўзининг гапи бефойда бўлганидан кўнгли ғашланиб, ишига жўнади.

Уч кундан кейин кампир оламдан ўтди. Қўшни аёллар уни сўнгги йўлга кузатишга чиқишди. Шунда гардеробидан хали ёрлик- лариям олинмаган, бирон марта кийилмаган қимматбаҳо кўйлаклари жемперлар, рўмоллари ҳатто шарфлар чиқди. Улар орасида пўмбархит кўйлаklar ҳам бор эди. Кейин оқ чит рўмолга ўралган анча пул!

— Ҳаммасини жойида қолдирамиз, — дейишди йиғилганлар. — Ахир ўғли келиб қолар. — Шун- дай деб қаравот кўрпасини янгилашаётгани бир парча қоғоз ерга учиб тушди. Нима экан, деб олиб ўқишди. Бу васиятнома бўлиб, кампир уй- жойи бор бисотини Йўлдошга совға қилганиди.

Кампирнинг маъракаси ўтиб бўлгач, дарво- заси ёнига оққушдай чиройли машина келиб тўхтади. Ундан қора чарм куртка кийган нов- ча, олифта йигит тушди-да, ишдан велосипе- дини қийқиллатиб ҳайдаб келаётган Йўлдошга қўл силтаб тўхтатди.

– Бу уйдаги кампир менинг онам эдилар, – деди кеккайиб. Кейин сўради. – Балки мени танирсиз? – унинг бу гапи охангида киноя бор эди.

Йўлдошнинг жаҳли чиқиб, иккинчи оёғини велосипед устидан оширди-да, ерга олди:

– Танирдим-у, лекин ўғли эканлигингизни билмас эканман.

Шундан кейин жанжаллашишди. Ахири Йўлдош алам устида:

– Холам уй-жойни менга совға қилгандилар! – деди муштини велосипед рулига бир уриб.

– Нима!? – деди ўғил кўкрак кериб. – Сен ким бўпсан мерос оладиган?

– Менми? Инсон! Сен эса, ҳе-е... Агар шунга келган бўлсанг, ол ўша меросни!

Вожаб, Йўлдош бирдан енгил тортди.

Ўғил бир ҳафтадан кейин уйга харидор олиб келди. Ёмғир роса қуяётганди. У ва харидор ўзларини пастқам уйнинг ичкарисига уришди. Шу пайт боя тўхтаган шамол кучайиб, дов-дарахтларни эгди-да, увиллаб овоз чиқара бошлади. Сўнг... бояги икки киши кўчага ўқдек отилиб чикди. Эски уйнинг тунукалари ёғочлари билан гумбурлаганича кўчага учиб тушган, қуяётган сел том устини кўлмакка айлантираётганди...

Бу воқеадан сўнг ҳафта-ўн кун ўтганди. Йўлдош ўзи газета элтадиган, куннинг илиқ-иссиқ пайтлари эшиги тагидаги ёғоч ўриндиқда ўйчан ўтирадиган қариянинг: «Бировнинг ҳақи ҳеч кимга буюрмайди. Шунини билиб қўй, болам», деган гапидан юраги увишди. Бироздан

кейин ҳалоллиги, юзи ёруғлигидан кўнгли равшанлашди.

Велосипедини ғийжиллатиб хайдаб бораркан ўйлади: «Бу хаёлпараст чол шу гапини кимга теккизаяпти, уйининг томи босиб тушган кампирнинг ўғлигами? Айтгандай, уй эгаси ким бўлган экан?»

Эшигидан кирди-да, хотинига хомуш:

– Ҳамма чўнтақларимни тикиб ташла, – деди ва ҳовлиси этагидаги ҳаммомга кириб кетди.

2013 йил

НАБИРА

Кампир вафот этган куннинг эртасига қор гупиллаб ёға бошлади. Шамол аралаш шундай ёғдики, фотиҳага келганлар йўлакдаги елвизакда совуқ жон-жонларидан ўтиб, ҳассакашларга тезгина таъзия билдиришганча машиналари томон жўнаб қолишарди. «Дарвозани қия ёпинглар, – деди кимдир бетоқат. – Бунақада ҳамма шамоллаб қолади».

Шундай қилишганди катта кўчадан физ-физ тинимсиз ўтаётган автоуловларнинг овози сусайди, йўлак ҳам илигандек бўлди. Боядан бери нарироқда тўнга ўралганча оёқларини ерга таптап уриб турган Норбой ҳам қариндошлари олдига келиб чўкди. Бу пайтда ҳовлининг этагидаги Қоплоннинг овози эшитилиб қолган, ўтирганлар: «Э, бу ярамаснинг овозини ўчирсангларчи», – деб бир-бирларига буюришарди. Албатта, бу гап Норбойга тегишли эди. У ўрнидан жаҳл билан турди-да, ит томон илдамлади. Бир

кўнгли негадир арконни чайнаётган кўппакни ечиб, нариги томондаги кўчага ҳайдаб юборгиси келди-ю, бу ҳам ортиқча иш эканлигини билиб эринди. Қоплонни тепиб-тепиб уясига киритди. Лекин эгаси жойига қайтгач, инидан чиққан итнинг яна акиллаш аралаш мунгли овози эшитила бошлади. Норбой ўрнидан қайта тураётганди:

– Қўявер, – деди ҳассакашлардан кимдир, – ит барибир ит-да, баттар ўчакишади.

– Балки инидан чакка ўтгандир, – деди бошқа биров, – бу ҳам жонивор ахир.

– Қаёқда, – деди Норбой афтини бужмайтириб, – инининг ичи куп-қуруқ. Раҳматли онам... Беҳзод билан фиштан қургандилар.

Кейин ҳассакашлар, тавба, ўғли бўлатуриб, кампирнинг итга ин қурганига бало бормиди, деб ўйламасин деган хаёлга бориб:

– Ёшликларида ўчоқ ясайвериб ўрганиб кетган эканлар, менга йўл бермадилар, – деди ерга караб.

Орага жимлик чўкди. Фақат итнинг ғашга тегадиган ҳазин инграшию кўчадаги машиналарнинг ғув-ғув ўтиши эшитиларди, холос.

Кампирнинг биргина шу ўғли бор эди. Эри анча йиллар аввал юрак хуружи билан дунёдан ўтган, она ёлғизини ўзи емай-едириб, киймай-кийдириб катта қилганди. Бу осон бўлмаганди, албатта. Она газета дўконида сотувчилик қилар, қишми, ёзми – унга барибир бўлиб, эрта тонгдан қоронғи тушгунча каталакдек хонада ўтиргани ўтирган эди. Гоҳи-гоҳи ҳарна рўзғорга мадад бўлар, деб шаҳардаги дўконлардан болаларбоп китоблар, ёзув дафтарлари-ю, чизғич, ўчирғичларни ҳам келтириб сотарди.

Норбой эса, турли жойларда ишлар, лекин бир ой ўтмай ишдан бўшаб оларди. Сабаби унда кунт ва чидам етишмас, кўчадаги ўзига ўхшаган улфатлари билан чакчаклашиб уйга қайтгач, хотинига муштини кўрсатишни канда қилмасди. Охир-оқибат аёли безори эрининг дастидан уйига кетганча қайтмади.

Кампир эса, набирамни олиб қолсам, келиним бир куни қайтиб келар, деб қанчалик дод-вой солмасин онаси Беҳзодни бермади. Аслида болакай меҳрибон бувиси билан қолишни истаган, шунинг учун онаси, қани, олдимга туш-чи, деса ундан тисарилиб орқага кетган, кўзларидаги ёш билан мўлтиллаб бир бувиси, бир онасига қараб тураверганди.

Беҳзод гўдаклигиданок кампирнинг тарбиясида қолганди. Ҳатто кечалари бувиси бағрида ётарди. Унинг «бор экан-у, йўқ экан» билан бошланадиган мўъжизавий ва ёқимли эртакларисиз ҳаётини тасаввур этолмасди. Уйқуга ётаркан, бувисининг бўйнидан қучоқлаб, сезилар-сезилмас атир ва кексаларда бўладиган аллақандай намхуш ҳидни туйганича эртакни жон қулоғи билан тинглар ва бундай завқли онлар сира тугамаслигини истарди. Эртаклар болакайни аллақачоноқ эзгуликка, ойдин йўл томон бошлаб улгурганди. Шу сабабли мактабда ҳам яхши ўқир, устозлари бувиси ва онасига: «Ҳозирги болалар кўп ақлли, ҳавасимиз келади уларга», дейишарди.

Бувиси нафақат набирасини, шу билан бирга унинг синфдош дўстларини ҳам яхши кўрарди. Улар мактабдан папкаларини ортмоқлаб қайтар эканлар, газета дўкони олдидан ўтишар, шун-

да кампир уларга эртак китобчаларни совға қиларди. Бу пайтда Бехзоднинг боши осмонга етиб, бувиси билан фахрланарди. Ва, афсуски, ўртоклари оталарини мактаб гапирганларида у индамай ерга қараб қоларди.

Кампир мардлик, жасурлик ҳақида қанча кўп эртаклар айтмасин, бунинг устига набирасини аралаштириб ўзи тўкиб чиқармасин, ўшанда ҳам болақай ёлғизликда ҳар нарсадан кўрқар, ҳаттоки кечалари чироқ ёруғида ҳам қўшни хонадан китобларини олиб чиқишга юраги дов бермасди. Бувиси бунинг сабабларини биларди: эр-хотиннинг доимий жанжалларидан бола юрак олдириб қўйган, шу важдан ҳар бир буюм ҳам кўзига кўрқинчли маҳлуқ каби кўринаверарди.

Бошқа тарафдан кампир ўғлининг бир ишнинг бошини тутмагани сабабини англаб, баттар эзиларди. «Вой, пешонам-а, – ўйларди у, – агар отаси бўлганида боламнинг бундай аҳволга тушишига сира йўл қўймасди, ахир раҳматли қаттиққўл, ҳатто бирон марта ҳам кулмаган, шу билан бирга меҳрибон одам эди. У Норбой болалигида дунёдан ўтди, мен эса ишдан ортмадим. Эркаксиз уй устунсиз, омонат экан, мана энди меҳримни набирамга берсам, зора ўша айбларим ювилса».

У Бехзодда ўзининг кейинги умрини, бошқалардек тўкис ва осойишта оила тимсолини кўрарди.

Кампирнинг ичида яна шундай аламли ўйлар тугён қилардики, вақти-соати етиб дунёдан кўз юмсам, набирамнинг тақдири нима бўлади, деб ўйлар, қон босими баттар кўтарилиб, дори

устидан дори ичаверар, окибатда тинка-мадори қуриб бораверарди.

Шундай оғриқли хаёллар гирдобиди киш кунларининг бирида ишдан қайтаётганди. Йўлда сирпаниб, йиқилиб тушди ва набираси учун олган эртак китобини бағрига маҳкам босганча, оламдан ўтди.

Фожиани эшитган келин бошини эгганича, эриникига қайтди. «Ойижон, мени кечиринг, сизни шундай аҳволда ёлғиз ташлаб қўйган келинингизни кечиринг», – деб дод-фарёд қилди. Бундай мунгли гаплар қулоғига чалинган Норбой эса, бир чеккада мунғайиб тураверди.

... Йўлакда ўтирган ҳассакашлар бирдан ҳушёр тортишди: «Ие, Беҳзод қани?» У яқинда тўн ва дўппи кийиб, белига қийикча боғлаб, ҳамма совукдан жунжикиб йўлакка кирганида ҳам бир ўзи кўчада йиғлаб тураверганди. Бунинг устига итнинг ҳам овози ўчибди.

У ёқ, бу ёққа бориб ўғлини тополмаган Норбой: «Йўк, – деди қўл силтаб, – зумраша қаёққа ғойиб бўлдийкин?» Ажаб, унинг юраги эҳтимол умрида биринчи марта оғриқли увишди: «Қўрқоқ бола эди, совукни қаранг, қоронғи тушаяпти».

Бу пайтда Беҳзод қишлоқ чеккасидаги оппок қорга бурканган кампирнинг қабри ёнида эди.

– Бувижон, нега мени ташлаб кетдингиз? – деди болакай кўзларидан ёш қуюлиб. – Ахир ўзингиз айтган эдингиз-ку, сенинг мард йигит бўлганингни кўраман деб, мана қўрқмай бир ўзим сизни соғиниб келдим. Энди сира қўрқоқ эмасман. Эшитяпсиз-а, бувижон! У кун-

лар ўтди, энди яхши кунларда яшаяпмиз, шукроналар айтайлик, деганингиз эсингиздами?

Атрофда сукунат ҳукмрон, аччиқ совук Беҳзоднинг юзларини чимчилар, оппоқ қор буралиб-буралиб ёғар, гўёки бутун олам унинг ёруғидан мунаввар бўлаётганди.

Болақайнинг ёнида бошини эгиб, жимгина турган Қоплоннинг кўзларида ёш милтилларди.

2013 йил

ТОҒА-ЖИЯНЛАР

Телефон қурмағур жуда бежирим эди. Сигарет кутисидек юпқа, тўрт чеккаси эгик, сиртига тилларанг югуртирилган бўлиб, ажабки, шу чиройига фақат учтагина тугмачаси бор эди: яшил, қизил ва яна овоз белгисини кўрсатувчи тўлқинли чизикчалар тортилган тугмача!

Хайдар аслида қўл телефонларини кўпам хушламасди. Лекин эшитгандики, қари-қартаглар, кўзи ожизлар учун овоз билан истаган одамини чақириб берадиган «сотка»лар ҳам чиққан. Пайпаслаб чап томондаги бўртиб турган яшил тугмачани босиб, кимни хохласа шуни чақирса, тамом-вассалом.

Аллақачон «мода»дан қолган, рақамлари ўчаётган аппаратини унутиб уйда қолдирадими, ишхонасидами ёки батареясининг қуввати тугаб, аллақайси бурчакка ташлаб қўядими, унга барибир эди.

Уч кунда бир «смена»га боради. Каталакдек қоровулхонасига кириб олиб, эрталабдан кечгача келиб-кетаётганлар билан савол-жавоб қилади: «Хўш, қаёққа?». «Танимаяпсизми, то-

вукбоқарман-ку, цехга». «Балки кеча ишдан бўшагандирсан, ҳужжатингни кўрсат». Яна бошқасининг йўлини тўсади: «Хов оғайни, қаёққа бораяпсиз?» «Хўжайинга». «Ия, шаҳар бедарвоза эмас! Тўхтанг, олдин у кишидан рухсат сўрай». Шундай деб стол устидаги тошбақадек телефон аппаратига қўл узатади. Агар шу ерда ишлаётган бош ҳисобчими, цех бошлиғими, хуллас, амалдорроғи рўпара келса, лаганбардорлик қилиб ўтирмайди-ю, бироқ оғир кўзғалади: «Э, хуш кўрдик, хуш кўрдик, яхши келаяпсизми?» дейди, холос.

Гармдори нусха дўпписини бошига кийшик кўндирган, оқ семиз юзида қон томирлари бўртиб турган бу одамдаги сал илжайиш ҳар қандай кишида унга нисбатан меҳр уйғотади.

Кечкурун ишдан қайтишаётгандаги машмашани кўринг! Қовоғи уюлиб, юпка лаблари қисилади. Эшикдан ҳаммани чўнтагидан тортиб, халтасигача текшириб чиқаради. Баъзан қоровулхонада бакирик-чакирик бўлиб қолади. Кимдир тухум олгану ҳужжатини тўғриламай чиққан ёки товук гўштини уйидан овқат келтирган кастрюлькасига яширинча солиб олиб чиқаётган бўлади. «Ноинсофлар, – дейди улар қайтиб кириб кетгач, – кўпчиликнинг ҳақини еб бўладими, тешиб чиқмайдими!» Аёлларга келганда кўйлаклари устидан пайпаслаб кўришни жуда истаса-да, бундай қилишдан чўчийди. «Ия, мени ким деб ўйлаяпсиз?» деб сумка ёки мушти билан афт башарасига тушириб қолишларидан кўрқиб: «Қани, кўлингиздагини бир очиб кўрсатинг-чи», дейди, холос. Кейин

бўйнини чўзиб қараб хотиржам бўлади-да, боши билан бораверинг, ишорасини қилади.

Шу тарика «смена»ни ўтказди-да, эрта-лаб шериги келгач, овқатдан бўшаган идиш-товоғини латта халтага солиб, шақиллатганича уйига қайтади. Ўрик остидаги симсетка каравотда бироз мизғиб олиб, ховлисидаги экинни чопади, мол-ҳолга қарайди. Кечга яқин оёқ-қўлларида чарчок туяди, кўчага чиқиб, темир дарвозаси тагидаги ёғоч ўриндикда тин олади.

Қишлоқ кичкина бўлгани учун ҳамма-ни танийди. Биров помидор сотиб, яшигини кўтарганича бозордан қайтади, бошқаси ҳай-ҳайлаб сигир-бузоғини даладан қайтариб келади, яна бири селгисин, деб кўчага ёйиб қўйган беда пичанини паншахада титади. Ҳайдар буларнинг ҳаммаси билан бозор-ўчар, мол-ҳол, экин-тикин тўғрисида гап сотиб кўради. Кўнгли жойига тушгандек бўлади. Ҳар ҳолда маҳалла-қўйдаги янгиликлардан хабардор бўлиб туриши керак-да.

Албатта, ўтган-кетганнинг Ҳайдарга ҳам илтимоси бўлади. Қўшниси тухум олиб беринг, деса, нариги кўчадаги деҳқон, товук ўғити экинни хўп қутуртириб юбораркан, бир арава олиб берсангиз-чи, дея ўтинади.

Унисигаям, бунисигаям йўқ демайди. Лекин ёнига ўтқазволиб ўзича тушунтиради: «Уйда тўртта товук боқсангиз бўлмайдами, пулингиз ёнингизга қолади. Хоҳламасангиз дўкон тўла тухум». «Сиз сўраётган ўғитни ховлига солиб бўлмайди, қўшни. Хидига кўз очолмай қоласиз».

Ҳайдар бу гаплари билан маҳалладошларини ранжитаётганлигини билса ҳам, сира хижолат

бўлмайди. Ахир минг пулини тўлаб олса ҳам товукхонада нима деб ўйлашади: «Ўзи қоровулда, йўлини қилиб олиб чиқаяпти, бошқа бировга бир дона тухум чиқартирмайди».

Бунинг устига раҳматли отасининг васияти бор: «Тўғри ўйла, тўғри сўйла, тўғри юр! Шунда мен тинч ётаман».

Тирикчилиги туппа-тузук ўтиб турибди. Маоши тайин, ҳар ой мукофот беришади, тўйларида гўштан ёрдам кўрсатишади. Ўйғилишларда ҳалоллигини макташади. Ўғиллари ёнига кириб қолган. Ҳовлисидаги каталакда 10–15 та товуғи, кўрасида кўйи, бўйрадеккина жойда иссиқхонаси бор. Бўш вақтларида шулар билан андармон.

Буларни ўйларкан хаёлига тоғаси келди. Соғ-омонмикан? Анча йил бўлди кўрмаганига. Отаси раҳматли унга: «Сени шу одам ишга жойлаган, холидан хабар олиб тур», деганди.

Тоға ўша пайтларда товукхонада омбор мудири эди. Тухумми, гўштни, емми – ҳаммаси унинг қўлидан ўтарди. Ҳайдар ишчилардан эшитиб қолганди: «Тоға даврида тонна-тонна ем омборга етиб келмай, қаёққадир гумдон бўлган, минг-минглаб тухум цехда синди, деб «списат» қилинган, етим-есирларга беринг, деб тайинланган қанчадан-қанча тухум ва гўштлар бозорга олиб бориб сотилган».

Паррандабоқарлар эса, шикоят қилишаркан: «Товуқлар нимжон, тухум камайиб кетаяпти, бунинг устига майда». Тўғри-да, товуқлар тўйиб овқат емаганидан кейин қаёқдан ҳам тухум берсин. Ишхона қарзга ботиб борарди.

Янги директор анча кузатиб юрди. Омбор мудирининг ўғрилигию ёлғончилигини пайқаб қолди-да, ишдан бўшатди.

Ҳайдар ана шу воқеа арафасида қоровулликка ишга келган, тоғаси ундан манфаатдор бўлолмай қолганди.

Одам дегани барибир яхшиликни унутмас экан. Ҳайдар бу машмашаларни эшитган эса-да, ўгай бўлса ҳам барибир тоға-да, уни бир кўргиси келди. Ҳовлига кирди, товук катагига бош сукиб, тўртта тухум олди. Боғ этагидаги қирмизи олмадан саралаб, беш-олтитасини узди. Гузардаги новвойдан бир жуфт ёғли патир, бозордан мева-чева олиб кўшди. Халтасига бундоқ караганди камроқ кўринди. Тоғамнинг овқат қилиб берадиган одами йўқ, жуда бўлмаса ковуриб ер, деб ўйлаб ортига қайтди. Дўкондан яна ўнта тухум олди ва кўнгли тўлгандек бўлди.

Эшик қия очик экан. Йўлакка кириб: «Тоға, ҳов тоға!», деб овоз берди. Жимжитлик. Анча ичкари юриб, ҳовли ўртасига келди. Қаттиқроқ чақирди. Атрофида қатор хоналар салобат тўкиб турар, ўртадаги фаввора бу йил ишламаган шекилли, оппоқ кафель терилган думалок ҳовуз ичи қуриб-қакшаб ётар, цементланган атрофини ёмғирдан кейин ўсиб чикқан ғумагу қўйतिकанлар босиб кетганди. Бир пайтлар бу жойда омбор мудирининг кадрдонлари кўп ўтиришлар қилишган, не-не бўйни узун шишаларни думалатиб ташлашганди.

Тоғанинг кампири қон босимидан вафот этган, тоға қанчалик хоҳламасин ёлғиз қизининг ўжар эри оиласи билан бу ерга кўчиб келишни сира истамасди. Узунқулоқ гапларга караганда

у қайнотасининг бу қасрни қандай йўллар билан қурганини эшитган, оқликка хиёнат, етим-есирларнинг ҳақини ейишдан пайдо бўлган уйда яшашни ор биларди. Яхшиямки, кўни-кўшнилар тоғанинг ҳолидан хабар олиб турар, кечкурун ош-овқат чиқаришаётгани учун у жон сақларди. Булардан Ҳайдар хабардор бўлиб, кўнгли ғашланар ва ажабо, шу топда тоғам ўгай-ку, шунга ям хижолат бўламанми, деган юпанч билан таскин топарди. Ва бирдан ўз фикридан ўзи уялади. Лоақал йилда бир бориб кўрмаслик гуноҳ. Ахир у яхшилик қилган, уйланаётганда ота-онаси: «Келиб-келиб тоғ тепасидаги қизга кўнгил қўйдингми? Йиғиштир у тоғанингни! Тоғдан келин қилмаймиз», деб оёқ тираб туриб олишганида уларни кўндирган ким? Шу тоғаси! Кейин тўй юборар куни арокқа тўйволиб: «Бу дунёда ўйнаб қол...» деб чапаниларча ўйинга тушган, ҳаммани ўзига қаратган ҳам шу одам! Буни билмаслик... Шуларни ўйлаб кўнгли ёришди.

– Тоға, – деб қаттиқроқ чақирди у. – Ҳов, ким бор уйда?

Ҳовли этагидан ниҳоят: «Ким у, келаверинг!» деган уйқудан кейинги бўғиқ овоз эшитилди.

Ҳайдар ўша томонга юрди.

Тоға бўёқлари ўчган темир каравотда мизғиб ётган экан, уйғониб, ёнбошига ўнгланди.

– Ия, сенми, жиян! – У қадам товушини эшитиб, туриб ўтирди. Ҳайдар илдам юриб борди ва ... узатган гўштдор кўли хавода муаллак қолди. Тоғанинг кўз қорачиқлари лоқайд ва бепарво эди.

Қотиб қолди. «Келмаганимга икки йил бўлди, шекилли. Наҳотки соппа-соғ одам... Э, тақдирнинг ўйини...» деб ичи ачишиб ўйлади.

Бўғотдаги бир жуфт қалдирғоч тинмай чуғурлар, галма-гал учиб бориб, тумшукларида аллақаяқлардан лой парчаларини келтириб, уста хунарманд мисол пишитиб-пишитиб уя ясарди.

Ҳайдар эшитгандики, ароқнинг ёмони бора-бора кўр қилади. Тоға эса, маишат деса ўзини томдан ташларди. У пайтлар ароқ кам. Тухумга хуфиёна бўлар-бўлмас спирт алмашиб, ҳаҳо-таралло қилиш, окликка, жониворлар насибасига хиёнат натижасими бу? Тоғани ишдан бўшатишганига анча йиллар ўтса ҳам аста-секин шу ҳол юз бердими?

У шундай хаёллар оғушида темир каравот четига аста чўккалади, тахтаси ғийқ этиб эгилди. Ҳайдар тортилиб сурилганча, берироққа ўтди.

– Иссиқ патир олиб келгандим, – деди оғзидан гаплари тўкилиб. – Еб олинг. Айтгандай, тухум ҳам бор. – Бирдан жонланди: – Уй тухуми! Ўзимники. – У ўтирганича каравотдаги халтачани титкилай бошлади.

Тоғанинг тунд чехраси бирдан ёришди:

– Тухум?! Ол-чи... кўп йил бўлди-я тутмаганимга. – У дўрдоқ лабларини чўччайтириб, бошини чайқади ва бир «уф»лади-да, эгилиб икки қўлини чўзди.

Ҳайдар латта халтачадан битта тухумни олиб узатди. Тоға уни авайлаб силади, қулоғи остига олиб бориб, силкитиб-силкитиб кўрди.

Кейин хидлади. Бир оз жим қолди ва кутилмаганда йиғлоки овозда бақириб юборди:

– Эй, нега мени алдайсан?! Бу товукхонанинг тухуми-ку, билдинг! Ахир мен ўттиз йил ишладим у ерда! Кўр бўлсам ҳам хидидан, ичидаги сариғи қимирлашидан биламан!

Кейин бошини эгиб, жим қолди. Ҳайдар янглишганини, уйникини эмас, балки гузардаги дўкондан олган тухумни тутқазганини пайқади ва тоғанинг аллақандай нотабиий сезгирлигидан ҳайратда эди. У икки қўллаб халтачасини бесаранжом ковлаётганди буни сезган тоға кафти билан унинг елкасига туртди:

– Керакмас, барибир шуниси яхши.

У тухумни хидлаб жим қолган, бепарво ва жиддий эди.

Қалдирғочлар ҳамон лой ташиб келар, битай деб қолган тошдек мустаҳкам уясига санъат асари каби зеб беришда давом этарди. Тоға ўрнидан туриб ўтирди ва яланг бошини чап қўли кафти билан силади:

– Кечир, жиян. Шунақа бўлиб қолганман. Товукхонани соғиндим. Жуда. Ҳиди... кўп-кўп тухумларни эслатади. – Яна биров жимликдан сўнг сўради: – Хўш, оламда нима гап?

Ҳайдар нима десин? Ўғли зоотехникликни битириб, шу фабрикада ишлаётганлиги, товукларга компьютер ёрдамида ўлчаб ем-сув берилаётганлиги, тухумлар синиши камайганлиги, ҳамма паррандаларни эллик-олтмиш нафар ўрнига бир одам боқаётганлиги, ҳатто ўзи ишлайдиган қоровулхонада ҳам ким нима иш қилаётганлигини кўрсатадиган аппарат ўрнатилганини оғзини тўлдириб, тушунтириб берди.

– Яхши, яхши, – деди тоға дардли овоз билан. – Ҳаммаси яхши. – Унинг гапи оҳангида ҳасад эмас, ҳавас борлигини Ҳайдар сезаёзганди.

У ҳамон титроқли ўнг қўли кафти орасида тухумни тутиб турар, елкалари билинар-билинемас учиб-учиб тушарди. Ҳайдарнинг буни олинг, деб узатган уй тухумига парво ҳам қилмасди.

– Сендан битта илтимосим бор, – деди товуши очилиб. – Эшитдимки, овоз билан ишлайдиган қўл телефони чиқибди. Шунини топиб келсанг, жиян.

Тоға тухумни хонтахта устига қўйганди, думалаб борди-да, тўп этиб чим босган ерга тушди.

– Синмади-а, – деди у ўз табиий товуши билан. – Қобиғи қаттиқ экан. Товуқлар тўйиб ем еган, шекилли.

Ҳайдарнинг хайронлиги ошди. Қўлидаги тухумни халтасига солишдан бошқа чора қолмади.

– Яна бир илтимос, – тоғанинг овози энди майинлашди. – Олиб келадиган телефонингга қўнғироқ ўрнига хўрознинг қичқириғини ёздиргин, хўпми?

Ҳайдар «хўп» деди-ю, жойидан жилолмай қолди. Қўнғили бузилди: «Тоға, сизни зўр дўхтирга обориб тузаттираман», деди аранг. Ва юраги ачишиб ўйлади: «Бир пайтлар савлатидан от ҳуркадиган одамнинг аҳволими шу?»

Тоға икки кафтини юзларига суриб, Ҳайдарни узоқ дуо қилди. Сўнг ёстик ёнидаги қора кўзойнагини тақиб:

– Жиян, сен билгин, дардимга факат хўроз қичкириғи даво, – деди. Унинг юзида жиддийлик қотиб қолганди.

Хайдар ердаги тухумни олиб, хонтахта устига кўяркан, тоғасига нега парранда овози даво, деб ўйлади. Балки ёшлиғи, соғлом пайтини эслатар? Хайрлашиб, йўлда бораркан, қоровулхонаси йўлагидан топиб олган телефонни эслади. Бу матоҳ хўп тоғамбоп экан-да, деган ўй ўтди кўнглидан. «Йўк, – деди ичида кимдир, – у бировники-ку. Бечора ҳали номер ҳам олмаган экан, яп-янги».

Эртасига телефонни қоровулхона шифтига мих қокиб, ипга боғлаб илиб кўйди. Кириб-чиқаётганлар телефонга назарлари тушиб, Хайдарга ишшайиб ғилай қарашар, кейин жиддийлашиб кўзларини олиб қочишарди. У эса бу кимники, деб сўрайдиган анойи эмас. Эгаси топилса ўзи айтади, хаёлидан ўтказди хотиржам.

Ҳар ишга келганида бу қимматбаҳо антиқа телефонни чўнтагидан олиб, ипга илар, лекин бир ой ўтдиямки, биров, ия бу меники-ку, демади. «Кел, тоғамга олиб бориб бера қолай, – деб ўйлади яна. – Бу ҳам савоб-ку». Шу топда ҳамма унга: «Ҳа, писмиқ, ха, ўғри! Ҳеч ким билмайди деяпсанми!? Бекорларни айтибсан. Отангнинг васияти ёдингдан чикдими?» деяётгандек туюлаверди.

Ўйлаб-ўйлаб симёғочларга эълон илгани туман маркази томон кетди.

Бу вақтда аллақачон хўроз қичқирган, оппоқ тонг ёришиб бўлганди.

2010 йил

ҚОРБОБО ЧОЛ ВА ҚОРҚИЗ КАМПИР

Норбобо ва Азиза холанинг бир эмас, беш ўғли янги йил кутгани бизникига келасиз, деб туриб олишди. Бунисиникига боришса, униси хафа бўлади. Унисиникига боришса буниси. Ҳаммаси жон-танидан яхши кўришади.

– Э, кампир, – деди Норбобо соқолини тутамлаб. – Ишни аввалдан пишитиб қўйганман.

Азиза хола қайроқ тошдек қутичадан кўз-ойнагини олиб, тақди-да, чолидан хазил аралаш сўради:

– Мендан бемаслаҳат-а!

Чол маърузага тайёрланаётгандай одати бўйича бир йўталиб олди-да деди:

– Квартирани кулфлаймиз. Катта ўғлимизни-кидан бошлаб, бирма-бир меҳмонга бораверамиз.

Азиза хола ҳайрон бўлди:

– Сиз саксоннинг, мен етмишнинг қорасини олибмиз-у, қаватма-қават юрамизми, тагин кечаси бўлса.

– Ўғилларимизнинг ҳеч бири хафа бўлмасин дейман-да, кампир. Ҳаммасининг ҳам кўнглини олиш керак.

Бундан икки йил муқаддам уларнинг эски уйлари бузилиб, беш қаватли янги уйга кўчишди. Беш ўғил битта «дом»даги бешта квартирада яшашади. Фақат ҳаммаси турли қаватда. Чол-кампир ҳам, биз ҳали бардаммиз, алоҳида яшайверамиз, деб икки хонали квартирага чиқишди. Бир тарафда газ, бошқа тарафда иссиқ-совуқ сув, телефон. Жонлари койинмайди. Ҳаммаси яхшику-я, лекин бир томони хижолатли. Байрамда ўғиллари ўртасида талаш бўлиб қолишади. Нима қилишни билишмайди.

– Ҳа, майли, – деди Азиза хола. – Сиз чо-
лимнинг сўзига кирмасдан бўлармиди! Дарров
аразлаб қоласиз.

Чол-кампири сафар тайёргарлигини кўра бош-
лашди.

Норбобо ҳамма нарсани ташласа ҳам «дом»га
кўчаётганларида бувамдан қолган мерос деб ги-
ламдек нафис тўқилган хуржунини ташлама-
ган эди. Уни топиб, ичига шоколаддан тортиб,
ўйинчоқ, хоккей чавгонигача жойлаштиришди.
Буларни у «дом»ларининг биринчи қаватидаги
магазиндан пенсия пулига сотиб олганди. Шу
орада кампири ҳам қордек оппоқ рўмолини
ўраб, калиш-махсисини кийди.

Норбобо билан Азиза хола эшикни қулфлаб,
йўлакка чиқишди. Лифтхонага киришди. Чол
«5» рақамли тугмани босган эди, улар гувилла-
ганича тепага чиқиб кетишди. Бирпасда бешин-
чи қаватдаги квартира олдида пайдо бўлишди.
Норбобо ота қўнғироқ тугмасига секин теккан-
ди, жиринглади. Дарров эшик очилиб, остонада
катта ўғиллари Нормат пайдо бўлди. У хуржун
кўтарган отаси ва онасини кўриб, бир зум туриб
қолди-да, уларни бағрига босди.

– Ия, биздан олдин ҳаракат қилибсиз-у,
азизларим!

– Отанг шунақа, ўғлим, – Азиза хола ҳазил-
лашди. – Ҳали ҳам болаликлари қолмаган.

Ичкарига киришди. Залга кўм-кўк арча яса-
тишибди. Турли рангдаги митти лампочкалар
тантанавор тус бериб турибди. Бува ва буви-
сини кўрган неваралар улар ҳузурига чопиб
келишди. Азиза хола онасидан мерос қолган
сандиқчани «дом»га кўтариб келган экан,

сандикчадаги туршак, ёнғокларни невараларига улашди. Чол ҳам хуржунини енгиллаштирди. Меҳмонлар ясатилган дастурхон атрофида ўтириб, бир пиёладан чой ичишди. Кейин ўринларидан кўзғалишди.

– Ҳали яна тўрт укангнинг уйига боришимиз керак. Ўх-хў, анча вақт керак бунга, – дейишди чол-кампир.

– Ўтиринглар, биргалашиб янги йил кутайлик, – илтимос қилди Норматжон.

Чол ва кампир кўнишмади.

– Йўк, ҳали бардаммиз, болам, – жавоб қилди кампир.

– Бўлмасам-чи, бу беш қават-ку, ўн қаватли «дом»га ҳам чопкиллаб тушиб чиқаверамиз, – деди Норбобо ота қаддини кериб.

Улар лифтга миниб, тўртинчи қаватдаги ўғиллари Ёрматнинг квартирасига кириб келишди. Бу ерда ҳам совға-салом улашишгач, бир пиёладан чой ичишди. Кейин ўринларидан кўзғалишди.

– Энди болам, ҳали борадиган жойлар кўп. Аввал Алматникига ўтамиз...

Уларни учинчи қаватда Алмат, иккинчи қаватда Рўзмат, биринчи қаватда Ҳожимат бутун оилалари билан кутиб олишди. Хурсандчилик, ҳазил-мутойибадан чехралари яшнаб кетди. Чол-кампир бир йилга ёшаргандек бўлишди.

– Биз бутунги режамиздаги ишларимизни бажардик, – деди чол кенжатоғи Ҳожиматникидан турар экан. – Соат ҳам ўн икки бўлиб қолаяпти. Янги йилни ўз уйимизда кутамиз, деб онанг билан аҳду паймон қилганмиз.

Улар шундай деб эшикни очишди-да, калиш-ни ҳам киймай, бир хатлаб ўз уйлари остонаси-

га етишди. Норбобо ота калит солганди, эшик очик экан. Тўрт ўғил бола-чақаси билан келиб, дарров катта залга стол ясатишибди. Ўртага арча ўрнатишибди. Телевизордан байрамга мос ашула янграпти. Чол-кампир ортидан кенжа-той ўғиллари ҳам оиласи билан кириб келди.

– Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз, меҳрибон ота-онамиз – дейишди беш ўғил ва беш келин ўрнидан туриб бараварига. Улардан кейин бобо ва бувиларини неваралари табрик-лашди.

– Шу кунларга етганимизга беҳисоб шукур-лар бўлсин, – дея дуо қилишди чол ва кампир. Қайсидир неваралари хуржунда қолган совға – намат коптокчани илиб кетди. Боғчага боради-ган набираларидан бири кимдандир ўрганган ғалати кўшиқни жаранглатиб айтди:

– Бобомиз – Қорбобо!

– Бувимиз – Қорқиз-а!

Ҳамма кулиб юборди.

1997 йил

БЕДАВО

(Ҳамроҳим ҳикояси)

Бу воқеага анча йиллар бўлди.

Мен ётган палатага эрталаб олтмишларни қоралаб қолган семиз бир кишини олиб киришди. Қуюқ қора қошлари туташ, хушбичим бу одам хона эгаси бўлган менга ҳеч қандай лутфу қарам кўрсатмади. Индамай дераза тагидаги каравотга чўзилди ва шифтга қараганча, ўй суриб ётаверди. Унинг феъл-атвори аслида шунақами ёки соғлиғи туфайли кайфияти

ёмонми, албатта, буни мен билмасдим. Бу бир амалдордирки, менга беписанд қараяпти, деган ўй ҳам кечди кўнглимдан.

У тунлари инграб чиқарди. Гоҳ у ёнбоши, гоҳ бу ёнбошига ағдарилар, мижжа қоқмаётгани шундоққина билинарди. Кейин каравотини фижирлатиб, ўрнидан туриб ўтирарди. Кенг ойнадан хонага ним ёруғлик тушиб турганлиги учун ҳам кийимларини жой-жойидан топиб, эгнига омонат иларди. Сўнг шиппагини судраб, йўлакка чиқарди. У ерда чекадими ёки шунчаки юрадими — буни билмасдим.

Ташқарида кирчиллама қиш, ховлидаги довдарахтлар қорнинг кўплигидан икки букилиб қолган, ола қарғалар чўзиб-чўзиб қағилларди.

Касалхонага келганимга уч ҳафта бўлдики, ўзимда яхши томонга бирон бир ўзгариш сезмадим. Дармоним қуриб қолгандек, парҳез овқат у ёқда турсин, бир бурда нон ея олмасдим. Кейинги кунлари ҳатто дўхтирлар буюрган қатик ҳам ичимда азобли оғриқ бериб, ҳеч қандай дори оғриқни тўхтата олмасди. Мен бу касалликка қачон ва қандай чалинганимни билолмасдим. Ҳар ҳолда ташхисни тўғри қўйишгунича анчагина вақт ўтибди. Бу орада мен не-не азобларга қолмадим. Кўзимга дунё қоронғи бўлиб кетганида, қани энди шу тобда жарроҳ танамни ёрса-да, ўша оғриётган жойини кесиб олиб ташласа, деб ўйлардим. Худонинг марҳаматини қарангки, ҳеч қандай дори қор қилмаган оғриқ бир неча соатдан кейин ўзи маромига етиб тўхтар, шундан кейин кўзим мошдек очиларди. Энди дунё кўзимга келинчакдек гўзал кўринар, ҳатто ҳамма нарса ёқимли туюларди.

Мана, ниҳоят айтишдики, ўт пуфагимда тош бор эмиш. Қизик энди, одамнинг ичида тош қандай пайдо бўлди? Бу савол мени унча қизиқтирмас, балки дўхтирларнинг операция қиламиз, деган гапи руҳимни сўндириб қўйган эди. Шундай бир ҳолатимда ҳамхонамнинг индамас чиқиб қолиши кўнглимни баттар чўктирди. Агар у қувноқроқ одам бўлгандами мени кемираётган кўп беҳуда хаёллардан чалғитган бўларди, деб ўйлардим.

Шундай кунларнинг бирида кечга яқин хонага илжайганча салом бериб, йигирма беш ёшлардаги узун бўйли бир йигит кириб келди. У ўзини ниҳоятда эркин тутар, гўё биз эмас, у шу беморхонани дастлаб макон этган эди. Янги меҳмон тижоратчилар кўтариб юрадиган сумкасини пойгакдаги каравотга ташлади ва ҳол-аҳвол сўрашни давом эттира туриб, ўриндикқа чўкди.

– Танишиб қўяйлик, – деди у қўлларини чўзиб, – исмим Алибек. Хоразмданман. Икки-та болам, битта хотиним бор. Худога беҳисоб шукрлар бўлсин, ота-онам ҳаётлар.

– Яхши, – дедим мен унга тикилиб, – қандай шамоллар учирди, бу ерга?

Алибек қўйлагини кўтарди. Унинг қорни бошдан-оёқ тесқари «Г» шаклида чандикдан иборат эди.

– Ў-ў, нима бўлганди, биродар? – сўрадим ҳайратланиб.

У жилмайди.

– Кўргилик, акахон. Пешонага ёзилганидан қочиб қутула олмас экансан.

Бизнинг бу суҳбат индамас ҳамроҳимда бирон-бир қизиқиш уйғотгандир, деб унга ўғи-

рилиб карадим. Афсуски, у чойшабга ўраниб олганича, тескари қараб, индамай ётарди.

Мен Алибек ёшлик қилиб, биронтаси билан пичоклашган экан-да, деб ўйладим ва:

– Хаётда нималар бўлмайди, – дедим.

Зийрак йигит экан, хаёлимдан кечганини тунди.

– Бу шўхликдан эмас, ака, – у кўйлаги тугмаларини қадаб туриб деди, – балки эшитгандирсиз, бир йили поезд изидан чиқиб кетганди. Анча одам бораётганди. Ўша поездда каминангиз ҳам бор эди.

– Ёмон бўлган экан, – дедим мен баттар ҳайратланиб. – Жуда ёмон. Сизни худо бир асрабди-да.

Алибек ўтирганча, қўл силтади.

– Э, ҳозир ҳам шундай деб ўйлайман. Шунчалик юрганимга шукр қиламан. Энди тўртинчи марта операция қилишмоқчи.

– Ҳа, – дедим мен Алибекка далда беришга сўз ахтариб, – худо хоҳласа эсон-омон қутуласиз.

Алибек қўлларини тиззаларига уриб кулди.

– Қизиқ гапни айтдингиз-ку, ака. Нима, мен ҳомиладор хотинмидимки, шундай дейсиз.

– Ҳа, энди офирми-енгилми барибир дард-да, – дедим ўзимни оқламоққа уриниб. Алибек анчагача деразага қараб жим қолди. Бир йил ичида шунча азоб-уқубатларни бошидан кечирган йигитдаги шукроналикка ҳавас қилдим.

Бироздан сўнг у сергакланди.

– Ўзингизга нима бўлган, ака? – деб сўради.

Айтдим. У ҳамон тескари қараб ётган индамас ҳамроҳимга имлади.

– Бу киши-чи?

– Қайдам, – дедим мен елка қисиб. – Ҳар кимнинг дарди ўзига аён...

– Сизни ким операция қилмоқчи? – сўради Алибек.

– Профессор Карим Ахмедович.

– Ў-ў-ў, зўр дўхтир-да, – жонланди Алибек. – Мени ўша авариядан кейин чўлу биёбонлардан Тошкентга шу одам эсон-омон олиб келган, реанимация машинасида. Албатта, унда мен ўзимни билмасдим. Бамисоли ўлган эдим-да. Буни клиник ўлим дейишади, шекилли. Лекин, ака, инсон организмнинг мураккаблигини қаранг. Ҳушимдан кетиб, осмонга қараб ётганман. Машинанинг ҳаммаёғи берк, ташқарини кўришга нинадек ҳам тешик йўқ. Касалхонага келтиришгач, йўлда мен нималарни кўрганимни айтсам, профессор ҳайрон. «Мен-ку, бу йўлларни кабинада кўриб келдим. Сиз, ҳушсиз, берк машинада қандай кўрдингиз?» – дейди. Ўзим ҳам билмайман.

Эрталаб палатага бир гуруҳ дўхтирлар киришди.

– Қалайсиз? – сўрашди қўл узатиб пойгакда ётган Алибекдан. – Яна бир операцияга чидайсиз-да. Кейин бутунлай тузалиб кетасиз. Айтгандай, иккинчи ўғилли бўлибсиз. Табриклаймиз.

Алибек илжайди:

– Худонинг берганида, профессор. Биласиз-ку, ўшанда баъзилар ўғил кўришим у ёқда турсин, мени ўлди, деб ўйлашганди.

Профессор Ахмедов менга ҳам илтифот кўрсатди.

– Кўнглингизда операцияга мойиллик уйғондими? – деб сўради.

Мен, ҳа, дедим дафъатан. Аслида бир неча кун аввал палата дўхтирининг: «Сизни операция қиламиз, ота-она, қариндош-уруғларингизни айтинг, келишсин. Розилик беришсин, токи кейинчалик хафа бўлиб юришмасин, деган гапи менда қаттиқ қўрқув уйғотганди. Ташхисни ҳам айтмаганди. Бу эса оддий, оғир ботмайдиган ҳолда розилигимни олди. Институтда диалектологиядан бешга ўқиган бўлса керак, деб ўйладим.

– Сизнинг аҳволингиз қалай? – профессор индамас ҳамроҳимга юзланди. У ўгирилиб шифтга қараб ётарди. Лекин тепасида турган профессор билан дўхтирга парво ҳам қилмай:

– Яхшимас, – деди салмоқлаб, – ўнг биқиним оғрийди, жигариммикан бу?

Профессор каравот чеккасига чўкиб, индамаснинг қорнини аста пайпаслади, кейин:

– Йўқ, жигар эмас, ўт пуфагингиз. Бу асабдан, даволаймиз, – деди. Ҳамроҳим безовталанди.

– Ишқилиб, операция қилмайсизларми?

– Йўқ, – деди профессор, – осма укол оласиз. Дардингиз енгил.

Индамас ҳамроҳимиз биз кутмаган ҳолда ўрнидан туриб ўтирди.

– Раҳмат, Карим Аҳмедович, операциядан қўрқаётгандим, – деди.

Профессор жилмайди:

– Ҳа, жон ширин-да, биродар.

Шу куни индамас ҳамроҳимизда руҳан тетиклик пайдо бўлди. Ора-сира биз билан ҳам суҳбатлашиб қўяр, лекин кечалари қандайдир биз билмаган оғир дарддан азоб чекиб, инграб чиқарди.

Алибек эса ҳамон қувноқ. Мен касалликлар ҳақида гапирсам, э, қўйинг, ака, қизиқ-қизиқ латифалардан айтайлик, дерди. Кўпроқ у айтарди, биргалашиб кулардик. Бир гал хотинлар ҳақида нозикроқ бир гап айтганди, индамас ҳамроҳимиз ўрнидан туриб кетди.

– Э, хотиннинг ёмони ёмон бўлар экан, – деди кутилмаганда.

Бундан фойдаланиб биз гина қилдик.

– Нима, биздан хафамисиз? Индамайсиз, – дедик унга.

– Чойхоначининг гапи нима бўларди, – деди у негадир пастки лабини тишлаб. Шунда тилла тишлари ярқираб кетди.

– Сиз чойхоначимисиз? – дедим қизиқишим ортиб. – Сира ўхшамайсиз-ку.

У эса жилмайди.

– Нима, чойхоначининг пешонасида ёзуви бўладими?

Алибек:

– Ҳар ҳолда чойхоначи... чойхоначига ўхшаган бўлади-да, – деди.

У уф тортди. Кейин деди:

– Шунисигаям шукр. Ҳайтовур, амалим бор пайтда ошна-оғайни орттирган эканман. Мана, кунимга ярашяпти...

Шундай деб ёнида турган чойнақдан пиёлага чой қуйиб, ўйланиб қолди. Алибекни билмадим-у, лекин менда унга нисбатан қизиқиш янаям ортди.

– Тинчликми? Ростдан ҳам амалдормидингиз?

У чойдан бир хўплади-да, кўнглини очди:

– У пайтлар ҳаётим шунақасига айланиб кетади, деб сира ўйламагандим. Бандаси пешо-

насига нима ёзилганини билмайди, деб бекорга айтишмас экан. Хуллас, ўшанда ишим ёмон эмас эди. Бир катта шаҳарда темирўл станцияси бошлиғи бўлиб ишлардим, анча ойлик олардим. Беркитиб нима қиламан: унча-мунча бошқа даромад ҳам тушарди. Тагимда «ГАЗ-24», обрўйим баланд, хотиним ҳам топиш-тутишимдан хурсанд эди. Албатта, ойда, икки ойда бир янги кўйлак олиб берардим. Тилла тақинчоқлари ҳам кам эмасди.

Тўртта қиздан кейин ўғил кўрдим. Гапнинг очиги, бир ном чиқарарга тўй қилай, деб ниятладим. Бунинг учун уйларимни яхшилаб таъмирлашни хоҳладим. Ахир кимсан фалончи номим бор. Дўст-душман олдида ҳам ким юзи ёруғ бўлишини истамайди, дейсиз.

Хуллас, бир танишим айтдики, зўр ганч устаси бор, уйингни гулдек қилиб беради, деди. Уни топиб гаплашдим. Қанча олсанг ол, лекин қулинг ўргилсин қилиб берсанг бўлгани, дедим. Шинаванда йигит экан. Шифту дераза ромлари атрофини безайман, деди.

Гапнинг рости, танишимнинг мақтаганича бор экан. Ўн беш кунда ҳовлининг юқорисидаги уйларни гуллатворди. Ҳали паст томон, болохона, ошхона, айвон бор эди. Хурсанд бўлиб кетганимдан бир куни, оладиган пулингга яна шунча қўшаман, деб юборибман. Қизиғи шундаки, у бундан унча хурсанд ҳам бўлмади. Ҳа, энди берсангиз ҳам, бермасангиз ҳам майли, деб қўяқолди.

Кейинги пайтларда устанинг ишлари секинлашган, мен билан аввалгидек очилиб-сочилиб гаплашмасди. Мен ҳам инсонман: бечора бола-

чақасидан олисда, шунча кун юрибди, ҳа, тирикчилик шунақа экан-да, деб ўйладим.

У худди фикримни укқандек, навбатчилик қилишимдан бир кун аввал: «Ака, энди уч-тўрт кунга уйга бориб келай», деб қолди. «Майли, – дедим унга ачиниб, – болалардан ҳам хабар олиб туриш керак. Пул бўлса, яна берай».

У бош чайқади: «Керакмас, ака». Эртасига навбатчиликка бордим. Кечга яқин кабинетим деразасидан биров аста мўралагандек бўлди. Ички бир сезги билан ўрнимдан туриб, эшикка чиқдим. Тавба, хиёбондаги дарахтлар орқасига беркиниб, ўша йигит кетиб борарди.

– Ҳой, – дедим унинг исмини айтиб чақириб, – кимни излаяпсиз ўзи?

У эса индамай кўздан ғойиб бўлди. Кейин бирдан хаёлимга ахир кеча уйига кетганди-ку, тавба, бу ерда нима қилиб юрибди, деган ўй келди. Кўнглим бир ғашланди. Уйдан хавотирландим. Бўлмаса телефон бор, кўнғироқ қилсам бўлади. Йўқ, албатта, уйга боргим келаверди. Бу орада чамаси икки соат вақт ўтди-ёв. Ўрнимга масъул одамни қўйдим-да, «Волга»ни учириб, ҳайдаб кетдим. Ё тавба, умрим бино бўлиб юрагим бунақа хижил бўлмаган эди.

Кўча эшик кўнғироғини кўп босиб турдим. Ҳадеганда эшик очилавермади. Битта калит ўзимда юрарди. Очдим. Э, биродар, шундан кейин бутун вужудим айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Уста йигит шу ерда экан. Қопқонга тушган тулкидек рўпарамда тек қотди.

– Нонкўр, – дедим тутоқиб, – мен сенга айтган пулингни берсам, ҳурматингни жойига қўйсам, тагин бу ерда нима қилаяпсан?

– Э, ака, автобус бўлмай қолди, – деди уста. – Кетолмадим-да, кейин қайтиб келдим.

– Шунақа бўлибди, – деди хотиним ҳам титраб-қакшаб, – нима қилай, қайтиб келганидан кейин уйга қўйдим-да...

Мен иккисидан қай бирининг ёқасидан олишни билмай турардим. Станцияда кабинетимда ўтирганимда бу бола беҳуда мўраламаган. Мени ишдами-йўқми, деб текшириб кўрган, деган фикр ўтди хаёлимдан. Ёқасидан ушлаб, бурчакдаги деворга бир-икки силтаб-силтаб, бошини теккиздим. Ранги оқариб кетди. Зир-зир титраб турарди. Муштумимни бурни тепасида ўйнатдим.

– Яхшиликка ёмонликми, номард. Тавин шунча пул берсам-а! – дедим алам билан боқиб.

У эса бир силтаниб қўлимдан чиқмоқчи бўлди, чиқолмади. Лекин айтадиганини айтди.

– Э, ака, айб битта менда эмас. Кейин пулингизни кўп пеш қилаверманг. Ҳаммасини хотинингизга берганман...

У нарироқдаги шимини олиб келди-да, шашт билан иккала чўнтаги астарларини ағдарди.

– Мана, хемири ҳам йўқ, ака!

Шундай деганда, мен ичи тушган қовундек баттар бўшашиб, қўйиб юбордим. У эса, эшикдан чиқдию кетди. Шу-шу қорасини кўрсатмади.

Албатта, хотиним билан муносабатимда совуқлик пайдо бўлди. Бу воқеадан анча ўтгач, бир-биримизга меҳримиз товланиб кетган бир кечада аста дедим:

– Айт. Уришмайман, ўшанда ростдан ҳам мен алданганмидим? – деб сўрадим. У индамай бош эгди, кейин, «мени кечиринг», деди.

Ана шундан кейин ҳаётим бутунлай ўзгариб кетди. Нега десангиз, хотиним эрим барибир мендан ўч олади, деб юрагига тугиб юрган экан. Чунки ўша воқеа сабаб жанжаллашиб ҳам турардик. Бунинг устига унинг феъл-атвори кескин ўзгариб, нима қилаётганини билмайдиган пайтлари ҳам бўларди. Бир куни телевизор кўриб ўтирганимда орқамдан келиб бошимга чўмич билан тушириб қолди. Бошимдан қон тизиллиб отилди. Уни маҳкам тутиб, дод-вой солиб, қўшниларни чақирдим. Одамлар хотиним нима иш қилиб қўйганини кўришсин, дедим. Одам тўплангач, мазам қочиб, йиқилиб қолдим. Хуллас, ўша куни касалхонага олиб кетишди. Хотинимнинг иши эса, судга тушди. Мана, биродарлар, бизнинг дoston шу.

Шунинг учун темир йўлдан бўшадим. Яхшиям ўшанда ошна-оғайнилар орттирган эканман. Чойхонада тирикчиликни ўтказиб юрибман. Ўғлим катта йигит бўлиб қолди. Ҳаммасидан хабардор. Гоҳида эзилиб-эзилиб қўяди. Қўлимдан нима ҳам келарди. Ҳаёт, бу ўқилмаган китоб экан. Лекин, кўпинча, одамнинг ўзи ҳам тақдири қандай бўлишига сабабчи бўларкан. Аввало, ўзига инсоф берсин, деб бекорга айтишмас экан. Буёғи, гапнинг очиғи, эркак киши хотинини унча-мунча рашк ҳам қилиши керак экан, деган фикрга энди иқрор бўлиб турибман. Мен эса, уни умримда бирон марта ҳам рашк қилмабман. Ҳаётига бефарқ қарабман. Кейин билсам, энг катта хатоим ҳам шунда экан-да, биродарлар...

У ҳикоясини тугатди, чуқур ух тортди. Сўнг елкасига тўнани ташлаб, йўлакка чикди.

Бироздан сўнг кўлида музқаймоқ билан қайтди. Биз хайратланиб унга қарадик. «Шу совукда музқаймоқ ейиш, бу қандок бўлди?» дедим.

– Дўхтирлар айтишди, жигаримга фойда-миш, – деди синик жилмайиб.

Мен хотини туфайли бечоранинг юраги ёниб кетибди-да, деб ўйладим. Поезд тагида қолиб, жигари тилка-пора бўлган, бир эмас, уч оғир операцияни бошидан кечирган Алибек ҳам унинг олдида соппа-соғ эди.

Касалхонага келганимга йигирма кун бўлгач, мени операция қилишди. Бир ҳафтадан кейин кўзим мошдек очилди. Яратганга беҳисоб шукрлар айтиб, парҳез овқатлар ея бошладим. Сўнг навбат Алибекка келди. Уни аравачада олиб чиқиб кетишаётганда «Ана, энди тўй бола бўласан», дедик ҳазиллашиб. Алибек эса: «Кесилавериб, ўзи ҳеч қаерим қолмади-ку», деди бўш келмай. Омон бўлгур-ей, кўркмайдиям-а! Худди сайрга кетаётгандек хотиржам. Ҳурматли индамасимиз эса, тилла тишларини ярақлатиб, зўраки илжаяди: «Сиз чиқишингизга ўзим ош дамлаб, аччиқ чой қилиб қўяман».

Шу куни кечки пайт эшитдикки, Алибекни тўрт соат операция қилишибди. Яхши чиқибди. Бу бизга табиийдек эди, кулиб кирган кулиб чиқар экан жарроҳхонадан. Икки кун реанимацияда бўлгач, палатага олиб киришди.

Орадан кўп ўтмай менга рухсат беришди. Бир ҳафтадан кейин ярамни боғлатгани касалхонага борсам, Алибекка ҳам жавоб тегибди. Индамасимизни бошқа бўлимга олишибди. Да-волаш' учун.

Айтгандек, шунча вақт ҳамхона бўлганимизга қарамай, на мен ва на Алибек унинг исмини сўрамабмиз. Лекин ҳар замонда ўйлаб қўяман: у тузалиб кетганмикин ёки...

1996 йил

АЙҒИР КИШНАШИ

Бу йигит билан тасодифан учрашиб қолдик. Географлар денгиз сатҳидан фалон километр баландликда деб таърифлашади-ку, ўшандай тоғ қишлоғида икки ўғли билан оромгоҳ сув ҳавзасида чўмилишга келган экан.

Биласиз, одам гоҳида ким биландир суҳбатлашиб, кўнгил ёзгиси келади, у худди шундай аҳволда эди. Буни салом-аликни қуюқ қилгани, шошилмай ҳол-аҳвол сўрагани, шундан кейин ҳам нари кетгиси келмаганидан пайқаса бўларди.

Албатта, камина ҳам анойи эмас, суҳбатдош тоқилганидан хурсанд бўлдим.

– Бу ерлар чорванинг макони экан, – дедим гапни нимадан бошлашни билмай. – Қаранг-а, тоғу тошларда пода-пода қўй-қўзию, моллар ўтлаб юрибди. Боғлоқсиз, мазза қилиб. Худди расмдагидек.

Йигит менга қараб тўлқинланди:

– Фақат сиз отларни кўрмаяпсиз-да. Улар бундан-да баланд жойларни ёқтиришади. Ў-ў-ў, бошқача жонивор улар! – Кейин қийик кўзларини юмиб, завқ билан бош чайқади. – Зийрак, ақлли. Садоқатда унга тенг келадигани йўқ.

Суҳбатдошим билан гапимиз қовуша бошлаганидан хурсанд бўлиб:

– Садоқат дейсизми? Тўғриси, отларнинг садоқати ҳақида кам эшитганман, – дедим таажжубда хаяжон аралаш. Ва беркитмайман, кўнглимнинг бир чеккасида унинг давом этишини истардим.

У менга жаҳл қилгандек бўлди:

– Эшитган экансиз-ку, унда нега ажабланасиз?

– Саволингизда мантиқ бор, – бўш келдим бироз, лекин ичимда фикрладим: бу йигит бало экан, ўйлаб гапирмасанг мот бўлиб коларкансан. Шу сабаб индамадим. У эса ҳавзанинг темир тўсиғига кўкрагини босганча, сувга тикилиб қолди. Хипча, лекин чайирлиги шундоқ билиниб турган гавдасига мос узун бармоқли бир қўли билан қувур устунни аста шапиллатиб урар, афтидан, ниманидир ўйларди. Кейин менга илкис ўгирилди:

– Биласизми, ака, мен от жиннисиман. Атиги битта от боқаман. Лекин отмисан, от! Ўзимизнинг Қорабайир. Энди кўпайтирмоқчиман. Ишонасизми, машинага алишмадим. Садоқатли дўстда. Алдашни билмайди, муғомбирлик қилмайди. Мағрур ва тик қомат. Бундан ортиқ тағин менга нима керак. Ҳеч нарса!

Бир куни тўй бўлаётганди. Унча-мунча кураш тушиб турардим. Ҳаваскорлик-да. Қишлоқда менга ўхшаган кураш ишқибозлари кўп. Улар орасида ота-онасидан етим қолган бир йигитча ҳам бор эди. Баланд бўйли, келбатли. Зўр курашчи бўламан, деб юрарди. Авлодлари курашчи ўтганди-да. Ҳар ҳолда унга ишониш мумкин эди. Қойил-э, ўзидан катталарнинг ҳам курагини ерга теккизади-да.

Йигит гапни кесиб-кесиб айтар, гоҳида ода-ти бўлса керак, жингалак қўнғир сочларини шахт билан силаб қўяр, бу каби ҳаракатлари ва аллақачон офтобда қорайган чехрасидан чапанилиги шундоққина билиниб турарди

– Э, ака, гапни чўзиб юбордим-а! – деди сўнг ҳушёр тортиб. – Хуллас, шу тўйда у ҳам бор экан. Одамлар қизиқ-да, унга тегажожлик қилиб, мен билан кураш тушишга гиж-гижлашарди. «Тушганим бўлсин, – деди у баланд келиб, – йикитаман уни!». Ёш-да, ғурури баланд. Гаплари ғашимни келтирди-ю, жаҳлимни ичимга ютдим: «Кел, шу кўнгли яримни хафа қилма», дедим ўзимга-ўзим. Нима қилишимни билмай қолдим. Лекин кучимга ишониб турибман, бир кўтаришда белини ерга теккизаман. Тағин энди чиниқиб келаётган бўлса, етимгина бола, майиб бўлиб қолса-я, деб безовталандим. Тушмасам йигитнинг сазаси ўлади. Бу энди... яхшимас. Энг ёмони, йикитсам кучига ишончи йўқолади. Одамнинг кучи ишончида, тўғрими, ака? Ҳа, балли, тушунганингиз учун раҳмат. Шундай қилиб, одамларнинг қийқириғи остида у билан кураш тушдим ва... – йигит кулиб юборди, – енгилдим.

– Йўғ-э, шу гавда билан-а? Тағин чавандоз бўлатуриб...

– Яшанг! Мен асли курашчи эмасман. Чавандозман, тўғрироғи, тракторчилик қиламан. У эса ёш, ўсадиган бола. Кураш тўғарагига қатнардди. Ютсин, кучига ишонсин, дедим-да. Белимни маҳкам тутганидан билдимки, зўр полвон чиқади. Қўллари тош мисол қаттиқ. Э, бу бизга, ҳаммага яхши-да. Фалон қишлоқдан бели ерга тегмаган

полвон чиқипти, деб доврўғи таралса, кўкрак кериб юрамиз-да. Ахир бунақалар кўп бўлаяпти-ку. Бир кўтариб ташлаганди, қаранг-а, мендан кучлилигини сездим. Оёғимни нобоп қўйибман, оқибатда нима бўлди, э, тирс этиб синди-қўйди. Буни кейин жойимга бориб чўккалаганимда билдим. Сир бой бермай ўтиравердим. Ҳамма тарқасин, кейин уйимга кетарман, дедим.

Тўй теракзор ўртасидаги сўлим бир сайхонликда бўлаётганди. Ҳеч ким қолмагач, алам қилиб ўзимга-ўзим: «Келиб-келиб уканг тенги боладан енгилдинг-а, бунинг устига чўлок бўлиб ўтирибсан, э, баттар бўл, аҳмоқ!» дедим. Шу пайт юрагимнинг бир чеккасида: «Қизик одам экансан-ку, ҳаёт фақат ғалабадан иборат эмас, ёшларга ҳам йўл бериш керак. Бунинг устига ўзинг ичингда рози эдинг. Енгилганингга... хурсанд бўлсанг-чи. Кўнгли яримнинг кўчасида ҳам байрам бўлди-да», дерди кимдир.

Оёғимнинг оғриғи бетайин ўй-хаёлларимдан устун чиқди. Отимни боғлаш одатим йўқ. Ақлли. Эмин-эркин юрсин дейман. «Қоравой, қайдасан? Кел!» деб чақирдим. Овозим тоғларда акс-садо бериб, масхара қилгандек ўзимга қайтди: «Қо-ра-вой, қай-да-сан? Кел!» Сой бўйида ўтлаб юрган экан, кишнаб етиб келди. Чўлокланиб, икки-уч қадам юргандим, жонивор менга суркалиб тўхтади. Сезгир-да, пайқади. Амаллаб миниб, тўппа-тўғри касалхонага кетдим. Ҳовлисида, аниқроғи, эшиги олдидаги зина ёнида тўхтади. Оғрикқа аранг чидаб ерга тушдим. Кейин: «Бор, — дедим юзига шапатилаб. — Хотинимни чақириб кел». Бир кишнади-ю, ўйноқлаб жўнади.

Йигит шуларни айтиб, ботаётган ёз қуёши нурида бахмалдек товланаётган ўркач-ўркач тоғ ёнбағирларига қараб, жим қолди. Гўё ўша отни қидираётгандек қийиқ кўзларини қисиб, атрофни назардан ўтказди. Балки шу тобда қайлардадир ўтлаб юрган айғирини соғиниб қолгандир. Оти ҳам уни кутаётгандир. Эгасининг қаттиқ, лекин аллақандай меҳрли кафтлари билан ҳар куни бошдан-оёқ силаб-сийпаши, эринмай чўмилтириши, бўйнидан қучоқлаб-қучоқлаб олиши хумор қилгандир. Бу, энди каминанинг хаёли.

– Анчадан кейин айғирни миниб, хотиним келди, – ховуз тўсиғидан нари кетди йигит. – Аёлимнинг айтишича, ҳовлига кириб, ер тепинибди. Қаттиқ-қаттиқ кишнабди. Бунни кўриб хотиним ичидан зил кетган чоғи: «Хўжайинимга бир гап бўлган, шекилли». Кейин умрида биринчи марта отга минган экан, Қорабайир шу ерга бошлапти.

Дўхтирлар етмаган дориларни аёлимга ёзиб бергач, у қишлоққа қайтиши керак эди. Қаранг, бир пайт хотиним палатамга қайтиб кириб келди. «Отингиз жилмаяпти, – деди у маъюсланиб, – юр десам нукул пишқиради». Дарров тушундим. Палата деразасини ланг очиб бақирдим: «Қоровой, қани, уйга кет-чи!» Қарасам, қулоқларини бир чимириб қўйди. Демак, тушунди. «Бор, – дедим хотинимга, – энди сўзингга киради. Фақат уйга бориб, ок қанд беришни унутма».

Негадир хотиним ҳалиям қотиб турарди. «Ҳа, – дедим жаҳлим чиқиб, – нега қоққан қозикдек турибсан?» «Вой, – деди у ерга қа-

раб, – кўчада қандоқ қилиб от миниб бораман, одамлар бу хотинни нима жин урди, демай-дими?» «Э, хотинжон, – дедим ўзим кутмаган ҳолда юмшоқ оҳангда, – бу отни миниб юриш фахр-ку. Қадди-қоматини кара, оёқлари узун, текис, ёллари-чи, сенинг сочингдек майин, силаган саринг силагинг келаверади. Лекин у айғир-да, ғурурли, бунини ёқтирмайди». Кейин хотиним билан пачакилашганимга ўзимнинг ғашим келди. Овозимни баландлатдим: «Бор энди, жаҳлимни чиқармай, миниб ол. Бўлмаса бўри-тулкиларга ем бўласан».

Аслида уни ҳам тушуниб турардим, хотин шаҳарлик эди-да.

Ойнадан қараб кўнглим бузилди, от зина олдига келиб, аёлимни миндирди: «Эҳ, Қоравой, ўзинг зўрсан-да». Хайрлашди шекилли, бир кишнадию дарвозадан чиқди-кетди. Шушу, энди бу сўз ярашса керак, маликам от миниб, касалхонага қатнади. Ҳар келганда Қорабайирнинг олдига чўлоқланиб бораман. Кўзларидаги мунг йўқолаёзган, қадди янада тикланаётгандек туюлди. «Сенга раҳмат, – дедим кўнглим кўтарилиб, – садоқатингга раҳмат, Қоравой. Мана энди соппа-соғман».

Йигит ўз гапларидан ўзи завқланди, кейин: «Ака, тагин бу бола жа-а оширворди-ку, деб ўйламанг, отни тушунган одам мени тушунади», деди жилмайиб. Шу пайт сочиқларини елкаларига ташлаб, майкачан икки ўғли ҳавза сувидан чиқиб келди.

– Энди биз кетдик, – деди у тезгина узун қўлларини узатиб. – Булар тўғаракка кеч қолишмасин. Бўлмаса Сардорбек нақ келган уйимизни кўрсатади.

– Ким у Сардорбек? – шошилиб сўрадим. – У ҳақда айтмагандингиз-ку, оғайни.

Йигит орқасига ярим ўгирилганича, шахт билан қўл силтади:

– Э, ака, ҳалиям тушунмадингизми! Ўшанда мени курашда йиқитган бола-да. Аллақаердан чемпион бўлиб келган. Ҳозир курашдан дарс беради. Роса мард йигит.

Шундай деб, ўғиллари билан илдам жўнади-кетди. Мен эса ўйладим: «Тоғларда мардлар улғаяди дейишарди. Ростга ўхшайди».

2012 йил

ГУЛЛАЁТГАН ДАРАХТ

Гулжаҳон эрта тонгда сут-қатигини бозорга олиб бориш учун эшикни очса, ё тавба, уйининг нақ этагида икки туп ўрик дарахти пайдо бўлибди. Ажабки, улар яна куртак очиб, гуллай деб турибди. Қизик, осмондан тушганими ёки ердан чиққан, Гулжаҳон билолмай ёқа ушлаб қолди. Кеча окшомга яқин эшикни тамбалаш олдидан одатича кўчанинг у ёқ, бу ёғига қараганида ҳеч вако йўқ эди. Бугун эса...

– Нормат, хой, Нормат! – У ҳозир уйғотган ўғлини бақирганча чақирди. – Бунини қара, ким экди бу дарахтларни? – Кейин боласи етиб келгунича сабри чидамай, зардали овозда: – Қайси гўрдан келиб қолди булар? – деди кўзини кўчатлардан узмай.

Нормат ниҳолларни кўрдию чехрасига билинар-билинемас жилмайиш ёйилиб, юзини бурди:

– Қаёқдан билай, ойи? Кеча кун бўйи сиз билан далада эдим-ку.

Гулжаҳон ўғлидан терс ўгирилди-да, сут-қатик тўла халтасини ликиллатганича жўнади-кетди.

Йигитча таътилда, лекин бўш ўтирмайди. Эрталаб мол-ҳолга қарайди. Кейин бир пиёла чойини ичиб, битта ёпган нон, қанд-курс ёки туршак-ёнғокни оқ рўмолга тугиб, белига боғлаб олади-да, далага жўнайди. Сигирбузоқларни анҳор бўйларига ҳайдайди. Гоҳида арқон учига уланган қозикларни ерга қоқиб, қаёққадир ғойиб бўлади. Отаси олисдаги шаҳарга – қурилишда ишлашга кетган. Уйига ойда бир-икки келиб, хабар олади. Онаси эрта тонг ва кечқурун сигир соғади, томорқасидаги экин-тикинга қарайди, ёлғиз боласининг кир-чирини ювади ва вақти етса рўпарасидаги Жамол ота билан жанжаллашади.

Бу чол тушмагур ҳам сира тинч ўтирмайди. Ўғли йўқ, биттагина асранди қизини узатган. Кампири билан умргузаронлик қилади. Ҳалиям қўл-оёғи лойдан чиқмайди, кўнгли чинни пиёланинг жарангидек нозик. Ҳали у кўшнисига эшиги тагидаги дарахтларни буташни, ҳали бу кўшнисига кўча девори бўйлаб гул экиш ёки сузонғич буқасини кўчада бокмаслик ҳақида жаврагани жавраган. Айниқса, рўпарасидаги мол-ҳол билан тирикчилик қиладиган Гулжаҳоннинг асабига теккани теккан. Кўчага сигирларнинг чиқиндисини чиқарма, ховли этагига чуқур ковлаб кўмиб қўй, шунда атроф хидланмай ўғит бўлади, ахир кўчада тўй ҳам, маърака ҳам бўлиши мумкин, дейди. Гулжаҳон эса қарияга бидир-бидир қилиб гап қайтаради-да, кейин нари кетатуриб, афтини бужмайтиради: «Жа-а қонимни ичвординг-ку!»

Қизик-да, Гулжаҳон билан Жамол ота, узр, ит-мушук эдилар-у, лекин аёлнинг ўғли Нормат шу чол билан бува ва невара гўё. Бунинг сабаби шуки, ўспирин вақт топди дегунча онасидан яширинча қариянинг ховлисида пайдо бўлади-да, ундан тандир яшаш сирларини ўрганади.

Жамол ота дастлаб йигитчани хушламайгина қарши олди, гўё чолнинг олдида сира ёктирмайдиган одамнинг сояси тургандек бўларди. Анчагача ўспиринга қовоқ осиб, кўрслик қилиб юрганди, бир кун туш кўрди: отаси уйи эшиги олдида хафа холда пайдо бўлиб, ерга қараганча тураверибди. Нега келдингиз, ота, деб сўраса, рўпарасидаги кўшни уй томон бир бокибди-ю, ғойиб бўлибди.

Тушини кимга айтарди, албатта, кампирига-да. У билан биргаликда тупроқ чангитиб катта бўлишган, шу қишлоқнинг қизи эди. Аниқроғи, собиқ синфдоши. Бир-бирларини Лайли-Мажнундек яхши кўришарди. Йигитча илк кўклам кунлари Бўрижарда чучмомалар чаман очилган кезлари гулларни даста-даста қилиб даст-рўмолига ўраб, мактабга олиб борарди-да, қизалокка пинҳона узатарди. Бу пайтда қизнинг юзлари тонг қуёши мисол бир ёришардию кейин чучмомаларни матодан тикилган жилд сумкасига авайлаб солиб кўярди.

У пайтлар бундай жасоратли севги изҳорига нафақат бир оддий тандирчининг ўғли, ҳатто қишлоқнинг манаман деган каттаси бўлган раиснинг эркаси ҳам ботина олмасди. Лекин Жамол табиатан шўх-шодон, чапани бўлгани учунми бундай «андишасиз» ҳаракатни оддий ҳол, деб тушунар ва мабодо бирон кимса буни

кўриб ёки билиб, унинг ялпоқ қулоғидан чўзиш у ёқда турсин озгина танбеҳ берсин-чи, ўша одам билан муштлашишга ҳам тайёр эди. Балки унинг авлодлари тандирсозлик қилиш учун лой пишитганларида ана шундай чайир ва ғурурли одамларга айланишгандир.

Такдир экан, ниҳоят улар турмуш қуришди ва афсуски, йигирма йилча бирга яшаб ҳам фарзандли бўла олишмади. Ўшанда эр-хотиннинг ёшликдаги ғанимларига ҳеч ўхшамаган гап топилди-қолди: гўёки Жамол олис йигитлик пайтларида қўшниси табиб бобонинг ўт тушган болохонасидаги ҳашакни ўчираётганида пуштикамари куйиб кетганмиш. Хуллас, шунча йил бирга яшаб қўйишдими, энди нима қилиш керак? Жамол ва Мохигул бир киз асраб олишди. Оқ ювиб, оқ тараб катта қилишди. Ўн беш кунлик ойдек бўлиб етишди. Институтга ўқишга кирди. Бир куни шу олис қишлоқнинг тупрокли кўчасида зулукдек қора машина кўринди-ю, чол-камбирнинг пастқамгина уйи олдида тўхтаганида, кўни-қўшнилар анграйиб қолишди. Охир-оқибат ўша савлатли машинадаги олифта совчилар сабаб чол-камбир истар-истамай яккаю ягоналарини олис шаҳарга узатишга рози бўлишди. Чунки қарияларнинг ўзлари ҳам ёшликларида бир-бирларини қандай севганликлари ва муҳаббат, бир қўшиқда айтилганидек, айрилмас бало бўлишини ҳамон ширин тушдек унутишмаганди.

Тўйдан кейин эса ўзи шундоқ ҳам бўм-бўш уйлари қишки яйловдаги кимсасиз ўтовдек ҳувиллади-қолди. Ана шундай ғамгин кезларда эр ва хотин ўзларининг хаёлидан ўтаётган

аламли ва андишали ўйлардан ич-этларини кемиришар ва албатта, шундай бўлса-да, ҳамон ҳаётларини бир-бирларидан сира айро тасаввур эта олмасдилар. Узатилган асранди киз эса, пўрим эри билан ойда, йилда бир келиб, чол-кампирга қимматбаҳо кийим-кечагу бир дунё рўзгор масаллиқларини ташлаб кетарди. Бироқ, буларнинг ҳаммаси кучдан қолиб, кўнгли тобора нозиклашиб бораётган чол-кампир учун ёлғон юпанч бўлиб, кундалик дийдор ва озгина меҳр олдида сарик чақачалик қийматга эга эмасди. Лекин чол-кампир барибир неваралари борлигидан хурсанд бўлиб, уларнинг меҳридан баҳраманд эдилар.

Ана шундай кунларнинг бирида кампир эрига тасалли бериб: «Ҳар ҳолда бекор яшамадик, чолгинам, — деди аста ерга қараб. — Ёдингиздами, ўшанда онангиз айтиб берган воқеа. Чакалоқлигингизда ўпкангиз қаттиқ шамоллаб қолган экан, агарда шу рўпарамиздаги қўшнимизнинг табиб бобоси бўлмаганида сиз ва мен шунча йил бирга яшармидик. Шунисига шукур қилинг, чолгинам».

Шу топда эрининг кўнгли ёришди. Ахир хотини тўғри айтаяпти. Асранди бўлса ҳам боласи, ундан кўрган икки невараси бор. Лекин энди улар шаҳарда, бу қишлоққа келишмайди, тўғрироғи, келишади, шунчаки, чол-кампирнинг кўнгли учун.

Ҳа, кампирининг ёдида экан, Жамол ўша болалик пайтларида қаттиқ шамоллаганида бу дунёдан кетиши тайин бўлиб қолганди. Жойи жаннатда бўлгур қўшни табиб бобо қандайдир ўт-ўландан дори тайёрлаб, Жамолнинг онасига берди-да, гўдак омон қолди. Тақдирни

қарангки, яна табиб бобонинг авлоди билан қўшни. Қайтар дунё экан, бунгача даланинг бир чеккасида унинг отасига қўшни бўлиб яшашар, болохонасига ўт тушганда, у пайтлар азамат, чайир йигит Жамол ловуллаб ёнаётган хашаклар ўрамига ўзини урган, яланг қўл билан ғарамларни кўчага улоқтирганди. Кипригу қошлари куйиб кетганига қарамай, даҳшатли оловни енга олганди.

Бу воқеага анча йиллар бўлган, табиб бобонинг ўғли дунёдан ўтган, лекин чамаси ўғли ва келинига бу ҳақда индамаганди. Шу сабаб Гулжаҳон ўша пайтдаги абжир, эндиликда соқоли оппоқ оқарган чолнинг насиҳатларига ёвқараш билан жавоб қиларди: «Ҳа, майли, – ўйларди чол ажиб таскин топиб, – ҳар ҳолда қайнотасининг уйи ёниб кул бўлишидан сақлаб, қарзимни узгандим. Энди бу дунёдан... ҳа, начора армонсиз кетарман». Бироздан сўнг кўнгли яна ғашланарди.

Ана шундай кунларнинг бирида у қайта туш кўрди, отаси унга норози қиёфада қараб турганмиш. Ёнида тандир. Во ажабки, бирдан рўпарадаги қўшниси Гулжаҳоннинг ўғли Нормат пайдо бўлибди.

Чол бу сафар тушини кампирига айтмади. Нима қиламан яна ўтмишимизни эслатиб, деб ўйлади. Йигитчанинг тандир тайёрлашга ишқибозлиги, ҳовли этагида уюлиб ётган тупрокни лойга айлантираётгани Жамол отада невараси мисол Норматга меҳрини оширди. Ана энди етти авлоди тандирчи ўтган қариянинг кўнгли жойига тушди.

– Болам, қўлинг анча келиб қолибди, – деди қария эртасига жилмайиб. – Бўш пайтингда

чиқавер, биргалашиб ишлайверамиз. Яратганга беадад шукурлар бўлсин, қишлоғимизда донимиз мўл. Демакки, нонимиз мўл бўлиши учун тандиримиз ҳам кўп бўлиши керак.

Шу куни бозордан қайтган Гулжаҳон сигири маъраб безор қилгач, ўғлини қарғади:

– Ҳа, қулоғинг қурғур, эрталаб мендан кейин яна уйқуга кетгансан, шекилли, молнинг аҳволини қара. Бор, болохонадан хашак олиб туш.

Нормат ковоғини уйиб, нарвондан кўтарила бошлади. Қоронғида охириги зинасига оёқ кўйганди, бир силкинди-ю, болохона устунини тутолмай, пастга кулади. Ерда эса хашак майдалайдиган зил-замбил жоди ётарди. Йигитча биқинидаги қаттиқ оғриқдан азобланиб йиғлар, ўрнидан кўзғалиш у ёқда турсин, чўккалаб ўтиришга ҳам мадори келмасди. Бақир-чақирни эшитган Жамол ота кўчага чиқди-ю, ахволни билиб, кўл телефонида тез ёрдам чақирди. Докторнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, мен бувасиман деганича, машинадаги Норматнинг ёнига чиқиб олди.

Чол қабулхонада Гулжаҳон билан анча кутиб қолди. Бир пайт унинг рўпарасига оқ халатли хипча киши чиқиб келди.

– Сиз бувасимисиз? – сўради у чолдан, кейин жавобини кутмаёқ давом этди: – Набирангизнинг оёғи синибди. – Майли, тузалиб кетар, лекин... – унинг овози титради. – Битта буйраги ёмон жароҳатланган. Олиб ташлашга тўғри келмаса бўлди.

Гулжаҳон дод солиб йиғлади:

– Вой, болам-а, ёлғизгинам-а! Қайси гуноҳим учун бошимга шундай кулфат тушди?!

Жамол отанинг серажин пешонасидан муздек тер чиқиб кетди. Қўллари билан шими чўнтакларидаги рўмолчасини ахтарар экан:

– Ўғлим, агар шундай бўлса, боламга мана мен буйрагимни бераман, – деди шошиб. – Ичмаганман, чекмаганман, қара, соппа-соғман.

Гулжаҳон бирдан йиғидан тўхтаб, чолга бақирди:

– Вой, сиз қари чолнинг буйраги кимга керак! – Сўнг докторга қаради. – Мана мен онасиман, болам учун жонимни ҳам беришга тайёрман.

Доктор бу гаплардан гарангсиради-да: «Кутиб туринглар-чи, аниқ жавобини кейинроқ оласиз», деганча хонаси томон йўл олди.

Бир неча кун ўтгач, Нормат гипсланган оёк билан касалхонадан қайтди. Докторлар зўр экан, жароҳатланган буйракни даволашибди.

Жамол ота ва Моҳигул хола Норматни кўргани чиқишди.

– Мана, бу ўзинг ясаган тандирда ёпилган нон, – деди ота кулчаларни хонтахта устига қўяркан. – Туппа-тузук шогирд бўлиб қолибсан. – Кейин Гулжаҳонга қаради. – Тўғрими, келин?

Келиннинг эса бир пайтдаги ўзи ўғлини қарғгани ёдига тушди шекилли, шошиб: «Ҳа, ҳа, сиз фақат дуо қилиб турсангиз бас», деди уялганча. Кейин ўйлади: «Онанинг қарғиши ўтмайди, дейишарди. Нима, ўғлимнинг нарвондан йиқилиши тасодифми? Э, барибир яхши ният қилиш керак экан».

Бу вақтда қариянинг кўзларида ёш милтиллади. Унинг хаёлидан нима ўтганини фақат ўзи

биларди: «Ҳа, ота-боболаримиз одамларга яхшиликни раво кўр деганлари ҳозир ҳам амалда. Э, буёғини айтсам, энди етти авлодимда давом этган тандирсозлик ҳунари қишлоғимда ҳам яшайверади».

Кўчага чиқишди. Жамол ота қўшнисининг уйи биқинига тунов кунни окшомда ўзи эккан икки туп ўрик дарахти оппоқ гуллай бошлаганди.



Шу ерга келганда ҳикоямга қуйидагиларни илова қилгим келди. Аслида кўнглимнинг бир чеккасида Жамол чол ёшлигида безори, Моҳигулни каттиқ севгани учун хатто отасига ҳам итоат этмай, қизни дала-тошларга олиб қочиб кетган чапани бир одам бўлиб кўринмоқда эди. Эҳтимол, бефарзандлиги ҳам қариндоши қизига уйланиб, бу билан ота-онасини норози қилганидан бўлиб чиқармиди? Охир-оқибат бу одам қўшниси уйидаги ёнғинни ўчираётганида ҳаётдан кетиши керакка ўхшайверди. Ахир бу қайтар дунё-да.

Қарангки, ҳар доим ҳам хаёлнинг хоҳиши рўёбга чиқавермас экан. Ўзим гўё билмаган ҳолда қаламим қаҳрамонимни силаб-сийпаб, ардоқлаб бораверди. Ва натижада Жамол отани узоқ йиллардан бери қийнаб келаётган ота-боболаримнинг хунарини мендан кейин ким давом эттиради, деган оғриқли саволига жавоб топилгандек бўлди. Шу сабабли кўнглимда ҳузурбахш таскинлик мавжланди. Зеро, буюк бобомиз Алишер Навоий айтганидек: «Ажаб саодат эрур яхшилик била чикса от!»

Каминани тушунганингиз учун ташаккур!

2013 йил



ЖАЖЖИ ҲИКОЯЛАР

Онам айтган кўшиқлар

ШУКРОНА

Неварам онамнинг расмини чизибди. Рангли бўёқда, худди ўзларига ўхшатиб. Мамнун жилмайиб турибдилар.

Шу куни онам тўксон ёшга тўлдилар. Уй тўла меҳмон, ҳамма табаррук ёш билан қутларди.

– Шундай кунларга етказганига шукр, – дедилар онам кўлларини фотиҳага очиб. – Бугун мен чиндан ҳам бахтлиман, болаларим.

– Эртага сизни уйимизга олиб кетамиз, – дедим онамнинг хурсандчиликларидан завқланиб. – Ахир ўғилларникида навбат билан яшаш керак, тўғрими?

Онам айтдилар:

– Болам, ўтган якшанба сеникига бормоқчийдим. Укангни ўғли Тошкентни томоша қилдиргани олиб тушди. Ҳаммаёқ таниб бўлмас даражада обод бўлиб кетибди. Худди эртақлардагидек чиройли. Истироҳат боғига кирдик. Ана боғу мана боғ. Сайр қилиб юрган ёшларни кўриб, мен ҳам яшариб кетдим.

– Ҳа, маза бўпти-ку. Энди навбат бизникига келибди.

Онам жилмайдилар:

– Вой болам-ей, унгача ишим кўп. Биласан, синглинг неварасини уйлантиряпти. Янги

қудасиникига бориб, ёшларга оқ йўл тилаб, фотиҳа қилиб келишим керак экан. Кейин ўша синглингнинг узатган невараси болалик бўлай, деб турибди. Уникига ҳам бирров бориб келишим зарур эмиш. Ахир шу эварамдан биринчи чевара кўраман-да. Кейин кичик синглингникига ўтиб келай.

– Унда бир ҳафтадан кейин бизникига навбат келар экан-да?

Сухбатга қўшни меҳмонлардан бири аралашди:

– Ҳали сиз шошмай тулинг. Маҳалламиздаям тўй-ҳашамлар кўп. Сизникига кетиб қолсалар, ким бизга бош-қош бўлиб туради?

– Майлику-я, лекин чарчаб қолмасалар бўлгани, – дейман хавотирланиб.

Онам хотиржам жавоб қиладилар:

– Ташвишланма, болам. Одамнинг тафтини одам олади. Сеникига эртага бораман. Эвараларимни ҳам соғинганман. Фақат кечкурун қайтсам хафа бўлмайсан, эшитиб турибсан, ишларим кўп.

СОВҒА

Онам худди узоқ вақт учрашмагандек кўришдилар:

– Вой, болагинамдан айланай, тинчмисан, болаларинг яхшими? Ўзинг соғ-саломатмисан?

Жилмаяман:

– Онажон, атиги уч кун олдин кўришдикку. Дарров соғиниб қолдингизми?

– Мендек бўлганингда биласан. Қани кел, ўтир.

Хонтахта усти ҳовлида пишган гилос, олма, ҳозиргина тандирдан чиққан нонга тўлиб кетди. Озроқ тамадди қилгач, келтирган совғамни онамларга узатарканман:

– Байрам билан табриклайман, онажон. Бахтимизга узок йиллар соғ-омон бўлинг, – дедим.

Онам қоғозга ўралган рўмолни очиб кўриб, қувониб кетдилар:

– Вой, нима қилардинг овора бўлиб. Ўзингни кўриш ҳар қандай совға-саломдан ҳам яхши. Бирпас ўтир, болам, иссиқ овқат...

– Хафа бўлманг. Ўзингиз биласиз, хизматчилик...

Онам кўзларида ўғлини олис сафарга кузатаётгандек маъюслик пайдо бўлди.

– Якшанба, албатта, келаман. Хайр!

Шанба ишдан қайтсам, онам уйда ўтирибдилар.

– Якшанбагача чидай олмадим, – дедилар қучоклаб кўришиб. – Бунинг устига туғилган кунинг билан табриклаб кетай, дедим.

Онам ўзлари келтирган тугунни ечиб, ичидан янги чуст дўппи, шим олдилар.

– Кийиб адо қилгин, болам.

Бундан икки кун илгари байрам муносабати билан олиб борган совғамнинг жуда оддийлигидан хижолат бўлдим. Онам буни сезгандек дедилар:

– Оқ чашманинг пулидан. Ахир сигирда сенинг ҳам ҳақкинг бор, болам.

Эҳ, онажон-а, наҳотки ўзингиз дунёга келтирган, ювиб, тараб катта қилган фарзандингиз сиздан қарздорлигини билмайсиз?!

ҚАЛБ КЎЗИ

Газетада ҳикоям босилибди. Ўғлим уни кўтарганча, пилдираб кетди:

– Буви, адамнинг ёзганлари чиқибди.

Онам қавиётган кўрпачани нари сурдилар. Қўлларига газетани олиб, узок кузатдилар-да, кўзойнак оша ўғлимга қараб сўрадилар:

– Қани, қайсиниси?

– Вой, бувижоним-эй, мана, ёзиб қўйибди-ку, – деди ўғлим кулиб.

Онам лотин алифбосини ўқиган бўлсалар-да, барибир фамилиямни тополмадилар. Шунинг учун ўғлим ҳикояни дўмбоқ бармоқчалари билан топиб кўрсатди. Онамнинг кўзларида учқун порлади:

– Мен бўлсам отангнинг суратини қидириб юрибман.

Онам ҳар гал матбуотда машқларим чиқса, негадир, аввало суратимни қидирадилар. Эҳтимол, машқларим мисралари оша табиатим ва чехрамни қалбдан ҳис этарлар, бу ҳам хаёлларида мени гавдалантирар. Эҳтимол, бу кўнгилларида фарзанд чехраси доимо гавдаланиб турганидандир. Шундай пайтларда оналарнинг қалб кўзлари борлигига ишонгинг келади.

КЎНГИЛ

Ховлидаги олма шигил ҳосил қилди. Онам уйга меҳмон бўлиб келгандилар. Кўзлари тушиб, чехралари ёришди:

– Вой, жонивор-а, намунча чиройли.

– Беш йил бўлди экканимга. Бир борбон отахондан олгандим. Мақтаб сотганди. Рост экан гаплари, – хурсанд бўламан мен яна.

– Ҳа, – дедилар онам. – Инсофли одам экан. Мана энди раҳмат олаяпти. Ҳалол меҳнат қилиб, рост гапирган одам ҳеч кам бўлмайди.

Эртасига онам синглимникига отландилар:

– Сендан кўнглим тўқ бўлди, болам. Туриш-турмушинг яхши. Энди синглингдан ҳам бир хабар олай-чи.

Жилмайиб, ўйлайман: «Унинг ҳам рўзғори бут, тани-жони соғ. Она барибир она экан-да, кўзи билан кўришни истайди».

Уч кун ўтиб, якшанба ота ҳовлимга бордим. Онам яна узок кўришмагандек, қучоқ очиб кўришдилар.

– Келдингми, болам? Жуда соғиниб кетдим. Болаларинг тинчми?

– Ҳаммаси яхши, – дейман. – Сизга салом айтиб юборишди.

– Ҳа, айтгандай, – дедилар онам бир нарсa ёдларига тушгандай. – Олиб берган сумканг бор-у, ўшани уйга келиб қарасам, келиним барака топгур бир талай олма солиб қўйган экан. Ҳар биттаси нақ катта пиёладек-а. Шу кунларга етказганига беҳисоб шукр-а.

Бир пиёла чойдан кейин онам секин дедилар:

– Новвой Мавлуда опанг борлар-ку, шу аёл сал бетоброқ. Оёқлари оғрийди. Ҳар гал кўргани чиксам, сени сўрайди. Соғинаман, яхши юрибдиларми, дейди. Шунга бирров биргалашиб чикиб келсак.

Тўртта бўрсилдоқ нон кўтариб, Мавлуда опаникига чикдик. Болалари барака топадиган экан. Ҳовли этагига алоҳида икки шинам хона қуриб беришибди. Оппок ўрин-кўрпа, чиройли

тузалган дастурхон. Онахон бизни кўриб, роса қувондилар. Болалик йилларимизни, шу кўчада копток тепиб катта бўлганимизни эсладилар. Кейин хурсанд бўлиб дедилар:

– Ҳовлингиздаги кўчатлар ҳосилга кирибди. Тунов куни келинойим барака топсинлар, икки дона қип-қизил олма олиб чиқдилар. Боламнинг мевасига сизнинг ҳам оғзингиз тегсин, дедилар.

Онам жилмаядилар:

– Кўнгил-да, Мавлудахон. Болам менга илинди-ю, мен иккитагина бўлсаям сизга илиндим.

Опа-сингилдек бўлиб кетган бу онахонлар суҳбатини тинглаб ўтириб, дунёда меҳр-оқибат қанчалик улуғ фазилат эканига яна бир бор имон келтирдим.

ДИЙДОР

Онамни кўргани борсам, уй тўла меҳмон. «Сиз, онажон, барчамизни бир-биримиз билан боғлаб турувчи меҳр-оқибат занжирисиз, – дейишди улар, – мана, сизни кўриш баҳона ҳаммамиз дийдорлашаяпмиз».

Йиғилганлар фарзандларининг ишию ўқишлари, келин ва куёвларининг табиатию муомалалари, уйларидаги сигир-бузоқларию куда-андалари билан муносабатлари ҳақида узоқ суҳбатлашишди. Онам эса бу гапларни гоҳ эшитиб, гоҳ эшитмай, ўғил-қизларию келин-келбатларига қараб-қараб ўтиравердилар.

Ниҳоят ҳаммамиз кетишга рухсат сўрадик. «Намунча шошасизлар, ҳали дийдорларингга тўйганим йўқ, – дедилар онам. – Лекин ҳаммангизнинг соғ-омонлигингизни кўриб, хотиржам бўлдим, болаларим».

Ажаб, бугун биз фарзандлар онамизни кўргани бордик-ку, нима учун энг азиз кишимиз билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашмадик. Аксинча, бир-биримизга сўз бермай гаплашдик. Онамиз эса зерикканча, индамай ўтиравердилар.

Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, деганлари эҳтимол шудир.

МЕҲР

Унинг кўнгли хижил, кайфияти тушкун эди. Сон-саноксиз капалаклар гулзор оралади, лекин ўзида ўзгариш сезмади. Сокин сойлар бўйида сайр қилди. Барибир кўнгил хижиллигидан халос бўлмади. «Наҳот инсон қалби шунчалик нозик, – ўйлади озорланиб, – ахир инсон бу ёруғ оламда бахтли яшаш учун туғилади-ку!»

Шу хаёллар билан юрганида қўл телефони жиринглаб қолди. Хушламайгина қулоғига тутди.

– Болам, ўзингмисан, – деган тиник овоз келди ундан. – Овозинг бошқачароқ, нима, тобинг йўқми?

Бирдан кўнгли тоғдек кўтарилди:

– Ҳа, онажон, бу – мен, – деди қувониб. – Хавотир олманг, соппа-соғман. Биласиз, хаёл суришни яхши кўраман.

– Ундай бўлса майли-я, тобинг қочиб қолдими деб кўрқиб кетдим, – деди Она энди хотиржам. – Бир овозингни эшитиб қўяй дегандим-да, болагинам.

– Аслида мен кўнғироқ қилишим керак эди. Сиз овора бўлиб...

– Қўй, ундай дема. Ахир мен онангман, ўғлим...

Кўзларига ёш келса-да, тушкун кайфиятидан асар ҳам қолмади. Ҳеч нарсадан таскин топмаган кўнгли Онанинг оддийгина сўзларидан чароғон бўлди.

Бу пайтда ўғил етмиш, Она эса тўқсондан ошмоқда эди.

СОҒИНЧ

Қаҳратон қиш. Қор бўралаяпти. Дов-дарахт, девор-том, бутун борлиқ оппоқ. Ишхонада ўтириб, Онасини жудаям соғинди. Наҳотки, кундалик ташвишлардан ортиб, яқин манзилдаги укасиникига бориб, онасини бирров кўриб келолмаса?!

Йўлга чиқди. Қизиқ, соғинч кучлилигидан унутдими, эғнида пальтою бўйнида қалин шарф, лекин оёғида... ёзги олифта туфли. Оппоқ қор ҳар қадам босганида ғарчиллайди.

Оёқлари совқота бошлади. Қор эса тинмай ёғади. Қадами илдам-у, лекин ҳали йўл узок: «Эҳ, эҳ-хе!...»

– Болам, сенга нима бўлди? Нега алаҳсираяпсан, иссиғинг йўқми?

Кўзини очибок, пешонасига илиқ кафтини босиб турган онасини кўрди. Қизиқ, она ўғлининг кўрпадан чиқиб, совиб қолган оёқ панжаларини қайта ўрарди. Тушимми, ўнгимми деганча, онасига қаради. Кейин хурсанд ҳолда ўрнидан турди.

– Тушимда сизни кўргани кетаётган эканман. Жудаям соғиниб, – деди.

– Вой, болам-ей! Кеча сени соғиниб уйингга келганимни унутибсан-да, а?

Ўғил Онасини маҳкам қучоқлаб олди.

ДУНЁ

Келин кун бўйи ишда. Икки болага қайнона қарайди. Каттаси мактабга, кичиги боғчага боради. Эрталаб уларни шакар болам, асал болам деб кийинтиради, чой ичиради, сўнг етаклаб йўлга чиқади. Хой-хойлаганича, машиналар серкатнов катта кўчадан олиб ўтади. Боғча опа ва ўқитувчига боламга яхши қаранг-а, деб таъинлайди. Кейин пилдираганича уйига қайтади. Хоналарни супуриб-сидириш, кўю товукларга қараш, ўғли, келини, набиралари келишига кечки овқат тайёрлаш керак...

Йиллар ўтиб, қайнона кексайди. Энди у ётоқхонасидан чиқолмас, чиқса ҳам эмаклагудек бўлиб, каравотига аранг келиб чўзиларди. Бу пайтда ўғил, келин ва набиралар унинг атрофида парвона, катта набираси китоб ўқиб берар, кенжаси эса: «Ўзимнинг асал бувижонимдан ўргилай», деб кумуш қошиқда овқат едирарди.

ҲОСИЛ

Ҳовлимиздаги нок саккиз йилдирки, ҳосилга кирмади. Эшитишимча, дарахт олдида бориб, агар мева бермасанг баҳрингдан ўтаман, таг-тугинг билан арралаб ташлайман, дейилса келгусида ҳосил тугар экан. Ўша йили шундай қилдим, бироқ қийнос гуллаган дарахтда бирор-та ҳосил нишонаси кўринмади.

– Болам, – дедилар онам айни кучга кирган дарахтга боқиб, – фақат пўписаю кўркитиш билан ҳеч нарсага эриша олмайсан. Дарахтнинг ҳам жони бор, унга ҳам парвариш керак. Қаргин, бечоранинг баргларию ҳосил тугунчаларини

шира хароб қилибди. Мева ейман деган одам, аввало, дарахтни парвариш қилиши керак.

Қарасам чиндан ҳам нокни шира босган экан. Ўша йили касалликни йўқотиш чорасини кўрдим ва навбатдаги ёзда оиламиз билан ширин-шакар нокнинг ҳосилига тўйдик.

ҚЎШИҚ

Бир куни онамдан сўрадим: «Сиз ҳеч қўшиқ айтганмисиз?» «Ҳа, аллалар айтганман. Шунда ҳамма қўшиқ мужассам. Энди сизлар улғайдингиз, шу қўшиқлар таъсирида, хурсандман».

Ҳа. Рост, бундай ўйлаб қарасак, Оналарнинг қачонлардир айтган аллаларию панду насихатлари ҳар биримизнинг кўнглимизга муҳрланган абадий қўшиқдир.

ИЛТИФОТ

Бозорга тушгандим. Пештахталардаги баҳор неъматларини кўриб, кўзим кувнади. Ялпизу ошқўклар, лолаю тоғ ўтлари оламни тутганди. Нарӣ кетмай томоша қилгинг келаверади.

Бинафша! Бир аёл кичкинагина тоғорачада беллари ип билан боғланган 10–15 та бинафшани кўтариб турарди. Юрагим алланечук бўлиб кетди. Баҳор келибди, олам ёшарибди. Ҳаёт янада завқлироқ бўлибди.

Беихтиёр аёл томон юрдим.

– Олинг, ака, – деди у тоғорачасини менга яқин келтириб. – Кеннойимга совға қиласиз.

Унинг гапи менга таъсир қилди. Умримда ҳеч кимга гул тортиқ этдимми? Ҳа, ёшлик

пайтлари бўлган эди. Учрашувлар, соғинчлар ва изтироблар. Орадан шунча йиллар ўтиб кетибди. Энди гул совға қилиш... Хаёт шундай экан. Беихтиёр кўлимни бинафша томон узатдим. Чўнтагимдан пул чиқардим. Аёл жилмайди:

– Кеннойимни бир хурсанд қиласиз, шекилли.

Пулни тўлаб нари кетдим. Сўнг кўз ўнгимга кўшни ёлғиз кампирнинг ҳар кунги ўйчан чехраси келди. Тонгда саломлашиб, ишдан қайтаётсам, яхши келяпсанми болам, дейишларини эсладим. Уни бир суюнтирсам-чи, деган ўй ўтди.

Ортимга қайтиб, бояги аёлга рўпара келдим.

– Ҳа, ака, – деди у, – яна кимга олмоқчисиз?

Айтдим. У аввалгидан ҳам кўра илтифотли ҳолатда бинафша узатди:

– Олинг, албатта, олинг. Бу уларга эсдалик бўлиб қолади.

Ўзимда йўқ хурсанд бўлиб пул узатдим. У эса жилмайиб, ўзини нари олди:

– Бу мендан ўша онахонга совға!

РИШТА

Онанинг тоби қочди.

– Кўлингни бер, болам – деди у ўғлига маъюс тикилиб. – Шунда тинч ухлайман.

Ўғил кўлини узатаркан, волидаи мухтарамасига омонлик тилаб, хаёлга чўмди: «Гўдак-лигимда онамнинг кўлларини тутганча пинакка кетардим. Наҳотки кекса онам қайтадан гўдакка айландилар».

Улар бир-бирларидан айрилиб қолишдан кўрқиб, жимгина кўлларини тутдилар.

ХОТИРА

– Уйингга борганинга етиб келдим деб телефон қилиш эсингдан чикмасин-а, – тайинлади Она ўзини кўргани келган ўғлини кузатаркан.

Ўғил «хўп» дегандай бош чайқаб ўйлади: «Қизик, нега хавотир оладилар. Ахир ёш бола эмасман-ку».

Уйига келиб, тўйиб овқатланди, анча вақт набиралари билан гурунглашди. Сўнг ёнбошлаганча телевизор кўриб, мудрай бошлади. Бир пайт телефон жиринглаб қолди.

– Эсон-омон етиб бордингми, болам? – деди кампир ташвишли овозда. – Қарилик ҳам бор бўлсин-а. Томоғимдан сув ҳам ўтмай, телефонингни кутиб ўтиргандим, ўғлим.

ОМОНЛИК

Қиш қаттиқ келганди. Ҳовлидаги асфальт тарс ёрилган, ер устини қават-қават музлар қоплаган, ташқарига қараган ёғоч эшиклар яхлаб, очилмай қолганди. Бошқа фаслларда охири кўринмас дарёдек оқадиган машиналар карвони сийраклашган, тунлари кўчада милт этган чироқ кўринмасди, жимжит ва ҳувиллаб қолгандек.

Бир куни тонгда қаердандир хўрознинг мағрур қичқириғи, итнинг дадил-дадил хуриши эшитилди. Ҳовли саҳни тобора ёришиб, дарахтга қўнган қушлар сайрай бошлади. Қандай завқли, улар орасидан булбул навоси бир олам қувонч таратди. Кейин мусичанинг ўқтин-ўқтин ку-кулаши...

– Буви, бувижон, ҳовлимиздаги бинафшалар очилибди, – деди набира ям-яшил япроқлари

орасидан бўй чўзиб турган гуллар томон юзланиб.

– Ўрикни қаранг, ўрикни, чаман бўлиб ғунчалапти, – ҳовли этаги томон югурди чевара. – Бу йил роса ҳосил бўлади-а?

Чевара эса ўзини хона тўридаги каравотда ҳолсиз ётган кампир бағрига ташлади:

– Буви, бувижон, адамга айтинг, менгаям варрак олиб берсинлар. Турнага ўхшаганидан. Ўртоқларим билан кўчада учираман.

Кампир жуда таниш, ёқимли овозни эшитиб, ўрнидан қўзғалди-да, энгашганича деразадан мовий осмонга қаради:

– Вой, болам, турналар келипти-ю, – сўнг майин жилмайди. – Балки кетмай қишлагандир? Майли, отангни кутиб қолма. Мана бу пулни ол-да, варракка боравер.

Эшик секин очилди. Кампир қўшни аёлни кўрди. Косада сумалак ва ликопчада кўк сомсалар кўтариб турарди.

– Баҳор муборак, – деди онахонни қучиб, ўпганича. – Қаранг-а, сиз ҳам ёшарибсиз-а.

Бу пайтда набира хушбўй ис таратаётган бир даста бинафшани бувисига узатди:

– Ҳидини қаранг, ҳидини. Бунча ёқимли.

Кампир стулга аста чўкиб, қўлларини дуога очди:

– Яратганга шукроналар бўлсин. Шундай кунларгаям етиб келдик. Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик.

ОЛТИН ТУПРОҚ

Ота автобус кутиб турганди ёнига «Матиз» келиб тўхтади. Баланд бўйли, қорачадан келган ҳайдовчи йигит жойидан тушди-да, у билан қўл узатиб кўришди ва отани машинасига таклиф этди.

– Раҳмат, ҳозир автобус келиб қолади, – деди чол кутилмаган илтифотдан ҳайрон бўлиб.

– Ота, чиқаверинг, айтган жойингизга олиб бораман, – деди ҳайдовчи жилмайиб. – Сиз мени танимаяпсиз, шекилли.

Чол йигитга синчиклаб қаради-да, барибир танимади. Нотаниш йигит таклифини яна қайтаргач, иккиланиб машинага чиқди.

– Бир йилча олдин мендан бир қоп картошка, бир қоп пиёз сотиб олганингиз ёдингиздами? – сўради йигит машинасини бошқариб бораркан, йўлдан кўзини узмай.

Мўйсафид ҳайдовчига қараб, биров ўйланиб турди-да, кейин:

– Ия, ҳа, бозордаги ўша сотувчимисан? – сўради хурсанд бўлиб. – Энди эсладим, соғомонмисан, болам?

Йигитнинг кайфияти кўтарилди ва хурсанд бўлиб:

– Раҳмат сизга, ота, – деди. – Ўшанда бозорни айланиб юриб, пештахтам олдига келиб қолгандингиз. Савдолашаётганингизда: «Майли, сиз айтган нархда бўлақолсин, фақат дуо қилсангиз бўлгани», дегандим. Нарироқда шеригим ҳам картошка, пиёз сотаётганди. Менга жаҳл қилиб: «Намунча молингни ерга урасан! Бунақада менга ўхшаганларнинг тирикчилиги

нима бўлади?» деб танбех берганди. Чунки мен арзонроқ сотсам уники касодга учрарди-да.

Отанинг хотираси равшанлашди: ўшанда у ўрлию набираларининг гапларига кулоқ солмай, картошка, пиёз харид қилгани бозорга ўзи тушганди. Унга шу йигит илтифот кўрсатиб, маҳсулотини анчагина арзон баҳога сотганди.

– Эсингизда бўлса керак, ўшанда «Тупрок олсанг олтин бўлсин», деб дуо қилгандингиз. Буни қаранг, энди фермерман, – хайдовчи қувонди. – Тупроғимиз ростдан ҳам олтин экан. Яхшигина даромад олаяпман. «Матиз» ҳам шу даромаддан. Ёнимдаги сотувчининг гапидан хафа бўлганингизни билгандим. У бировнинг молини устига қўйиб сотарди-да.

– Ҳа, майли, ишқилиб у ҳам соғ-омонми? – сўради чол ўйчан.

– Омонликка омон, лекин инсофсизлиги учун бозордан кетишга мажбур бўлди. Қўполлиги ҳам панд берди. Ҳозир қаерда, билмайман.

Бу орада ота манзилига етди ва:

– Шу ерда мени тушириб қолдир, болам, – деди сергакланиб. У машина эшигини очиб, ташқарига чиқаркан, йўл ҳақини узатди.

Йигит эса жилмайиб:

– Сиздек нуронийларнинг дуосини олиш бизга бахт-ку, ота. Шунақа яхши кунларда кўришаверайлик, – деди-да, пулни қайтариб, қариянинг костюми чўнтагига солди.

КИМ КЕЛИН БЎЛАРКИН?

Гулсара хола келин қидираётганди. Қўшнilarининг айтишича, шу яқиндаги поликлиникада чиройли-чиройли, одобли ҳамшира қизлар

кўп эмиш. Борди. Ҳашаматли, йўлакларини зиналари яркираб турган бинога кириб, хола-нинг кайфияти кўтарилиб кетди. Ахир шундай файзли жойда яхши фазилатли одамлар ишлайди-да. У ўзига ярашган оппоқ халату қалпоқ кийган қизларни кўриб, кўзлари яшнаб кетди. Ҳаммаси кўлини кўксига қўйиб саломлашар: «Келинг холажон, қайси дўхтирга учрашмоқчисиз?» – деб сўрашарди.

Йўлакда у ёқдан-бу ёққа юраётган ҳамширалар орасида баланд бўйли, қалам қошли, қомаги тик бир қиз унинг эътиборини тортди.

– Бўй-бастиям боламга мос экан, ўйлади у ва:

– Ҳой қизим, мен терапевтга келгандим, хонаси қаерда? – деб сўради майингина.

Қиз ортига шахт билан ўгирилди-да:

– Вой, хола, ана, эшикларга ёзиб қўйилипти-ку, ўқисангиз бўлмайдими? – деди ўқрайганича.

Бундай муомалани кутмаган хола-нинг кайфияти тушди. Мажолсизланиб, йўлакдаги ўриндиққа чўкаётганди олдида оқ халатли бошқа ёқимтой қиз тўхтаб, салом берди:

– Холажон, сизга нима бўлди, қайси дўхтирга келгандингиз?

Гулсара хола унга тикилиб қаради: хушбичимгина, қадди-қомаги келишган, чеҳраси очиқ.

– Чарчабман, шекилли. Терапевтга келгандим, болам, – деди зўр-базўр.

– Унда юринг, йўлакнинг нариги чеккасига борамиз. – У аёлнинг қўлтиғидан тутиб етаклади.

«Шу қиз балки, менинг келиним бўлар, – ўйлади хола таскин топиб. – Муомаласи ширинлигини қаранг-а».

АВТОБУСДАГИ ВОҚЕА

Тоҳир автобусга чикса, бўш ўриндик йўк. Ўтирганларнинг кўпи ўзидан катта ёшдагилар. Фақат олд эшик рўпарасидаги жойда бир йигитча ва унинг ёнида ўрта ёшлардаги аёл деразадан кўчани кузатиб, гаплашиб боришарди. «Иккалови ҳам одобсиз экан, — ўйлади Тоҳир. — Майли, йигитчани-ку ўзидан катталарга жой беришга фаросати етмаган экан, ёнидаги аёл-чи, «Ҳой бола, тур ўрнингдан, тепангда турган одамга жой бўшат» демайди-я!»

Автобус ҳар тўхтаганида кимлардир тушар, кимлардир чиқиб дарров бўш ўриндикларни эгаллашарди. Шу тариқа улардан ёши кичикроқ Тоҳирга бўш ўриндик қолмасди. Бунга сайин унинг асаби ўйнаб, ойна олдида гоҳ хаёл суриб, гоҳ суҳбатлашиб бораётган йигитчага қараб-қараб, уларга оғирроқ гап айтишдан ўзини аранг тиярди.

Тоҳирнинг хаёлига шу тобда бир фикр келди: «Ҳой, тирмизак, жойни бўшат, дейишим тўғри бўлмайди. Шунинг учун автобусга менидан ёши катта бирон одам чиқиб колармиди, ана шунда бу болани таъзирини бераман. Нима, кўрмаяпсанми ўзингдан каттани, ё шунақа тарбия олганмисан, қани, тур-чи ўрнингдан дейман», деб ўйларди. У аламини зўрға ичига ютиб турар, агар каттароқ одам чиқмаса, қанийди тезроқ манзилимга етиб борсам-у, бу одобсиз йигитчани кўрмай қўя қолсам, дерди.

Ана шундай хаёллар гирдобида турганида автобус навбатдаги бекатга яқинлашганди аёл ва ўспирин жойидан қимирлай бошлади.

Улар она-бола бўлишса керак, секин-секин сурилиб автобусдан тушишди. Ва шу тобда Тохир хаёлларидан афсусда, ич-этини еганича тошдек қотди. Йигитча қўлтиқтаёкка таянганича, букчайиб кетиб борарди.

ЁЛҒИЗЛИК

Ок, пушти гуллар оламини тутгандек. Кўзимга бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Фақат гуллар, гуллар... Булар отам эккан олма гуллари. Бир қарасак, ҳосил тугади, ҳар бири нақ пиёладек. Қирмизи, новвотранг, кўм-кўк. Тап-тап ерга тушади. Бир тишлаб тўямиз. Еру кўк олма. Териб қоқи қиламиз, заха бўлган, деб молга берамиз.

Бир куни ўша кадрдон уйимга бордим. Афсус, кузда хазонлар билан ивирсиган ҳовлини кўрмадим. Разм солсам, ҳовли ўртасида йўғон танасини эганича бир туп олма қолибди. Шохлари эса беўхшов, қадди дол бўлаяпти. Бундан чамаси ўттиз йил илгари экилган ўн туп олмадан фақат шу омон эди.

Хазонрезги пайтларда тўкилган баргларнинг шитирлаб учиши, уларнинг дастидан оёқ босишга жой қолмаслиги, майлики, ёкилган хазонларнинг ачимтир ҳиди ҳам одамга хуш ёқарди.

— Биз қаридик, — дедилар отам ўшанда бошларини сарак-сарак қилиб, — эккан дарахтларимиз ҳам қариди.

Улар айтмадиларки, қара, ўғлим, битта шу туп олма қолибди-я, деб. Мен эса ана шу гапни эшитишдан ҳайиқардим. Вақтнинг шафқатсизлигидан изтиробга тушардим.

Момақалдирок гумбурлади, ёмғир ёғди. Отам эски тўнларини елкаларига ташлаганла-

рича панага ўтишга шошилмасдилар. Балки, ўзлари эккан дарахтни ёлғиз қолдиришни истамасдилар. Кейин мен шу ерда турганим ёдларига тушди-да, ичкарига кир, ўғлим, дедилар. Бироздан кейин деразадан ҳовлига мўраладим.

Ажабки, отам битта барги қолмаган дарахт остида ҳамон ўй суриб турардилар.

ОТА ДУОСИ

Ишхонада ишлаб ўтириб, бирдан отамни соғиниб кетдим. Охирги марта қачон кўргани боргандим? Ҳа, ҳафта ўтибди. Узоқ вақт бўлгандек. Эртага якшанба. Тонгданок унинг ҳузурига борай!

Эрталаб эшик тақиллаб қолди. Қарасам синфдош дўстим.

– Қани бўл, кетдик! – деди дабдурустдан. – Би-и-р Эргаш оғайнимизнинг чайласига чиқиб келайлик. Қовун сайлига. Э, ишлайвериб, одам чарчаб кетди-ку.

Отамни кўришга бормоқчилигимни айтдим.

– Кечкурун борарсан. Ҳеч нима қилмайди. Буёғини айтсанг отахонни кеча кўриб қолдим. Тоблари йўқ, деб эшитгандим. Яхши бўлиб қолиптилар. Хавотир олма.

Машинанинг сигнали эшитилди. Дўстим шоширди:

– Бўл, бўл энди! Ана, оғайниларнинг ҳам тоқати тоқ бўлиб кетди.

Шошиб кийиндим. Машинада 3–4 нафар оғайнимиз. Мени кўриб тоза қувонишди. Бирга дам оладиган кунимиз ҳам бор экан-ку, дейишди. Йўлга тушдик. Кўм-кўк далалару, шарқироқ сувлар бўйидан ўтдик.

Тупроқли кўчалар болалигимизни эслатди. Ялангоёк кўча чангитиб юрганларимиз, онамиз тандирда ёпиб берган иссиқ нон, кулчаларни зилол сувга ботирганимиз – ҳамма-ҳаммасини эслаб маза қилдик. Энди барчамиз тузук-тузук ишларда ишлаётганимиз билан фахрландик. Чайлага етиб келдик. Биримиз овқат тайёрлашга киришдик, бошқамиз қовун узгани пайкал ораладик. Димоғимизга эса ёқимли хид урилади.

Шу куни окшомгача ҳордиқ чиқардик. Уйга келгач, дафъатан бугун отамни кўришим кераклиги ёдимга тушди. Аллақандай куч, бугун бўлмаса эртага борарсан, дам олсанг-чи, деяётгандек эди. Юрагим ғашланиб оғриди: «Отам-ку, отам-а!»

Қайта кийиндим. Қоронғи тушган, мева-чева олай десам бозорлар беркилиб бўлганди. Ётиб қолишдимикан, деб хавотирда бордим.

– Ўғлим, келдингми? – ўринларидан туриб кетдилар отам. – Нима, ишинг кўпайиб кетди-ми? Майли-майли. Биладан, хизматчилик.

Отамга меҳрим баттар жўш урди. «Ишда эмас, дўстлар билан дам олишда эдик», деёлмадим.

– Сен келсанг, менга байрам бўлади, – дедилар болаларча қувониб. – Касалим ҳам қочиб кетади.

Шундай деб узок дуо қилдилар. Мен эса ерга қараб, индамай турардим.

БИР-БИРИМИЗГА КЕРАКМИЗ

Ёмғир шаррос қуярди. Автобус аста чайқалиб борар, бекатларда одамлар тез-тез тушиб чиқишарди. Кўча юзида эса ҳеч ким кўринмас, ҳамма ўзини панага олганди. Машина

тўхташ жойидан ўтиб, энди тезлашганди, орқа ўриндикда ўтирган ўрта ёшли зиёлинамо киши: «Э, ука, тўхтанг», деб қолди. Ҳайдовчи парво қилмай, машинани юргизиб борар экан, бояги одам: «Тўхтатинг деяпман сизга!» деб бақириб юборди.

Унинг кўзи йўлка бўйлаб кетиб бораётган ўн-ўн икки яшар болага тушган, бола эса қўлидаги елим пакетда нималарнидир кўтариб олганди. Автобус тўхтар-тўхтамас ҳалиги киши эшикни очиб, болани машинага чиқишга чорлади. У келгунча салондаги йўловчиларга: «Бу, маҳалламизнинг боласи, ёмғирда қолипти», деди узр сўрагандек.

Ҳайдовчи орқага ўтирилиб: «Ҳар қадамда тўхтайверсам автобуснинг эшак аравадан фарқи қолмайди-ку», деди жеркиб. Зиёлинамо киши энди бўш келмади: «Сиз хизматдаги одамсиз, ука. Керак бўлса тўхтайверасиз. Бир-биримизга керакмиз, ахир» деди. Бу гаплардан ҳайдовчининг баттар жаҳли чиқиб: «Жуда ақлли экансиз-ку. Агар сиз кабилар тушиб-чиқаверса уйимга етолмай қоларканман, ака!» деди кесатиб.

Бола машинага чиққанида кийими жикқа ҳўл бўлганини кўрган йўловчилар унга ачиниш билан қараб туришарди. Таниши билан суҳбатдан маълум бўлдики, унинг онаси касал бўлиб қолган, дорига келиб, пули қолмаган, шунинг учун шаррос ёмғир қуяётганига қарамай, уйига пиёда қайтаётган экан.

«Раҳмат, Фарҳод амаки, — деди у манзилига етиб келиб автобусдан тушаётиб. — Пулингизни қайтараман». Амаки жилмайди: «Қўявер, болам, ахир ҳаммамиз бир жойнинг одамимиз».

Фарход иш куни тугаб, касалхонадан энди уйига қайтаётганида «Тез ёрдам»да бир йигитни олиб келиб қолишди. Навбатчи врач негандир келмай турганди. Йигитча белини ушлаб «вой-вой»лар, оғриқ азоб берарди. Текширишлар унинг кўричак бўлганини кўрсатиб турарди. Фарход беморни операция хонасига элтишни буюрди-да, оқ халат, ниқобини қайтадан кийди.

Шифокору ҳамширалар операцияни тугатиб, йўлакка чиқишганда беморнинг ота-онаси Фарход томон келишди.

– Дўхтир ака, болам яхшими ўзи, нима бўлган экан? – сўради она безовталаниб.

– Ҳавотирланманг, ҳаммаси яхши. Кўричак бўлибди, операция қилдик. Вақтида келтиришипти.

– Йўлда эдим, – деди боланинг отаси шошиб, – телефон қилиб қолишди. Уйга келсам, боламни касалхонага олиб кетишибди...

Фарход юзидаги ниқобни ечиб, чўнтагидан рўмолчасини олди-да, пешонасидаги терларини арта бошлади. Шу пайт беморнинг отаси унга қараганча котиб қолди. Доктор эрталаб ёмғирда қолган болакайни ўзи ҳайдаётган автобусга жанжаллашиб чиқариб олган зиёлинамо киши эди.

СЎНГИ ОВ

Раҳимжон акани яхши биламан. Жуда ёшлигидан овчилик қилади. Отган ўқининг биронтаси зое кетмайди. Отаси ҳам мерган овчи бўлган. Бечорани бир куни кечаси яйловда ётганида бўрилар талаб ўлдирган. Шунда мўйлови

энди сабза урган Раҳимжон овчиликни умр-бод ташламасликка, отасининг хуни учун битта ҳам бўрини қўлдан тирик чиқармасликка аҳд қилган.

Мана бугун ҳам кекса овчи: «Отарларга бўри оралаб қолибди», деган гапни эшитиб, тунда тоғ ёнбағридаги олис отарга йўл олди. Елкасида отасидан мерос қолган, тасмасининг ёғи чиқиб кетган ўша милтиқ. Кўзлари эса дарғазаб ёнади.

У куёш жазирамасида ҳали-ҳали ям-яшил бўлиб турган тераклар орасига пистирма қўйди, этиги қўнжидаги пичокни яна бир пайпаслаб олди. Кейин эса шоп мўйловини бураб, атрофни кузата бошлади.

Анча кутди. Ниҳоят олисда шамдай тўрт чироқ кўринди. Икки бўри у томон келарди. Мана, уларнинг шарпаси аниқроқ гавдалана бошлади. Вақт етган эди. Раҳимжон ака кетма-кет тепкини босди. Бўрилардан бири шу захотиёқ йиқилди. Иккинчиси орқасига бурилиб қоча бошлади. Нарироқдан юракни эзиб юборадиган ҳазин товуш эшитилди. Кекса овчи ўша томонга югурди. У фонуснинг хира нурида теракзор орқасида бир нарсанинг типирчилаётганини кўрди. Овчи бўрининг қочишига ҳам эътибор бермай, ўшанга тикилди. Кўм-кўк майсаларни қонга бўяб, кийик боласи жон берарди. Раҳимжон аканинг киприкларида ёш қалқиди.

Шундан буён уни ҳеч ким мерос милтиқ билан кўрмади. Кийик боласининг бошига етган ногахон ўқ кекса овчининг юрагини ҳам қаттиқ ларзага келтирган экан. У овчиликдан воз кечибди.

БИР ҚУЧОҚ ГУЛ

Иш вақти аллақачон тугаган, бу мўъжазгина идорада фақат Раҳмат аканинг ўзи қолганди. Ходимлар уни уйига сира шошмаслиги, бугунги вазифаларини қандай бажарганлиги, эртагиси нималардан иборат бўлиши кераклиги ҳақидаги режаларни тузиб қўйишини яхши билганликлари учун ортиқча сўз айтмай, хайрлашиб чиқиб кетдилар.

Раҳмат ака ўй суриб ўтирганди кутилмаганда хонаси эшиги тарақлаб очилиб қолди. Чўчиб қараганди рўпарасида рўмолини чалма қилиб ўраб олган, белига фартук боғлаган ўрта ёшли фаррош аёлни кўрди. Бир қўлида супурги, иккинчисида челақ. У яқинда ишга келган. Раҳмат акани яхши танимасди ҳам.

– Нима қилиб ўтирибсиз, – деди у, кейин жавобини ҳам кутмай буйруқ оҳангида. – Энди уйингизга боринг, менга халақит берманг, – деди сира тортинмай.

Унинг ичида бир нарса узилгандек бўлди. Кўнгли оғриб, ўрнидан турди-да, фаррошга:

– Синглим, мен хонадан чиқиб тураман, сиз бемалол йиғиштириб олинг. Кейин яна бироз ишламоқчиман, – деди.

Аёл бир ўкрайиб қаради-да:

– Ўзингиз биласиз, лекин мен иш вақтидан кейин бола-чақам олдига борган бўлардим, – деди бепарво. Унинг гапи оҳангида суҳбатдошига беписандлик сезилиб турарди.

Раҳмат ака индамай ташқарига чиқди, ховли чеккасидаги ёғоч ўриндиққа бориб чўкди.

Унинг бутун умри шу бинода, битта идорада ўтди. Узоқ йиллар бошлиқ бўлди, юқори

идораларда ишлади, кейин келиб яна шу ерда хизмат қилди. Пенсия ёшига етгач, ўз ихтиёри билан оддий ходимликка ўтди. Чунки ҳаётини шу ишисиз тасаввур қилолмасди. Қолаверса, раҳбари ҳам: «Устоз, сиз бизга доим керак-сиз», дерди. Бу орада қанчадан-қанча сувлар оқиб кетди, кўп шогирдлар тайёрлади. Улар ва таниш-билишлари қаерга борса: «Э, устоз, келинг, келинг», деб ҳурматини жойига қўйишади. Ўзи кутмаган ҳолда туғилган кунларида йўқлашади, тўй-ҳашамларга айтишади. Қачонлардир кимларгадир қилган яхшиликларини унутиб юборган бўлса-да, унинг ёрдами текканлар бунини ёдларидан чиқармай, эслаб юришади. Бу Раҳмат акага ҳузур бағишлар, одамдан яхши ном қолиши керак-да, дерди кейин ўзича завқланиб.

Қизик, ана шундай ҳурматли одамга кеча ишга келган фаррош аёл ўз хонасидан: «Уйингизга борсангиз-чи», деб ҳайдагудек бўлса!

Раҳмат ака бироздан кейин қайтиб кириб, китоб-дафтарларини йиғиштириб, сумкасига солди.

– Хўп, хайр, – деди у фаррошга хафа бўлганини билдирмасликка ҳаракат қилиб. – Энди мен бораё. Бола-чақа, невара дегандек...

– Бу бошқа гап, – деди фаррош пол артишдан бош кўтармай. – Ҳамма ишнинг вақтида бўлгани яхши. – Кейин қаддини тиклаб, давом этди: – Ёшингиз катта экан, ачиндим-да.

У автобусда кетаркан ўйлади: «Бу аёлдан хафа бўлиш керак эмас. Уйингизга боринг, дам олинг деяпти, лекин гапнинг олди-ортига қарамас экан». Буёғини сўрасангиз фаррош аёл Раҳмат аканинг бир пайтлар шу ерда бошлиқ

бўлгани-ю, унга ўхшаганларнинг нечтасини ишга олиб, нечтасини бўшатганини, ҳозир ҳам узоқ-яқинда ҳурмат-эътибори баландлигини қардан билсин.

Раҳмат ака уйи йўлагига қадам қўйиши билан набираларининг баралла овози эшитилди:

– Ур-ра, бувам ишдан келдилар!

Кампири шошиб унга пешвоз чиқаркан, ажабланиб:

– Тинчликми, намунча вақтли? – деб сўради.

– Сизларни соғиндим, – деди у ўйчан. – Ёшинг ўтгандан кейин кўнглинг нозик бўлиб қоларкан.

Сўнг гапи гапига қовушмаганини сизди-да, қўл силтади:

– Э, барибир буни сизларга тушунтириб бўлмайди. Аввал мендек бўлинглар, кейин ҳаммасини биласизлар.

У аслида ишимни яхши кўрганим учун ишхонада қолиб кетаман-да, демоқчи эди.

Ишхонасидаги ўша гап сабаб кўнгли оғриб, икки кун хизматига боролмади. Учинчи куни хонасига кирганда столи чеккасидаги гулдонда ёқимли ҳид таратиб турган бир даста атиргулни кўрди. Секин котибадан сўраганди:

– Бугун эрталаб фаррош хола қўйиб кетдилар, – деди у компьютердан кўз узмай.

«Ҳа, – ўйлади Раҳмат ака енгил тин олиб, – ҳамкасблардан мен тўғримда эшитган бўлса керак. Барибир ҳалол ва узоқ вақтдаги меҳнат кадр топади дейишгани рост экан».

2013 йил

БОЛАЛАР УЧУН ҲИКОЯЛАР

ТУНДА ҚЎНГАН ВЕРТОЛЁТ

Бахтиёр мактабдан келганда онаси:

– Ўғлим, энди овқатингни еб ол-да, бироз дам олиб, дарсингни тайёрла, – деди.

У эса онаси стол устига косачада қўйган паловдан уч-тўрт қошиқ еди-да, кўчага чиқиб кетди. Чунки эрталабдан ўқишга борадиган ўртоқлари мактабдан қайтиб, аллақачон дарсларини тайёрлаб бўлишган ва:

– Бахти, чик, футбол ўйнаймиз, – деб қўйишмасди.

Қоронғи тушаётган бўлсаям Бахтиёр уйига кирмади. Ахири онаси қўлини силтаб-силтаб: «Ҳой кулоқсиз, сенга неча марта айтишим керак!» деганидан кейин хўмрайганича уйига қайтди.

Бахтиёр мактабда ўртача ўқийди. Лекин аллақаерлардан эски ўйинчоқлар, темир-терсақлар топиб, митти машиналар ясайди. Ота-онаси: «Сен бола, ҳамма фанлардан яхши ўқисанггина конструктор бўласан», – дейишса, у: «Э, менга ҳамма фаннинг нима кераги бор! Мактабни битирсам бўлди, самолёт тайёрлашга ўқитадиган ўқишга кираман», – дейди.

Шунақа, унга ҳеч ким барча фанларни яхши ўзлаштирсанггина кўзлаган мақсадингга эришсан, деб тушунтира олмайди.

Бугун ҳам кечқурун ота-онаси ҳадеб: «Қани, ҳозир олдимизда дарсингни тайёрла-чи, бўлмаса эртага яна кўча сандироклаб кетасан», деяверिशганидан кейин индамади-да, жаҳл билан папкасини кўтариб, ҳовлидаги каравотга чиқди. Копток тепавериб чарчаган-да, ёстикқа бош қўйиб, осмонга қараганича ётаверди. Кўкда сонсаноксиз юлдузлар жимириллар, янги чиққан ой жилва қилар, атроф сокин ва ҳузурбахш эди.

Бахтиёр ўйлаб ётаверди. Катта бўлса зўр-зўр самолётлар ихтиро қилишини, ўшаларда учишни, ҳатто космонавт бўлишни орзулади. Ана ўшанда унга ҳамманинг ҳаваси келади, ўртоқлари: «Бу бизнинг Бахти-ку, қаранг-а, қанақа таниқли одам бўлипти, қойил!» – дейишади.

Шу пайт бирдан осмонда чироқлари милт-милт ёнаётган аллақандай кичкина нарса пайдо бўлди-да, унинг устига бостириб кела бошлади. Болақай кўркиб, ўрнидан турди ва ҳали очмаган папкасини тезда олганича уй ичкарисига қочмоққа шайланди. Бу пайтда бояги «учар тарелка»га ўхшаган жисм Бахтиёрнинг тепасида пайдо бўлди. Болақай эса жойида қотдию қолди. Кейин эса номаълум нарса бироз ҳавода турди-да, каравотдаги гилам устига кўнди.

– Ойи, ойижон! – бақирди Бахтиёр овози борица ўзини нари олиб. – Манавини қаранг! Осмондан тушди!

Телевизор кўриб ўтирган онаси югурганича ҳовлига чиқди:

– Вой, болам, нима бўлди? Кўзингга бирон шарпа кўриндими, – ҳаяжон аралаш бақирди у.

Айвонда чой ичиб ўтирган отаси ҳам ҳовлиқиб ташқарига чиқаркан:

– Ҳой, хотин, мен сенга боланинг дарсига қарашвор, деб неча марта айтгандим. Қачон телевизордан ортасан ўзи! – деди.

Улар шу пайтда каравотда турган митти вертолётни кўриб, дастлаб хайрон бўлишди-да, кейин ўзларига келишди:

– Ия, бу...Бунёджоннинг вертолёти-ку, – деди онаси сал хотиржам бўлиб. – Кеча онаси қўшниларга: «Боламнинг ихтиросини қаранг, бунини ўзи ясади. Ақлли-де! Коллеждаги усто-зи вертолётга «беш» баҳо қўйиб, энди зўр-зўр ўқувчиларнинг кўргазмасида қатнашишини айтипти», деганди.

Бахтиёрнинг отаси қўшимча қилиб:

– Ҳамма фанлардан яхши ўқийди, деб эшитгандим. Бу бола катта бўлса бир жойдан чиқади, – деди.

Бу гапларни эшитган Бахтиёр эса қўшнисини Бунёджонга ўхшашни истаб, барча фанлардан аъло ўқигиси келди. Фақат қуруқ ҳавас билан мақсадга эришиб бўлмаслигини, балки энди тушунгандир. Тўғрими, болалар?

Ҳа, айтгандай, бироздан кейин эшик қўнғироғи жиринглади. Бориб очишса, Бунёджон!

– Вертолётимни тунда қанақа учишини синаётгандим. Узр, сизларникига учиб тушди. Шунга чиқдим, – деди.

Бахтиёр қўлидаги ажойиб митти вертолётни Бунёджонга узатаркан, қўшни болага ҳавас билан қараб қолди.

2014 йил

ШОКОЛАД КИМНИКИ?

Ирода росаям яхши киз. Нега деганда, доим онасининг ёнида: овқат пиширадими, ховли супурадими ёки бўлмаса кир ювадими – ҳаммасига қарашади. Лекин озгина инжиклиги бор-да. Боғчага боришни ёқтирмайди, унингча, уйда бўлиш мазза. Нега десангиз эрта турмайди, ҳеч ким унга мана бу ашулани ўрган, бу расмни чиз, катталар билан мана бундай муомала қил, деб ғашига тегавермайди. Буваси билан бувиси боғчага борсанг ёзиш-чизишни ўргана-сан, одамови бўлиб қолмайсан, кейин мактабда яхши ўқийсан деб тайинлайверишгач, хушига келганда ҳафтада бир-икки бориб қўяди. Отаси ва онаси ҳар куни ишга кетаётганда, боғчага боргим келмаяпти, деб инжикланавергач, бормасанг бормай қўяқол, мактабгача репетиторда ўқиб оларсан, дейишади-ю жўнаб қолишади. Шундан сўнг унга маза. Роса ухлагани етмагандек, телевизор тагига ўтириб олади. Ахир нима қилсин, ўйнай деса ўртоқларининг ҳаммаси боғчада, фақат онаси ишдан келгачгина зерикишдан кутулади. Чунки уй ишларига қарашади-да.

Айтгандек, бу кўчада Ирода тенги болалар йўқ. Фақат кўшни ховлида Муҳаббат деган қизалоқ бўлиб, Иродадан икки ёш кичкина – учга тўлган. Ана шу қизча кечкурун боғчадан келибоқ Иродаларникига чиқади. Нега десангиз, унинг ўйинчоғу қўғирчоклари, айниқса, идиш-товоқлари кўп. Биргаликда меҳмон-меҳмон ўйнашади, овқат пиширишади. Қўғирчокларини рақсга туширишади. Сизга

яна битта гапни айтиб кўймоқчиман. Ироданинг ота-онаси ишдалигида унга буви ва буvasи қарашади. Шунинг учун ҳам ўйинчоқларни ўйнашга рухсатни улардан, айниқса, қовоғи солиқ буvasидан сўраш керак. Чунки у кишининг жаҳли ёмон, намуноча тақиллатаверасанлар, китоб ўқигани кўясанларми, йўқми, деб уришиб беради. Ирода хафа бўлади-да, индамай юраверади, бувам намуноча китобни яхши кўрадилар, нима у шоколадмиди, деб ўйлайди.

Шундай қилиб, бува диванда китоб ўқиб ётганда эшик ғийқ этиб очилдию остонада Муҳаббат кўринди. Бува бу қизни сергаплигию ёпишқоқлигини ёқтирмаганлиги сабаб ўрнидан турди-да: «Сен беодоб бола, набирам туриб нега ўзингча кириб келдинг», деб уришиб беришга чоғланганди, қўшни қиз одатдагидек чиройли жилмайиб: «Ассалому алайкум, додажон, сизга бувам салом айтдилар», деди майингина.

Бундай муомаладан Ироданинг буvasини кўнгли юмшаб: «Э, раҳмат, қизим, ўзинг боғчага яхши бориб келдингми?» деб сўради. «Ҳа, — деди қизалоқ, — бугун-чи бизга боғча опамиз катталар билан қандай гаплашишни ўргатдилар».

Буванинг қайфияти кўтарилиб: «Хўш, нимага келдинг, қизим?» деб сўраганини билмай қолди. Муҳаббат: «Сиздан илтимос, ўйинчоқларни олишга рухсат беринг», деди секин ерга қараб. Бува ҳайрон бўлиб: «Ия, менинг Ирода қизим қани, нега у эмас, сен сўраяпсан?» деганди, Муҳаббат жажжи қўлчалари билан эшикни кўрсатиб: «Ана, турипти, фақат у сиздан уялаяпти-да», деди секингина.

Ҳа, боғчага чикқан бола тортинмас экан, ёзув-чизувни, муомалани ҳам биларкан, деб ўйлаб, бува ўйинчоқларни олиб берди. Кейин нарироқда бекиниб турган Ирода ва Муҳаббатга биттадан шоколад узатди.

«Еб кўринглар, роса ширин, – деди бува жилмайиб. – Биласизларми, болаларим, сизларнинг муомалаларингиз ҳам шунақа ширин бўлишини жудаям хоҳлардим».

Аслида у бу гапни набираси Иродага айтаётганди. Фақат у бундан уялмасин деб дугонасининг қулоғига қуяётганди.

Қаранг-а, болалар, Муҳаббат хушмуомаласи билан нафақат ўйинчоқ ўйнашга рухсат олди, балки шоколадлик ҳам бўлди. Сиз ҳам катта ёшдагилар билан шундай гаплаша оласизми?

2013 йил

ОМОН БЎЛ, ЙЎЛБАРСИ!

Сиз балки ҳайвонот боғида йўлбарсни кўргандирсиз. Бақувват, тумшуғию кўзлари атрофида узун-узун туклари бор, хўмрайиб, вазоҳат билан қараб туради. Катта одамми, ёш болами, барибир – кимдир емиш узатишга чоғлансаям керакмас, дегандай парво қилмайди. Роса мағрур!

Ҳикматилланинг Йўлбарси-чи? Ҳа-а, ишонасизми, бу болакайнинг йўлбарси бор. Тўғрироғи, унинг шу лақабдаги итини айтаяпмиз. Унинг ҳам мағрурлиги рост. Гоҳида оч қолсаям индамайди. Ҳайвонот боғидаги йўлбарсдан фарқи – ҳовлида маза қилиб айланиб юради. Миттигина. Туғилганига икки-уч ой бўлган, холос. Кўнғирранг, тумшукчаси қоп-қора. Кўз-

ларини айтмайсизми, мунчокдек ёниб туради. Одамни кўриши билан думини ликиллатганича югуриб олдига боради. Бошини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга буриб, суйкала бошлайди. Ҳол-ахвол сўрайди, шекилли. Ҳикматилланинг ишдан қайтган отаси итнинг ана шу қилиғини сира ёқтирмайди.

– Йўқот, лайчангни, – дейди жеркиб. – Ҳаммаёқни ифлос қилиб ташавотти.

Айвонда дарсини тайёрлаб ўтирган Ҳикматилла дераза олдига чоғиб келиб:

– Йўлбарс, Йўлбарс! Нариди кет, наридиди кет! – деб бақиради, овози борича.

Қизик, ит бу танбехга сираям парво қилмайди. Шунда отасининг баттар жаҳли чиқади-да, кучукнинг тумшугига бир тепади, бояқиш ангиллаганича анча нарига думалаб кетади.

Буни кўриб турган Ҳикматилла жониворга ачинади-да, чопкиллаганича ҳовлига чиқади. Эгасини кўрган ит ўрнидан туради ва думини ликиллатганича унга эргашади. Шу маҳал болакайнинг кўнгли бузилиб, ўртоғимдан Йўлбарсни олмасам бўларкан, чунки уни отам ёқтирмай мени уришганлари уришган, деб ўйлайди. Лекин нима қилиш керак эди, ўртоғи итим болалади, биттасини сен боқа қолгин деганди-да. Бунинг устига Ҳикматилла кучукларни яхши кўради. Шунинг учун отаси ишга кетганида олиб келганди. Мана оқибати!

– Тағин бу тирранчанинг отини Йўлбарс қўйганингга бало борми? Нима, у мард, кўркмасмидики, шундай атагансан? Қилтириқлигини қара, «пуг» деса учиб кетади, – деди отаси энсаси қотиб.

Ия, болажонлар, ёдимдан кўтарилибди. Ҳикматилла биринчи синфда ўқийди. Чиройли мактаби кўчасининг бошида. Дастлаб уни онаси ўқишга кузата бошлаганида: «Овора бўлманг, ана, Йўлбарсим бор-ку», – дейдиган бўлди, хурсанд бўлиб.

Ростданам кучукча эгаси билан чиқиб кетиб, Ҳикматилла мактаб ҳовлисига киргач, югурганича очик эшикдан уйга қайтарди. Кейинчалик агар Мастура опа дўконга борадими ё бошқа бирон иш билан кўчага чиқадими – унинг ҳам кўрикчисига айлана бошлади. Фақат гапга қулоқ солмайди, индамай юраверади. Агарда йўлда санғиб юрган мушукми, каердандир учиб келиб, ниманидир териб еяётган қушними учратса, бир ҳамла қилиб, нарига қочиради. Ахир йўлини ҳеч нарса тўсмаслиги керак-да. Ана, мағрурлиги!

Ҳикматилла қайсидир куни мактабдан қайтиб, итини чақирганди на овоз чиқарди, на югуриб келди. Ҳайрон бўлганича, йўғимда кўчага чиққан бўлса йўқолиб қолдимикин, деб ўйлаб, кўрқиб кетди. Ёки... Отаси каёққадир олиб бориб ташладимикин? Э-э, итни берган ўртоғи қайсидир куни: «Кучукчам катта бўляптими, жуда соғиндим, бир бориб кўрмоқчиман», деганди. Ўша олиб кетдимикин?

Ҳикматилла орқасидаги китоб-дафтар тўла сумкасини айвонга ташлаганича, ҳовли бўйлаб «Йўлбарс! Ҳой, Йўлбарс!» деб чақирсаям овози эшитилмади. Ошхонада овқат пишираётиб, бунини кўриб турган Мастура опа ўғлига ачинди-да, ташқарига чиқди. Боласининг бошини силаб, уни ҳовли этагидаги омборхона томон бошлади.

– Хафа бўлма, ўғлим, – деди маъюсла-
ниб. – Биласан, даданг озодагарчиликни жудаям
яхши кўрадилар. Кучукчанг болалик қилиб, ҳов-
лимизга сепилган кўм-кўк кашничу укропларнинг
устида сайр қилиб юрибди. Бу – яхшимас-да.

У шундай деб ҳовли бурчагидаги кўринмас
жойга бўйнидан арқонча билан боғлаб қўйилган
итни кўрсатди. Йўлбарс боғланаётганида роса
вовуллаган бўлса керак, кейин йиғлаган. Чун-
ки кўзлари атрофи шишиб қолибди. Нега де-
сангиз шу кунгача эмин-эркин ҳовли кезиб
юрганди-да. Энди эса қозикқа боғлоғлик. Ар-
қонни узмоқчи бўлиб роса уринган шекилли,
бўйнидаги тукчалари терисига ёпишиб қолибди.
«Бечора кучугим, – ўйлади хафа бўлиб Ҳикма-
тилла. – Қутқаради, деб мени роса кутгандир».

«Қизик, – хаёлидан ўтказди кейин, – ҳозир
шунча чақирсам ҳам овоз чиқармади-я. Эй-эй
онам айтдилар-ку, у хали бола, деб. Шунинг
учун бўлса керак-да».

Шу пайт Мастура опа ўғлини турли хаёл-
лардан чалғитиш учун:

– Энди юр, болам, аввал овқатингни еб ол.
Кейин даданг ишдан келгунларича Йўлбарс би-
лан кўчада бир ўйнайсан, – деди.

Ростдан ҳам илгарилари иккаласи кўчада
маза қилиб ўйнашарди-да.

Ҳикматилла барибир хомуш овқатланди. Чун-
ки онасининг гапидан кейин итининг бўйнидан
арқонни еча олмади-да. «Энди Йўлбарснинг
аҳволи қандай бўларкин, мактабгаям бир ўзим
бораманми?...» – деб ўйлади.

У озгина овқат еб тураётганди, онаси ўғли-
нинг елкасидан ушлаб, стулга қайта ўтказди-

да, бўйнидан кучоклаб олди. Кейин ўғлининг кўзларига ўйчан тикилганича:

– Болам, сенга бир гап айтсам хафа бўлмайсан-а? – деб сўради.

Ҳикматилла ҳайрон, жимгина қолганди, гапини давом эттирди:

– Биласан, кучукчанг кечаси бошқа ҳеч кимни эмас, фақат сенинг оёқ кийимларингни тишлаб олиб, қаёққадир беркитаверади. Бир пойини гоҳ гулзордан топамиз, гоҳ дарахтлар тагидан. Ўзиям салқингина бўлгани учун ҳам ўша жойларда ухлашни яхши кўрса керак. Шиппагинг борми, туфлигинг борми, устига чиқиб олиб, ҳидлаб ётаверишини айтмайсанми! Ювиб, йўлакка қўйсак яна ўша ахвол. На яхши гапимизни тушунади, на дўкимиздан кўрқади. Шунақаям кулоксиз ит бўладими, парво қилмайди-я!

Ҳикматилла онасининг бу гапларини индамай эшитиб тураверди. Чунки Йўлбарснинг бунақа одатини ўзиям биларди-да. Мастура опа эса давом этди:

– Кеча кечкурун сен ухлагани ётоқхонангга кириб кетганингда оёқ кийимларингни беркитиб қўйгандик. Энди итинг нима қиларкин, деб даданг билан ховлига чиқсак, у йўк! Роса чақирдик. На овоз берди, на қораси кўринди. Эй, йўқолгани рост бўлсин-а, деб нариги йўлакдан юқори қаватга чиқаётсак, сен ўтирадиган кресло бор-ку, у ўшанда бошини букканича қотиб ухляпти. «Ҳой, тирранча, топган жойингни қара, тур бу ердан!» — деб бақирсак ҳам миқ этмайди. Ҳатто кимирамаям!

Мастура опа бирпас жим қолиб, тескари қаради. Сўнг:

– Болам-а, биламан, итингни яхши кўрасан. Лекин айтмасам бўлмайди, – деди секин. Кейин овозини баландлатди. – Фақат хафа бўлма, хўпми? Кучугинг... кар экан.

Ҳикматилла ялт этиб онасига қаради ва бирдан кўзларидан ёш куюлиб келди.

– Ёлғон, ёлғон, – деди ўрнидан тураркан бақириб. – Шундай деб мени алдаб, уни йўқотмоқчисизлар!

Мастура опа ўғлини қайтадан кучоқларкан, кўнгли баттар хиралашди:

– Унақа дема, болам. Бу... рост гап. Даданг ҳам айтаяптилар. Нима, биз сенга ёмонликни раво кўрармидик? Ахир у сенга дўст, менгаям ҳамроҳ бўлиб қолганди-ку. Одобли. Салом деб қўлингни узатсанг олд ўнг оёғини қўл бергандай чўзади. Югурсанг югуради. Фақат карлиги ёмон экан.

Ҳикматилла кўз ёшларини кафтларига арта-арта ётоқхонасига кетди. Мастура опа ўзи айтган гапидан ўзи хафа бўлиб, ҳовлига чиқди-да, уй юмушлари билан чалғий бошлади.

Бир пайт ўғлини тушликка чақирса, у йўқ! Боғланган итиям кўринмайди. «Кучугининг карлигини бекор айтибман-а, – ўзидан баттар хафа бўлди она. – Қаёққа кетдийкин, энди нима қиламан?»

Бу пайтда Ҳикматилла Йўлбарсни эргаштирганича, уйдан анча наридаги поликлиника томон кетиб борарди.



Дўхтир амаки «ЛОР» деган ёзувли хонаси эшигини қулфлаб, тушликка чиқаётган экан.

– Хўш, болам, – деди Ҳикматиллани кўргач, хайрон бўлиб. Кейин сўради. – Ота-онангсиз бу ерда нима қилиб юрибсан? Нима, музқаймоқни кўпроқ еб, томоғинг оғриб қолдими?

– Йў-ў-ғ, – деди болакай кўзларини жовдиратиб. – Кучугим...

– Нима, кучугинг? – сўради дўхтир амаки яна хайрон бўлиб.

– Кучугимнинг қулоғи қар экан. Шунга... – Ҳикматилла ёнида думини ликиллатганича ерга қараб турган Йўлбарснинг бошини силади.

Амаки бирдан кулиб юборди:

– Вой болакай-а, ахир мен одам дўхтириман-ку.

Ҳикматилла бўш келмади:

– Барибир қулоқни тузатишни биласиз-ку.

Дўхтир амаки: «Бу бола жа-а пишиқ экан-ку» – деб ўйлади-да, кейин ўзига-ўзи савол бергандек: «Хўш, нима қилишим керак?» деди.

У бироз ўйланиб туриб, нарироқдаги машинасига ўтирди-да, орқа эшикни очганча, Ҳикматиллани чақирди:

– Ҳой болакай, қани машинага чиқ-чи. – Сўнг кўшиб кўйди. – Итинг ҳам чиқаверсин.

Улар кўп ўтмай пештокига «Ветеринария хизмати» деган ёзувли бино олдига келиб тўхташди.

Шу куни Ҳикматилла уйига Йўлбарс билан хурсанд қайтди. Уни қидиравериб, тинкаси қуриган онаси тутоқиб кетди.

– Ҳой, бола! Роса мазамни қочирдинг-ку. Қаерларда санғиб юргандинг? Энди дадангга айтиб, бир таъзирингни бердирмасам!

Бу гаплардан Ҳикматилла сира хафа бўлмади. Қайтангга хурсанд ҳолда бир сакраб, онасининг бўйнидан кучоклаб олди:

— Она, онажон, Йўлбарс кар эмас экан. Дўхтир амаки бу лайчани қайси ғордан топдинг? Қулоқлари тупроқ-кумга тўлибди-ку, деди. Тозалаб, даволади. Мана энди росаям яхши эшитаяпти.

Ҳикматилла шундан кейин бир марта Йўлбарс, деб чақирганди ҳовли этагига бориб қушларнинг сайрашини эшитаётган кучук думини ликиллатганича унинг олдига югуриб келди. Кейин, бор нарига, деганди жойига кетди.

Мастура опа хурсанд бўлиб:

— Вой, болам-а, савобга қолибсан, — деди суюниб. — Майли, бу гал дадангга индамайман, лекин лайчанг эшитадиган бўлганини, албатта, айт-тамиз. Кейин билиб қўй, энди бирон жойга айтмай кетсанг, эшитадиганингни эшитасан, хўпми?

Ҳикматилла «хўп» деганича қувониб, дарсини тайёрлагани ўз хонасига кириб кетди.

• • •

Баҳор келган. Айвонда қалдирғочлар чуғурлашар, бўғотга қўнган мусичалар кукулашдан чарчашмасди. Ҳаммасидан ҳам олақанот деган қушларнинг чағиллашини айтмайсизми, овози қулоқни тешиб юборай дейди. Йўлбарс эса, ҳовли этагидаги инидан чиқиб, қушларга қараб-қараб мудрар, эшик тақиллаб қолса, қаттиқ во-вуллашини қўймасди. Чунки қулоғи роса яхши эшитадиган бўлиб қолганди-да.

Шундай кунларнинг бирида Ҳикматиллаям, Йўлбарсам яна йўқ бўлиб қолди. Мастура опа

ўйлади: «Ҳозир баҳорги таътил бўлгани учун қулоқсиз болам ити билан яна қаёққадир ғойиб бўлгандир-да». Лекин окшом тушганда ҳам улардан дарак йўқ.

Ташвишланаётган она Ҳикматилланинг ўртоғиникига бориб келди. Йўқ. Мабодо мактаб ўйингоҳида футбол томоша қилаётганмикан, деб у ерга югурди. Йўқ. Янги очилган сув ҳавзасига бориб турарди. У ердаям топилмади. Бу пайтда ишдан қайтган отаси ҳам нима қилишини билмай қолди. Маслаҳатлашгани маҳалла идорасига чиқмоқчи бўлиб турганди, бирдан дарвоза ғалати тақиллаб қолди. Худди кимдир темир дарвозага панжаси билан ураётгандек. Отаси ким экан бу фаросатсиз, ахир жиринглайдиган кўнғироқ бор-ку, деб ўйлаб дарвозани очди. Қараса... рангини таниб бўлмайдиган бир ит. Тикилиброқ қараганди, таниб қолди. «Ие, бу Йўлбарс-ку, – ўйлади у. – Нега ҳаммаёғи лой, шалаббо?».

Йўлбарс эса йўлакка ҳам қадам босмай, йиғлаганга ўхшаб увиллади. Сўнг нариги кўча томон югура бошлади. Кўрқиб, жим туриб қолган ота беихтиёр унинг ортидан эргашди.

Улар дала томон анча юришиб, жарликда шовуллаб оқаётган анҳор тепасига етиб келишди. Шунда сал наридаги баҳайбат чинор остида чалқанча ётган, кўйлагию шимлари жикқа ҳўл Ҳикматиллани кўриб, отаси бақириб юборди:

– Вой, ўғлим! Сенга нима бўлди?!

Отасининг овозини эшитган ўғил, ўрнидан аранг туриб ўтирди-да, йиғлаганича тутила-тутила:

– Варрак учиргани далага келаётгандим. Яккачўп кўприкдан ўтаман деб, анҳорга йиқилиб тушдим, – деди.

Шу пайт отасининг хаёлидан яхшиям сузишни ўрганган экан, бўлмаса чўкиб кетармиди, деган ўй ўтди.

– Йўлбарс омон бўлсин-а! Уйдан мени бошлаб келди, – деди ота думини ликиллатаётган итга энди меҳр билан қараб. Кейин ўрлига бир пайтдаги ўзининг: «Бу тирранчанинг исминини Йўлбарс қўйибсан, нима, у шунақа мардмиди?» – деган танбеҳи ёдига тушиб, ўша гапидан афсусланди: «Ахир шу ит ўғлимни қутқармоқчи бўлгандирки, ҳаммаёғи лой, сув. Ҳар ҳолда офир пайтдаям боламнинг ёнида экан. Кейин уйимизга бориб хабар берганини айтмайсизми?».



Бу воқеаларга бир неча кун бўлганди. Кечкурун овқатланишаётганида отаси Ҳикматиллага худди катта одам билан маслаҳатлашаётгандек:

– Болам, энди узумзоримизга бир ит керак. Шунга... Йўлбарсни берсанг. Ҳадемай, ҳосил пишади. Ўзинг ҳам бориб ёрдамлашардинг, – деди аста мулойимлик билан.

Ҳикматилла отасидан бу гапни сира кутмаганди. Шунинг учун хаёл сурганича, индамай ўтираверди.

Болажонлар, сиз нима деб ўйлайсиз, Ҳикматилла отасининг таклифига кўнармикин? Ёки Йўлбарсни ёнидан нарига кетказишни истамасмикан? Ҳа-а, тушунганингиз учун раҳмат!

2014 йил

ЎЙЛАР

ЯШАШ УЧУН КЕЧИКМА

Нақл қилишларича, юз ёшдан ошган қариядан: «Отахон, айтинг-чи, сиз шунча узоқ яшаб, ҳаётингизда нималарни кўрдингиз?» деб сўрашибди. Мўйсафид жавоб берибди: «Умр шундай тез ўтибдики, гўё фақат сизларни кўриб турибман, холос».

Бир зум бўлса-да, ҳаёт ҳақида ўйлаган инсон қариянинг сўзларини инкор этолмаса керак. Лекин ҳар кимнинг қувончу ташвиш, осойишталигу хавотирларга қоришган ўз ҳаёт йўли бор. Бу йўлни бошқа ҳеч ким эмас, фақат унинг ўзи босиб ўтган. Шунга яраша ўз ақидаю хулосасига эга.

Инсонга фақат бир марта бериладиган ҳаёт эса барибир ширин ва азиз, фақат уни кадрлай билиш, умрни тотли мевалар берадиган яхшилик дарахтига айлантириш керак. Улуғ бобомиз Алишер Навоий айтганидек:

*«Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур».*

Танишлардан бири ҳикоя қилади: «Мажлисда озгина танқид эшитиб, ишхонамга қайтиб келгандим. Иш куни аллақачон тугаб, ходимлар кетган, бутун дунёим қоронғи эди. Кўнглимга

қил ҳам сифмасди. Шунинг учун бу кайфиятда уйга боришни ҳам истамай, креслода ўй суриб ўтирардим. Бўлмағур хаёллар мени турли хилват бурчакларга иткитиб юборганди. Ичимда кимдир: «Шартта ариза ёзиб ишдан кетгин-да, можаролардан қутул» деса, бошқаси: «Тўппа-тўғри бошлиқнинг хонасига кир ва ҳамма гапни тўкиб сол, ана шунда аламингдан чиқасан», — дерди. Сезиб турардимки, ҳар икки ҳолат ҳам мен учун яхшилик билан тугамайди.

Шундай хаёлларга кўмилиб ўтирганимда олисдан аллақандай ёғочнинг асфальтга тақ-тақ этиб урилаётган овозини эшитиб қолдим. Ҳушёр тортиб, қулоқ солдим. Овоз тобора каттиқроқ эшитилар, бу нима экан деган қизиқишим ортиб борарди. Бироздан кейин эса, кимларнингдир қахқаҳаси эшитилди. Бу кулгу кайфиятимга бутунлай зид бўлиб, асабимни баттар қўзғаб юборди. Дераза пардаларини шахт билан силтаб очдим. Қарасам, шундоққина ишхонам ёнида йўлка бўйлаб уч-тўрт кўзи ожиз киши бир-бирини қўлтиқлаганча кетиб борарди. Уларнинг ғўнғир-ғўнғир гаплашишию ҳасса овозлари узоқлашиб бораркан, хаёлимга шундай фикр келди: шу инсонлар ҳам қалблари ёруғ, ҳаётларидан мамнун эканлар, соппа-соғменга нима бўлди ўзи?

Шундан кейин ёмон туш кўриб уйғонган мисол бир сескандим-да, ҳеч нарса бўлмагандек, хотиржам уйимга кетдим».

Ҳа, бир доно: «Яшашнинг, вақтнинг кадрига етган инсон бахтлидир», деб тўғри айтган экан.

Афсуски, хом сут эмган бандамиз. Ҳамма вақт ҳам саломатликда ўтаётган ҳар бир куни-

мизни кадрлайвермаймиз. Баъзан ана шу бой-лигимиз ёдимиздан кўтарилиб, етиб бўлмас ёки жуда майда-чуйда нарсалар ҳақида кўп бош қотириб, жиғибийрон бўламиз.

Ажаб, ҳаёти давомида бир неча ўлимдан қолган, кўп оғриқли азобларни бошидан ўтказган одам ўша кезлари соғлиқнинг кадрига кўпроқ етади-ю, кейинчалик яна эски ҳолига тушиб, майда-чуйдаларга кўп эътибор бераверади. Танишим сўзлаб берганди:

«Бир куни мени кўкрак қисмимдаги қаттиқ оғриқ билан «Тез ёрдам»да шифохонага олиб кетишаётганди. Машинанинг ҳар тебраниши жонимни узиб юборай дер, ҳатто ҳаётим ниҳоясига етиб қолаёзгандек эди. Шундай бир пайтда фельдшернинг ҳайдовчига қарата: «Бу одамни касалхонага етиб боришига ишонмайман», деган сўзлари мени тамомила ҳолдан тойдирди. Наҳотки ҳаммаси тамом бўлди, ҳали ишларим кўп эди-ку, деган ўй ҳаёлимдан лип этиб ўтди. Ҳолбуки, бу вақтда менга нажот берадиган касалхонага атиги ўн-ўн беш дақиқали йўл қолганди, холос.

Одам ўлимга ҳатто бир марта рўпара келса, ҳаёт қанчалик азизлиги, жони омон юришининг ўзи чинакам бахт эканлигини чуқурроқ ҳис этаркан. Ўшанда операция олдидан касалхона ойнасидан ташқарига қарарканман, кўчадаги йўловчиларнинг соғу оқсоқларига, бойваччаю юпунларига — ҳамма-ҳаммасига ҳавасим келар, уларни сира ташвишсиз одамлар, деб ҳисоблардим.

Ана шунда бахтнинг нималигини чуқурроқ ҳис этдим ва ўйладимки, бу бебаҳо неъмат,

аввало, танимиз саломатлиги, кўнглимиз хотир-
жамлигидир».



Америкалик машҳур педагог, ёзувчи Дейл Карнеги шундай дейди: «Сиз ҳам, мен ҳам ўз ҳаётимизда неча марталаб ўзгартириб бўл-
майдиган ноқулай вазиятларга тушиб қоламиз. Улар бошқача бўлиши мумкин эмас».

У буларни ёзиш олдидан болалигида ўз бо-
шидан ўтган воқеани ҳикоя қилади. Менинг
суҳбатдошим эса, янаям бошқачароқ вазиятни,
ҳозирги замон тиббиёти ва инсон иродаси ни-
маларга қодир эканлиги ҳақида сўзлаб берди.

«Автомобиль тузатиш устахонасида иш-
лардим, — деди у. — Устахонани кенгайтириш
мақсадида қурилиш борарди. Иш жараёнида
кутилмаганда қурувчилардан бирининг қўлини
станок қиркиб юборди. Мен кўриб турардим:
узилган бармоқ жон талвасасида анча нари-
га думалаб кетди. Ишчини дарров машинага
ўтказиб, яқин орадаги поликлиникага олиб бор-
дик. Шифокор эса бунақаларни кўравериш пи-
шиб кетган шекилли, ваҳимали сўзларимиздан
пинагини бузмай ҳатто ичаётган чойини столга
ҳам қўймади, аксинча, хотиржам охирига ет-
казди ва ҳузуримизга чиқиб келди-да: «Бармоқ
қани, бармоқ?» деб сўради.

Назаримизда бу тепса-тебранмас докторнинг
шу топда дарров ёрдам кўрсатиш ўрнига бун-
дай ғайри табиий савол беришидан фигонимиз
фалакка чиқди. Аввал қўлига қаранг, керак
бўлса кейинроқ бармоқни топиб келармиз, дедик
аранг ўзимизни босиб. У эса тамомила жиддий:

«Мен сизларга бармокни олиб келинглар деяпман», деди қатъий. Ноилож оғрикдан дод-фарёд қилаётган ишчини дўхтирхонада қолдириб, устахонага елдек учиб бордик. Аллақайси бурчакда ётган бармокни топиб, матога ўрадик-да, келтириб хирургга тутказдик. У эса яна ўша хотиржам ҳолда бармокни жойига тикди.

Бу воқеадан кейин чамамда уч йилча вақт ўтган эди. Болаларим билан истироҳат боғида сайр қилиб юрардик, ўғлим «Тир»да милтик отаман, деб қолди. Бордик. «Тир» эгаси бир кишига «Э, яшанг, беш ўқнинг ҳаммаси марказга тегди», деб турган экан. Қарасам, мерган киши таниш туюлди. Лекин унинг кимлигини билолмай, кўнглим ғашланди. Ахири истиҳола билан қаерда кўришганимизни сўрадим. У бир лаҳза менга тикилиб турди-да, қучоклаб олди. «Э, сиз халоскоримсиз-ку, – деди. – Мен ўша устахонангизда бармоғи учиб кетган ишчиман. Илгаридан «Тир»га қизиқардим. Мана, худди ўша уланган ўнг қўл бармоғим билан тепкини босаяпман».

Гоҳида ўйлаб қолади киши: биз умримизни ана шундай нишонга – эзгу мақсадларимиз ушалишига йўналтира олаяпмизми? Ахир унинг ҳар дакикаси ғанимат-ку!

Донолардан бири: «Бахтсизликка дош беролмайдиган одам бахтсиздир», деган экан. Демакки, инсон бахтга эришиш учун, аввало, ўзи бошига тушган кўнгилсизликлар билан кураша олиши керак. Бунини камина олис қишлоқлардан бирида фермерлик қилаётган аёл мисолида ҳам кўрдим. У эридан кейин тўрт боласи билан ёлғиз қолганди. Бу ҳам етмагандек, кўп

ўтмай опаси ҳам вафот этади. Аёл олти нафар жигарларини ҳам ўз қаноти остига олди. Сўнгра вафот этган овсинининг тўрт боласини ҳам ўз қарамоғига олди. Уларни боқиш, кийинтириш, тарбиялаш учун имкон, вақт топди. Уйлади, жойлади. Буларга далада аёл боши билан елиб-югуриб, керак бўлса, кетмон чопиб, экин суғориб эришди. Яна муҳими, болаларни меҳнат қилишга, пул топишга ўргатди. Ўзи эса фермер хўжалигидаги 40 бош қарамолини 100 бошдан оширди. Бир пайтлар бошқаларнинг ёрдамига муҳтож, лекин буни ҳеч кимга айтмаган бу аёл эндиликда эҳтиёжмандларга ёрдам қила бошлади. «Соғ одам учун дод, фарёд чекиб, бошқалардан ёрдам сўраш уят, — дейди у. — Кимларнингдир қўлига қараб яшашдан ёмони йўқ». Унинг гапларини тинглаган киши тагида сўнгги русумдаги «Мерседес»у, бўйнида бармоқ қалинлигидаги тилла занжир билан турли идораларга бориб, эҳтиёжмандман деб моддий ёрдам сўраб юрганлар қайси тоифадаги инсонлар экан, деб ўйланиб қолади.

Бир кўшнимиз бор эди. Ота олти боласини ташлаб кетгач, болаларни онанинг ўзи вояга етказди. Вақти-соати келиб, катта ўғил Архитектура институтини битирди, укаларини ёнига олиб, устачилик қила бошлади. Моҳир ҳунарамандларнинг доғруғи узоқ-яқинларга таралди-ю, буюртмачилар кўпайди. Энди улар мухташам тўйхоналар, катта пул эгалари уйларини безаш билан шуғуллана бошлашди. Йиллар ўтиб, тўрт ўғилнинг тагида янги машиналар, алоҳида уй-жойлар пайдо бўлди. Ана шундай кунларнинг бирида ота оғир касал бўлиб қолганлиги ҳақида

хабар келиб қолди. Тўрт ўғил у ётган кулба томон шошилишди. Олиб келиб даволата бош-лашди. Лекин на она, на болалар ҳали жуда ёшликларида қийинчиликлардан ўзини нари олган отага бир оғиз писанда сўз айтмадилар.

Ким билади, балки шунинг ўзи ўша отага етарли сабоқ бўлгандир?

Инсон бахт учун туғилади. Лекин, шуниси қизиқки, бахтни ҳар ким ҳар хил тасаввур қилади. Кимдир данғиллама уйлару сўнгги русумдаги автомашиналарга эга бўлишни бахт, деб тушунса, бошқа биров қайсидир амалга миниш, қўл остидагилар унга қуллуқ қилиб туришини тушунади. Ва яна бошқа киши севимли ёрига етишишни туганмас бахт ҳисоблайди.

«Завқ ва орзулар зинапояга ўхшайди. Зиналар ўтириб, дам олишга мослашмаган, аксинча, устига босиб ўтилади, холос. Умрини шу зиналарда беҳуда ўтказмаслик учун ғофилликдан тез уйғонган ва аҳволнинг моҳиятини англаб етган зот қандай бахтли!»

Бу ҳикматли сўзларни Мавлоно Жалолиддин Румий ёзган.



Қўшни палата эшиги доим ёпик турар, гоҳида ундан ҳамшира қиз томчи дори қуядиган ускунани кўтариб, кириб-чикиб юрарди. Даволанаётганлар кечки пайт кенг фойеда телевизор томоша қилишар, шу баҳона бир-бирлари билан танишиб, кўнгил ёзишарди. Лекин ҳафта ўтсаям менга қўшни палатада ким борлиги, қандай касал-у, касби кори нималигини ҳеч ким билмасди.

Бир кунни ҳамшира хонамга кирганида кўшнининг соғлиғи ҳақида сўрагандим, тамомила жиддий: «У киши туппа-тузуклар, фақат ёлғизликни истаб келибдилар, холос», деди.

Уч кундан кейин фойедаги диванда суҳбатлашиб ўтирсак, ўша палата эшиги очилиб, баланд бўйли, узунчоқ юзли, 40–45 ёшлар чамасидаги киши чиқиб келди. Ҳаммамиз билан кўл узатиб кўришиб, ёнимизга чўкди.

– Бизнинг даво тугади, – деди у ўйчан. – Гаплашолмаганимиз учун узр. «Соткам»ни ҳам ўчириб қўйдим, бу ердалигимни уйимдагиларга ҳам айтмадим. Хизмат сафарига кетдим, дедим. Ёлғизликда ўзимни бир тафтиш қилдим. Ўйлаб кўрсам, ҳамма ташвишларим беҳуда экан.

У хайрлашиб чиқиб кетди. Ҳаммамиз хаёлга чўмдик. Табиийки, ҳар биримизнинг ўз ҳаётини ташвишларимиз йўқ эмасди. Гоҳида арзимас нарсаларга жиғибийронлигимиз, азият чекишларимиз соғлиғимизга путур етказишини ҳам билиб турардик-ку, лекин кўпчилигимиз буни тан олишни истамаслигимиз ҳам рост эди. Эҳтимол кўшни палатадаги ўша йигит яккаликда тўғри хулосага келгандир.

Ана шуларни ўйларканман, буюк француз файласуфи Монтень: «Инсон содир бўлган воқеалардан кўра, бу ҳақдаги ўйлардан кўпроқ азият чекади», деганида ҳақ бўлганига ишонгим келади.

Албатта, инсон зоти қувончу ташвишлар гирдобида яшайди. Баъзан шундай бўладики, бирон киши ҳатто битта сўз ёки воқеадан таъсирланиб, туни билан мижжа қокмай чиқади.

Бу эса бора-бора ўз соғлиғига, ҳатто атрофидагиларнинг кайфиятига таъсир этади.

– Бундай ҳолларда, – дейди рухшунос танишим ўзи ҳақида, – менга тинчлик бермаган ўша гап эгасига айтадиган фикрларимни яхшилаб жамлаб, қоғозга тушираман. Таклиф-мулоҳазаларимни ҳам ёзаман. Гапларимга у томонидан билдириладиган эҳтимолий эътирозларини назарда тутган ҳолда қўшимча фикрларимни ҳам ёзиб қўйишни унутмайман. Ана шундан кейин миямни муттасил кемириб келаётган ғалвали гаплар йўқолади-қолади ва тинчгина уйқуга кетаман.

– Майли, – давом этади рухшунос, – балки эртага вазият ўзгариб, рақибимга ёзиб қўйган гапларимни айтишдан тийиларман, лекин мен барибир энди осойишта ухлаб, соғлиғимни асрай оламан. Фикрларимни унга оғир ботмайдиган, кейинчалик ўзим ҳам хижолат чекмайдиган тарзда ёзиб қўйганим менга хотиржамлик ва осойишталик бағишлайди.

Танишимнинг бу мулоҳазалари қадимги Хитой фалсафий мактаби асосчиларидан бири бўлган донишманд Лао-Тзенинг «Одоб – бу фақат ҳақиқатга ўхшайди ва у безовталиқ манбаидир», деган сўзларини ёдга туширади.

«Дунёда энг мураккаб нарса – одамлар ўртасидаги муносабат», дейилса мен бунга тўлиқ қўшиламан. Чунки кўп англашилмовчиликлар бир-биримизни тўғри тушунмаслигимиздан ҳам келиб чиқиши бор гап эмасми? Ўзбекистон Қахрамони, бетакрор адабиётшунос Озод Шарафиддинов узок йиллар бош муҳаррир бўлган «Жаҳон адабиёти» журналида таниқли инглиз

ёзувчиси Уильям Сомерсет Моэмнинг «Умрим дафтари» номли эссесини ўқиб қолдим. «Анчадан буён бир нарсани биламан, менинг феъл-атворимда кишиларга ёқмайдиган, улар ҳазм қила олмайдиган аллақандай бир жиҳат бор, начора, ҳаммага ҳам бирдек суюмли бўлиш мушкул савдо, – дейди у. – Бироқ шундай бўлса-да, менга ғараз билан қаровчиларга ҳам ғашим келмайди, улардан хафа бўлиб юрмайман, аксинча, шундай одамларни кўриб, кўпроқ тетиклашаман, янада ғайратим жўшади. Лекин, барибир, ўша ғаразгўйларни ўзимдаги қайси жиҳат бунчалик беҳаловат қилар экан-а, деган саволга жавоб олишни истайман».

Таниқли адиб ушбу сўзларни етмиш ёшга тўлганида ёзган. Эҳтимол у ўзига нисбатан нохуш муносабатдагиларга кўпда эътибор бермагани учун ҳам тўксон йилдан ортиқ умр кўриб, мухлисларига шундай ўлмас асарлар қолдириб кетгандир. Ва, ажабки, барибир у ҳам бир инсон сифатида ўзи ҳақида нималар дейишаётганини билишга қизиққан. Балки: «Парво қилма ва бепарво ҳам бўлма», дейилгани шудир.

– Агар сизга кимдир хўмрайиб караса ёки қабулига борганингизда илтифот кўрсатмаса, осмон узилиб ерга тушмайди, – дейди тажрибали невропатолог Саида Султонова. – Ахир у ҳам инсон, уни ҳам бирор муаммо қийнаётгандир. Нима учун унинг кайфияти сизга таъсир кўрсатиши керак? Сиз парво қилманг, ўзингизни тетик ва бардам тутинг. Шу билан бирга сизнинг ўзингиз ҳам кимларгадир ёқмаслигингизни тан олинг.

Демак, буни ҳаёт дейдилар. Бешта бармок бир хил бўлмаганидек, ҳаммамизнинг феъл-атворимиз ҳам турлича. Бир-биримизга тоқат билан яшаш ҳаётимизни завқли қилади.

Гоҳида баъзиларимиз бир хилликдан зерикамиз. Фақат ишга бориб, уйга келавериш ҳам шунга сабаб бўлиши мумкин. Бундайларга руҳшунослар қуйидагича маслаҳат берадилар: «Хизмат хонангиздаги стол ёки уйингиздаги каравотнинг жойини ўзгартириш ҳам кишига ижобий таъсир кўрсатади. Костюм-шим ёки кўйлагингизни дазмоллатиб кийган кунингиз, қўшнингизнинг сиз билан жилмайиб саломлашиши, ишхонангиз ҳовлисининг сув сеппиб, супурилгани ҳам кайфиятингизни кўтариб, баҳри-дилингизни очади. Булар харажат талаб этмайдиган юмушлар, лекин умрингизни узайтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир».

Самарқандлик таниқли ёзувчи билан бир «дом»да кўп йил қўшни бўлиб яшадик. Ҳазилкаш ва хушчақчақ, оиласига меҳрибон, садоқатли бу инсон бир куни қўшнилардан бирига ўзаро суҳбатда шундай деб қолган:

– Ҳар куни кечқурун ишдан қайтсам, ҳадеб битта аёл эшик очади. Турмуш ўртоғимнинг садоқатини қаранг-а! Одам зерикиб ҳам кетаркан.

Бир неча кундан кейин у ишдан қайтиб, квартираси қўнғироғини босса, эшик очилиб, рўпарасида ёшгина қўшни аёл жилмайиб турганмиш.

– Келинг, – дебди аёл унга йўл бериб. – Тортинманг, кираверинг.

Ижодкор кўшнимиз хаёлчан эмасми, адашдимми, деб тезда зинадан пастга туша бошлабди. Шунда ўша квартира эшигидан ўзининг турмуш ўртоғи мўралаб хахолаб кулибди:

– Хай, хўжайин, бу ўзингизнинг уйингизку. Кўшнимиз ҳазиллашяпти, холос.

Бу, ҳаётни қизиқарли қилишнинг оддий ва антиқа усули эди, холос.

Инсон шундай жонзотки, агар у хоҳласа мўъжизалар ярата олади. Хоҳиш эса атрофдагиларнинг унга муносабатига ҳам боғлиқ. Раҳбар танишларимдан бири ҳикоя қилади:

– Бир ходимимни сира ишлата олмасдим. Гоҳ маошидан нолир, гоҳ мукофоти пастлигидан шикоят қилар, нинадек иш ҳам унга туядек кўринар, жойида ўтириб ишлаш ўрнига қаёқларгадир санғиб кетарди. Интизомий чоралар ҳам кор қилмагач, ундан ҳам осон «ишбай» ишга – қай пайтда бўлсаям битирса бўладиган вазифага ўтказдим. Балки ажабланарсиз, аввалгисидан масъулияти кам иш бўлишига қарамай маош ва мукофотини оширдим. Энди у инсофга келар, уялганидан ҳам яхши ишлаб кетар, деган ўй менга таскин берарди.

Қаёқда дейсиз! У ўша туткич бермаслигини, ҳатто бирон сабабсиз, огоҳлантирмасдан ишга келмай қолишини кўймади. Бир куни тўй қиладиган бўлиб қолди. Ишхонамизнинг молиявий аҳволи яхши эмасди. Шунга қарамай бир ойлик маоши микдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Ундан миннатдорчилик сўзларини кута бошладим. Таажжубки, ходим хонамга ўшқириб кириб келди. Эмишки, у мендан хафамиш, бир эмас, уч, ҳатто беш ойлик ба-

раваригача ёрдам олиши керакмиш. У бунга ҳеч қандай асосли сабабларни топа олмас, борган сари оғзидан инсонга сира ярашмайдиган сўзлар чиқиб борарди.

Бир куни у маоши бизникидан икки баравар кам бўлган бошқа идорага ишга ўтди. Собик ходимимизни кўриб қолиб, ҳол-аҳвол сўрадим. «Хўжайин, келажакда сиздан умидимиз катта деб мени мактади, – деди у қувониб. – Шунинг учун ҳам кун бўйи, ҳатто дам олиш кунлари ҳам ишдаман, – дея очиғини айтди-қўйди. – Ахир менга билдирилган ишончни оқлашим керак. Келгусида яхши вазифаларни ваъда қилишаяпти».

Танишим ҳикоясини шундай якунлади: «Хулоса шуки, ходимлардан ўз вазифасини тўлиқ бажаришини талаб қилиш билан бирга, уларда ўз келажакига ишончни ҳам уйғота олиш керак экан, токи ҳеч кимнинг умри беҳуда, бесамар ўтмасин».

Умр эса ўтиб бормокда. Шу сабаб токи ҳаёт дарахтимиз омон экан, унинг сўнгги япроғи ҳам эл-юртимиз манфаати йўлидаги эзгу ишларга хизмат қилишини, бу мақсадни амалга ошириш учун учрайдиган ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишини истайди киши.

2011 йил

ЯХШИЛИК

Ўшанда ишдан қайтсам кўчада «домком»имиз турибди. Саломлашиб, «Тинчликми?» деб сўрадим. «Нохушлик, – деди у киши. – Назир ака оламдан ўтиб қолибдилар».

Ичимда бир нарса узилиб кетгандек бўлди. «Домком»имизнинг айтишича, ҳозиргина Назир акани кўрган, ишдан келаётган экан. Юраги ёмон экан, вафот этиб қолибди.

Шу нохуш воқеа сабаб унинг қандай одам бўлганлиги, қилган яхшиликлари ҳақида суҳбат бўлди. У беозоргина, кўпчиликка ёрдами тегадиган одам эди. Маҳаллада қандай йиғин бўлса аралашар, гоҳ самовар кўяр, гоҳ ош ташир, ёки «келинг, келинг» деб турарди. Кўп йиллардан бери мусиқа мактабида дарс берарди. Ишдан кейин эса, маҳалла юмушлари билан шуғулланарди. Бировни у ундок, бу бундок деганини эшитмагандик.

Одам боласи мўъжиза экан. Гоҳида ёнма-ён яшаб туриб ҳам кўп яхши томонларини билмас экансан.

Хонадонимизга янги кандил сотиб олгандик. Ўрнатиш учун уста қидирдик. Бири уйда эмас, бошқасининг вақти йўқ. Кимдир: «Э, Назир ака билади-ку», деб колди. Ишонмадик, негаки бу беозоргина одамда бунақа хунари бўлмаса керак, деб ўйлардик. Айтдик, чикди, ўрнатди. Илтифот кутмаёқ чиқиб кетди. Тоза хурсанд бўлдик. Энди ҳар куни кандил ёнганда уни эслаймиз.

Эҳтимол, бундай одамлар атрофимизда биз ўйлагандан кўра кўпроқдир. Жимгина, ҳеч кимга озор бермай, аксинча, яхшилик қилишни турмуш тарзларига айлантириб олганлари учун ҳам биз уларни пайқамасмиз. Эҳтимол, ундайларнинг борлиги учун ҳам меҳр-оқибат шундай устун тургандир. Бироқ нима бўлганда ҳам яхшилик барибир яхши экан.

Хаёт – мураккаб. Унинг кутилмаган қувонч ва ташвишлари бор. Ҳали из тушмаган сўқмоқлари бор. Қувончни баҳам кўришга одам кўпдир, лекин қийин пайтларда сента окибат кўрсатадиган, қўллайдиган одам, сени тушунадиган, борингки, яхшилик қилмаса ҳам жуда бўлмаса хайрихоҳ бўла оладиганларингиз борми?

...Ўша куни қор гупиллаб ёғаётганди, шаҳардаги мажлисга кечга қолаётган эдим. Ҳадеганда автобус келавермади. Йиғилишга кечикиб киргандан кўра кирмаган маъқул, лекин ўша куни вақтида бормаса асло бўлмасди, чунки қисқагина мажлисдан сўнг бошқа вилоятга хизмат сафарига автобусда жўнашим керак эди. У ёқдан-бу ёққа бетоқат юриб тургандим, олдимдан физиллаб ўтиб кетган оқ «Нексия» ортига қайтиб, рўпарамда тўхтади. Эшик очилди. Чамаси 30–35 ёшлардаги қирра бурун, зиёлинамо йигит бошини мен томонга бурди ва исмимни айтиб саломлашди. Кейин, ўтиринг ака, деди жилмайиб. Ҳайрон бўлиб тургандим, таклифини қайтарди. Ноилож кўндим. «Танимадингиз-а, – деди у машинани аста жилдирар экан, – мен эса сизни дарров танидим. Ўзгармапсиз, яхши».

Йигитга қарадим. Қоп-қора кўзлари кулиб турарди. «Йўк», дедим сал хижолат бўлиб.

У айтди. Қайсидир йили институтга киришга имтиҳон топширганида бир балл етмай қолган экан. У билан автобусда танишиб, шу ҳақда суҳбатлашиб қолибмиз. Тайёрлов бўлимига кириб ўқишни маслаҳат берибман. Балки уни ўша куни автобусда ғамгин ҳолда учратиб далда бермаганимда ҳам билимга чанқоқлиги сабаб

ўқишга кирарди. Лекин менинг чин дилдан берган маслаҳатим кўнглини кўтарганидан хурсанд эди.

Хуллас, шу куни йўқ дейишимга қарамай, мажлисдан чиқишимни кутиб турди, сўнгра, бугун шанба, дам оламан, деб кўшни вилоятга сафар жойимга етказиб қўйди.

Кенг ва равон йўлда машинада борар эканман, тоғ тоғ билан учрашмаслигини, лекин одам одам билан учрашажагини ўйладим.

Бунга анча йиллар бўлди. Жамоамиз билан кўшни вилоятдан пахта ҳашаридан қайтардик. Чинозга келгач, «УАЗ»имизнинг ремени узилиб кетди. Ҳаммамиз ташқарига чиқдик. Аллақачон қоронғи тушган, ёмғир шивалаб ёғарди. Шофёр бечора юпунгина кийинган экан, дийдираб у машинага қўл кўтаради, бу машинага тавозе қилади – тўхтамайди. Кабинага кириб ўтиришга хижолат бўламиз. Бир соатдан ортиқ турдик, ёмғирга роса бўқдик. Машиналар эса, сийраклашиб қолган эди.

Биримиз аксириб, бошқамиз йўталганимизни кўрган шофёримиз бизни илтижо билан кабинага киритди. Ўзи эса ҳафсаласизлик билан капот остига энгашди.

Шу пайт бир эшикли автобус олдимизга келиб тўхтади. Ичимиздан офтоб чиқиб кетди. Кабинасидан новча, озғин бир йигит тушиб келди. «Нима гап, ака?» – деди у ўнг кўлини белига қўйиб.

Шофёримиз айтди. «Э, – деди нотаниш ҳайдовчи, – менда ҳам аксига олиб ортиқча ремен йўқ эди».

Иш барибир юришмади, деб кўнглимиз чўкди. Нотаниш йигит индамай ортига қайтди. Автобус орқасидаги эҳтиёт эшигини очди. Троссни судраб келди. «Уланг, – деди бир учини ўзи олар экан, – тортиб кетаман».

Автобусда йўловчилар бор эди. «Ҳечқиси йўқ, – деди у кескин оҳангда бизнинг хижолат бўлаётганимизни сезиб. – Тушунтираман. Тез борадиган жойга секин борса ҳам бўлади. Ахир бир-биримизга керакмиз, бир-биримизга ғаниматмиз».

Биз жонландик. Қоронғиликда кетиб борарканмиз, дунёда яхшиликдан ҳам яхши нарса борми, дердик. Бояги хомушликдан нишон ҳам қолмаган эди. Бир вақт қарасак, Тошкентга кириб қолибмиз. Олдиндаги машина тўхтади. Нотаниш ҳайдовчи шофёримиз кабинадан тушиб улгурмасидан рўпарасига келди. «Ўтираверинг, ака, – деди чўнтагидан рўмолча олиб, юзидаги ёмғир томчиларини артаркан. – Қаерга борасизлар?»

Шофёримиз айтди. «Э, – деди у яна, – беш километр экан, олиб боравераман».

У айтганида турди. Ҳаммамиз хурсанд, миннатдор. Шофёримиз пул узатган эди, нотаниш йигит: «Э, – деди одатича, – савоб ҳам керак, ака!»

Троссни йиғиштириб олди-да, жўнади. Юрагимизда эса, унга нисбатан меҳр ёлқинланиб қолди.

Яхшиликнинг умри узун. У ўлмайди. Аксинча, синовларга бардош бериб яшайверади.

Якшанба эди. Эрталаб эшик кўнғироғи жиринглаб қолди. Чиқиб қарасам, эски тани-

шим. Бир пайтлар бирга ишлагандик. Ҳозир шаҳардаги идоралардан бирида ишларкан.

Ичкарига таклиф қилдим. «Бир ёнғоқ кўчати олиб келдим. Шуни экайлик. Машинам юкхонасида турипти», деди. Хурсанд бўлдим. Бўш пайтларида кўчат етиштириб, яхшилик уруғини сочиб юрган бу кишига меҳрим янада ошди. Вақти келиб «дом»имиз ҳовлисидаги ёнғоқ роса ҳосил қилди. Ўзимиздан ташқари кўча болалари ҳам баҳра олишди. Агар ёнғоқ узок умр кўришини ҳисобга олсак, мевасидан қанча вақт кўплаб одамлар баҳра олишини ўйлаб, яхшиликнинг умри боқийлигига яна бир бор ишонамиз.

Мустақиллигимизнинг шарофати билан савоб, яхши ишлар қилиш ҳар биримизга одат бўлиб бормокда, турмуш тарзимизга айланмокда. Бу, миллий қадриятларимиз тобора қад ростлаётгани, энг яхши анъаналаримиз қайтадан туғилаётганидан далолат бермокда. Бунга мисоллар кўп. Атрофимизга бир қарасак, яққол сезамиз.

Сизга ҳавола этганларим ҳам кўп-кўп яхшиликлар бўлаётган давримиздан бир шингил, холос.

2010 йил

ЁВОЙИ БОҒ

ҲИКОЯГА ЧИЗГИЛАР

(эссе)

Бу сарлавҳа менга жудаям ёқиб қолди. Шунинг учун уни чиройли ҳарфлар билан битатиб, шохлари айқаш-уйқаш ёввойи олмаю

бандлари сертикан, қип-қизил наъматак, эгри-бугри толу гўштидан кўра данаги катта ўриқ-кача кўзимга кўриниб кетди. Тавба, ҳатто сим-сим ёғаётган ёмғирнинг ҳам бошқача – чучмал сувини туйгандек бўлдим. Ажабки, қаҳрамоним ҳам шу боғга мос, яъни хулқ-атворию ўзини тутиши одатдаги одамлардан бўлакчадек туюларди. Хулласки, мен виқорли, бағри кенг ва покиза ёввойи боғни ҳам, ўша битмоқчи бўлган қаҳрамонимни ҳам шундоққина кўриб турардим. Бироқ, уларнинг бизга аллақачон нотабиий бўлиб туюлган томонларини қандай қилиб тасвирлашим керак?

Албатта, ожиз тажрибамдан биламанки, табиат тўғрисида қалам тебратишдан аввал воқеа-ҳодисалар, кузатуву таҳлиллар қайси фаслда юз беришини ҳам аниқлаб олиш керак. Акс ҳолда, тасвирламоқчи бўлган воқеанинг на кимсасиз самога ва на турфа одамлар яшайдиган ерга ўхшайдиган, бошқалар у ёқда турсин, ҳатто муаллиф ҳам тушунмайдиган номаълум масканда юз бериши, бу эса мавҳумликнинг ўзгинаси бўлиб, ўқувчига ҳеч қандай наф бермаслиги аниқ.

Шуларни ёзаётиб, бирдан балки бу одам чиндан ҳам биз ҳозиргача билмайдиган, ҳатто хаёлимизга ҳам келмайдиган сайёрадан заминимизга ташриф буюрганми, деган фикр кўнглимдан йилт этиб ўтди. Бўлмаса, қаҳратон қишда латта қўлқопу пахталик нимча кийволиб, тош-метин музлаб ётган ерни нақ бўйи баравар зил-замбил лом билан тешиб, дарахт экармиди? Ёки хали ёз тугамасидан эрта баҳор ташвишида қадди дол бўлиб, қоп-қоп мевали дарахт

данакларини орқалаб, қайсидир хувиллаб ётган тепаликларга ариқ олиб, садафдек қадаб чиқармиди? Бунисиям майли, дарахтларни экиб, кўкартириб қўйганидан кейин кимнингдир: «Ҳой, боғбон амаки, бу теракларни қанча йилдан кейин кесиб пуллайсиз?» деган саволига ажабланиб: «Бу нима деганинг, биродар? Менинг вазифам кесиш эмас, экиш. Пул қилганга худо инсоф берсин. Яна шунақа дарахт эксин», дерди астойдил жаҳли чиқиб.

Энди қаҳрамонимнинг хулқ-атвориға қайтайлик. Бир куни маиший хўжалик мудири шаҳарлик ҳунармандларнинг кутқусига учдими ёки кўзига ёмон кўриндими, ёз бўйи нақ ўнта дарахтнинг соясини берадиган азим чинорни кесдириб қўйди. Бизнинг қаҳрамон эртасигаёқ мудирға рўпара келди. Дедик: «Ким сизға бундай ҳуқуқ берди, рухсатномангиз борми?»

Мудир на кулишини, на куйишини биларди. Кирза этик кийволиб, алмойи-алжойи гапларни айтиб юрадиган аллақайси одам унга ақл ўргатмоқчи, бунинг устига кимсан маиший хўжалик мудириға. Хоҳласа экади, хоҳласа кесади, бу унинг иши.

Ким ҳақ, ким ноҳақлиги тўғрисида боғбонимиз кўпам тортишмади, бунинг сабаби кейин маълум бўлди. Қишлоқда мудирни боғбон судга берганмиш, деган миш-миш тарқалди.

Юқорида қаҳрамоним алмойи-алжойи гапирарди дедим, бунга мен ҳам ишониб қолгандайман.

Бир куни қайси хусусиятини ёзсам экан, деб уни гапга солмоқчи бўлиб ахтардим. У эса қаерда денг – икки томонидан кунига минглаб машиналар ғиз-ғиз ўтадиган марказий кўча ўрта-

сида дала-боғ йиғма стулида оёқларини чалиштирганча, стол суянчигига илинган термосдан пиёлага чой қуйиб, ҳўплаб ўтирарди. Савлатли машиналарда ўтаётган туманнинг катталаригаям, кичикларигаям, хатто ажабланиб қараётган нотанишларгаям беписанд. Бундай бепарволик ўзигаям ёқади шекилли, бошини баланд кўтариб, атрофга мағрур назар ташлаб қўяди. Ахир у мағрурланса арзийди-да. Бугун ҳам анча иш қилиб қўйди: баҳорда эккан дарахтларининг тагини юмшатди, суғорди, наъматакка уланган атиргулларнинг ёввойи шохчаларини қирқди. Шундай бўлгач, кўчма чойхонасида у ҳузурланмай, ким ҳузурлансин!

Буни қарангки, унча-мунча одам дарахт кўкартиролмаган тошлоқ ерларда унинг ниҳоллари бўй чўзар, ҳосил берарди. «Ох-ох, — дейди у ўтган-кетганларга. — Бу юртнинг тупроғи олтин. Тошда ҳам гунча гул очади. Кўчат экиш роҳат».

Гоҳида боғ стулию термоси, иш қуроллари бир неча кунлаб кўчада қолиб кетади. Уни билганлар, ҳа, борбон амаки шу ерда ишлаётган экан-да, деб қўяди. На бирон муттаҳам ўғирлашга ва на бирон ҳазилкаш беркитиб қўйишга жазм эта олади.

Хуллас, у ҳақдаги антиқа гаплардан баттар ажабланардим.

Эмишки, бир куни қулупнайчи дехқонлар билан баҳслашиб қолибди. Баҳснинг шарти шу бўлибдики, қаҳрамонимиз қулупнайзор ёнида поезд тўхтатиб, ҳосилни унда олиб кетармиш. Тўғри, худди шу ердан шаҳар чеккасига қатнайдиган поезд ўтарди. Ҳа, ўтарди, лекин

бекат йўқ эди. Ҳамма гап шунда-да! У поезд машинистини қандай кўндирган ёки сеҳрлаган, ҳар ҳолда одамларни хайратда қолдириб, сўзининг устидан чиқибди.

Шундай қилиб, у менга бу гапларни ўта жиддий ва ҳеч бир эҳтиросга берилмай сўзлаб берди ва мен эса, бу хангомаларни бошқалардан эшитганим учун ҳам ростдан ҳам шундай бўлса керак-да, деб ишониб борардим.

Ўзининг ажабтовур табиати одамларнинг эътиборини тортаётганини у сира билмасди. Ёки билса ҳам парво қилмасди. Қолаверса, биз учун ғалати туюлган эгасиз ерларга беминнат, текин, ёинки, ҳисобчилар айтмоқчи – «ўз ҳисобидан» боғ-роғлар қилиш ва улардан заррача манфаат кўришга интилмаслик, нафақат интилмаслик, ҳатто ўйламаслик ҳам одамларнинг унга нисбатан айрича қарашларига сабаб бўларди. Ҳа, ношукур бандалар-а! Эмишки, у киши ҳақида қанча кўп ғалати гапларни айтишса, шунча кўп гуноҳи тўкилиши учун ҳам шундай ишлар қилиб юрармиш.

Кези келганда битилажак ҳикоямга яна бир персонажни киритгим келиб қолди. Бошида қаламга олинган маиший хўжаликнинг қоровул йигити бор эди. Вазифаси бинони кўриқлаш. Бизнинг идорамиз ҳам худди шу бино ёнгинасида бўлгани учун бир куни ҳашар қилиб, атрофига 10–15 туп терак кўчатларини экдик. 3–4 кун ўтгач, бундоқ қарасак кўчатлардан номнишон йўқ! Кимга арзимизни айтамыз, албатта қоровулга-да.

У эса қотиб-қотиб кулади: «Ҳой инсонлар, ишни кўпайтириб нима қиласизлар, ахир эртага

тераklar буй чўзса, бизнинг ҳам ишимиз кўпаяди. Тўкилган барглари супуришимиз керак».

Бу гаплардан кейин ким осмондан тушган-у, кимнинг оёғи ердан узилган, ажратинг-чи.

Хаёлимга негадир бот-бот ёввойи боғ манзараси келаверади. Айтгандай, бу боғни қаерда кўрган эдим? Ҳа, ёдимга тушди, тоғда!

Ёзнинг қайноқ кунларидан бирида ўт-ўланлар чирмашиб ётган сўкмоқлардан кўтарилиб борардик. Қанчалик юқорилаганимиз сайин шунчалик ҳайратимиз ошарди. Атроф гўзал ва пурвиқор эди. Аслида бу сўзлар тоғ манзараларини тасвирлашга камлик қилади. Зарур ибораларни топиш мендай оддий каламкашга анчайин қийин. Бўлмаса бундай манзараларни кўп кўрганман: тоғнинг яланглигига чиқсангиз рўпарангизда манаман деб мағрур яна бир ўркач туради. Одам табиати шунақа, яна юксакликни кўмсайди. Бизда ҳам шундай бўлди. Кел, шунисигаям чиқа қолайлик дедик ва йўл-йўлакай елим халталаримизга исирик, дўлана, наъматак кабиларни териб олдик. Ёз бўйи шу ерда ҳордиқ чиқараётган дўхтир ҳамроҳимиз эса, аллақандай ўт-ўланларни юлиб олар, биз эшитган-эшитмаган номларни айтар ва муҳими бу гиёҳлар қайси хасталикка давою қандай ишлатишни майдалаб тушунтириб борарди.

Дафъатан ялангликда бодомзорга дуч келиб қолдик. Тўғрироғи, бодомзору мен ҳозиргача кўрмаган бутазор, сал нарида олмазор, аллақандай дарахтларга чирмашиб ётган печаксимон ўсимликлар, одамни сархуш қилувчи ёқимли ҳид ва қаердандир эҳтимол, бундан ҳам юқоридан, тоғли чўққидан оқиб келаёт-

ган жилга ҳаммамизни сеҳрлади кўйди. Ажаб, бундай ёввойи боғ қандай пайдо бўлди экан? Шунчалик баландда, тоғу тошлар орасида?! Ўз саволимга ўзим жавоб топгандайман: табиатга тасанно! Биз ҳам унинг бир бўлаги. Юксаклик, беғуборлик, бағрикентликни йўқотмай яшамоқ керак.

Бесабр болалардек бодом дарахтларига тирмашдик. Қайси биримизнингдир бўйимиз етиб, ҳосилни териб, чўнтакка урдик. Бошқамиз пастдан туриб тошми, аллақадан топиб келган калтак биланми мевасини уриб туширдик. Яна бошқамиз шохларини беҳосдан синдириб олдик. «Намунча аччиқ, – дедик биримиз афтимизни бужмайтириб, – шунга овора бўлиб юрибмиз». Дўхтиримиз ақл ўргатади: «Шу аччиғи давода, аслида кўп дорилар тоғ ўт-ўланларидан тайёрланади. Шифобахш ўсимликларни табиатнинг ўзи яратиб қўйибди».

Майда-майда кўримсиз, лекин сал қизарган тоғ олмасидан татидик. Анчадан бери биз туймаган аллақандай ширин маза берарди у. Дўхтиримиз яна гапиради: «Экологик тоза, ниҳоятда шифобахш».

Мен эса бу ўт-ўланлар табиат ҳосиласи бўлса, шунча баландликка бодомларни ким эккан, деб ўйлайман. Бунинг устига пишиб етилган ширин мевасига ҳеч ким тегмаган. Юрагимнинг туб-тубидан жавоб келади: э, хаёлпараст, уни табиатнинг бир бўлаги, сен каби инсон эккан, меваси бир ўзи учун эмас, йўловчилар, ҳамма учун. Шундай юрт билан, шундай одамлар билан фахрлан!

Тўсатдан момақалдироқ гумбурлади. Тоғлар қўрқинчли акс садо берди. Бу овоз кучидан

аллақаердадир харсанг тошлар думалаб кетди шекилли, бўғиқ хайкириқ анчагача элас-элас қулоққа чалиниб турди.

Шаррос ёмғир қуйди. Ўзимизни буталар орасига олдик, лекин барибир шалаббо бўлдик. Кейин бирпасда қўл узатса етгудек, қора булутлар қаёққадир ғойиб бўлди. Атроф ёришиб, бахмалдек товланди. Кўйлақларимизни ечиб қарадик, заррача ғубор йўқ. Демак, бутазорлар ҳам чиннидек, тоза, покиза.

Эх, бу юксаклик, мусаффолик!

Шамоллаб қолсак керак, деб ўйлагандик. Қаёқда! Она сутига тўйган чақалоқдек бардам ва тетик эдик.

Хотираларимни ёзаётиб, шу ерга келганда илқис деразам ортидан «чиқ-чиқ» этган овозни эшитдим. Хаёлим бўлиниб, эринганча ўғирилдим. Ё тавба, тушимми, ўнгимми? Ҳикоямнинг бўлажак қаҳрамони, қуёшда қорайган ўша киши тоққайчи билан ўтган кузда эккан анор кўчатларига шакл берарди.

Аллақандай куч мени ташқарига ундади: эшигинг тагида бегона ишласа-ю, сен мук тушиб ўтирасанми. Тур, унга ёрдам бер!

Белим какшаб, ўрнимдан кўзғалдим. Кўчага чиқдим. Сезмабман. Анҳорга бўтана сув келибди. Ҳаво ёқимли, ўригу бодомларнинг гули аралаш муаттар иси, гўё жаннат иси келарди.

Боғбоннинг ёнига бордим. Ток қайчисини қўлидан олиб, ёрдамлашмоққа чоғландим. Қизик, у ниятимни қаердан билди, ишидан кўз узмай гап бошлаб қолди: «Балли, болам! Ният қилганингни ўзи катта гап. Ростдан ҳам яхшилар кўп. Худо хоҳласа, ҳадемай анорзор бўлади. Бола-бақра ейди. Одамдан шу қолади-да».

Кўзимга кеч кузда куёш нурида шуълаланиб
оқаётган анҳор бўйидаги катта-катта қизғиш
анорлар кўринди ва ўйладим: табиийликда юк-
саклик, эзгулик бор экан, бундай боғлар ҳам
кўпаяверади.

Энди чизгиларимни мухтасар қилсам бўлар.
Уни ким қандай тушунди, ўзига хавола. Мен
эса шундай гапни айтмоқчийдим: бу ранимат
дунёда аслимизни унутмай мағрур ва поки-
за, эзгуликка йўғрилиб яшамоқ керак. Бун
қандай ифодаламакчи эканлигимни Сиз билан
фикрлашдим, холос.

Ҳикояни эса насиб этса ёзарман.

2005 йил

ҲАЁТ ҲАҚИДА

Офарин

Гавжум йўлда чумолилар гужгон ўйнайди.
Кўплари емишларини ортмоқлаб тирикчилик
пайида. Агар бирор кимса беихтиёр уларни
босса...

Митти жониворларнинг ҳаётга ишончига
офарин!

Ўрнат

Невараси бувасининг танбеҳидан жаҳли
чиқиб, дафъатан унга қаради ва бегоналарга
айтадиган «жинни» дейишдан тийилди.

Икки ёшли қизчаки ёмон сўзлар айтишдан
ўзини тўхтата олган экан, негадир баъзи катта
ёшдагилар захарли сўзлар ишлатишдан тортин-
майди.

Эсдалик

Дўсти айтди: «Бўшашга ариза бердим. Юқорирок лавозимга ўтаяпман. Шунинг учун ўзим ишлаган хонани чиройли гуллар, расмлар билан бир безай».

«Тавба, – ўйлашди эшитганлар, – ишдан кетаётган бўлса, ёнидан харажатга не ҳожат?»

«Мендан эсдалик колсин. Яхши эсдалик. Ахир умримиз ҳам ғанимат-ку», деди у дўстларининг фикрини сезгандай.

Афсус

Тижорат дўкони олдидаги кафасга бургут солинган. Тагин кафасни кўтариб учиб кетмасин, деб оёғини кишанлаб, дарахтга боғлаб қўйишибди. Кўзи тушганлар бош чайқашади: «Сен кафасга муносибмидинг, эй, мағрур куш?»

Кўп ўтмай кафас бўшаб колди. Бургутнинг тоғдек юрагини тушунганлар топилди, чоғи.

Кунлар

– Вақт бунчалик тез ўтаяпти? – зорланди у.

– Бу, яхши кунлар белгисидир, – жавоб қилишди унга. – Куни ўтмай қолишдан Яратганнинг ўзи асрасин.

Баҳо

Ҳаётида икки нарсага шошилмаслик кераклигига ишонди: ўлимга ва одамга баҳо беришга.

Сўз

– Сўзингдан қайтдинг-а, сўзингдан. Бу номардлик эмасми?!

У парво қилмасди:

– Аслида бу ҳамма марднинг қўлидан келавермайди.

Умр

У ишга кетаётиб йўлда бир кекса онахонни учратди. Сочлари оппоқ, қадди эгик. Уни кўриб бир нарса сўрамоқчидай тараддудланди. Яқинлашиб келганда: «Ўғлим, бугун ҳафтанинг қайси куни?» деди у хижолат оҳангида. Айтди. У бош чайқади: «Кечагина чоршанба эди-я, кунлар бирпасда ўтиб кетибди. Умр сувдек оқаяпти».

Ундан анча олислаб яна ортига ўгирилди. Кампир эса ҳамон бош чайқаб турарди. Эҳтимол ўша гапни такрорлаётгандир: «Умр сувдек оқаяпти-я».

Донолик

Уч ёшли тўнғич неварасининг ҳеч қачон бундай ўжарлигини кўрмаганди. Сўзи у ёқда турсин, имо-ишорага ҳам бўйсунадиган невара қилма деган ишини, йўқ қиламан, дерди. Ахир пўписа билан:

– Энди ураман-а! – деди.

Гапи кескин чикди, шекилли, бувасига ялт этиб қаради ва хўнграб йиғлаб юборди. Сўнг ҳеч кутилмаган қилиқни қилди. Муштчасини дўлайтириб, чинкириб йиғлади...

Эхтимол, у ҳам бувасидан бундай гапни кутмаганди.

Хафта ўтгач неvara онаси билан бувасиникига меҳмонга келди. Ота қизидан аста сўради: «Ўғлинг ўшандаги уришганимни айтиб бергандир?» «Ҳа, — деди у кулиб, — фақат сиз эмас, ёмон одам уришибди».

Қизиқ, бу жавоб болақайнинг донолигими ёки ўшанда унинг кўзига шайтон кўриндими?

Синов

Новвойхонадан ўнта нон сотиб олди. Кела туриб қайтарилган пулни санади. Кўп чиқди. Новвойга бориб айтди. У жилмайиб: «Тўғри қайтардим, ўзингизникидир», деди. Уйга келди. Қизи билан қайта ҳисоблади. Қолаверса, чўнтагида бошқа пул ҳам йўқ эди. Ортиқча берибди. Бориб тўртта ноннинг пулини қайтарди. Уйга келса, ўшанча бўрсилдоқ нон қўшимча бўлиб, хонтаха устида турибди. Новвой дўсти ёпган экан.

Юрагида ажиб қониқиш сезди.

Нон

Эрта тонгда қариндошиникига тўйга кетаётганди. Машинанинг орқа ўриндиғида тўй учун ҳозиргина тандирдан чиққан нонлар. Йўлда автоназоратчи тўхтатди. Хужжатларини сўради. Ҳали унга узатиб улгурмаган эди, у бирдан: «Ў, нон хиди келаяптими?» деди ажабланиб. Айтди. У кетаверинг, деб рухсат берди.

Назоратчи балки нонни ҳамроҳ қилиб бораётганлардан ёмонлик чикмаслигини билгандир.

Соат

Доктор беморнинг олдига кум соат қўйиб: «Кум юқоридан пастга тушгунча муолажа қабул қиласиз», деди.

Соатнинг нина кўзидек ингичка белидан кукундек кум қуйилиб-қуйилиб тушиб бўлди. Вақт тугади, ўйлади бемор.

Инсон ўз умри ҳам кум соат сингари эканлигини ёдда тутишни унутади. Бу унинг бахтими ёки...?

Ташвиш

Автобус бекатида икки хотин гаплашарди:

– Бечораларнинг молу дунёси етарли. Худо биттагина фарзанд берақолса нима қиларди-я.

Сал нарида эса яна икки аёл ташвишланарди:

– Ўх-ҳў, ўнта боласи борми? Нима бу, ҳар йили туққанми? Уларни ҳали жой-жойига қўйгунча...

Шамол

Тушида шамолнинг суратини кўрди. Уйғондию сўз билан тасвирламоқчи бўлди. Афсус, эплай олмади.

Туш шунчалик ғаройибми?

Кайфият

Инсон кайфияти кўклам об-ҳавосига ўхшайди. Бир шаррос ёмғир қуяди, бир чарақлаб қуёш чиқади. Фақат фарқи шундаки, кайфият тундлашганда, «ёмғир» кўнгилни яшнатиш ўрнига селдай емиради. Яхшиямки ортидан офтоб юз кўрсатади.

МУНДАРИЖА

ҲИКОЯЛАР

Ёмғирли кунда.....	3
Танҳолик	16
Туғилган кун	38
Бинафша ҳиди.....	43
Яшил майдонча.....	47
Митти чирок	53
Бировнинг хақи	61
Набира	67
Тоға-жиянлар	72
Қорбобо чол ва қорқиз кампир.....	82
Бедаво.....	85
Айғир кишнаши	97
Гуллаётган дарахт.....	103

ЖАЖЖИ ҲИКОЯЛАР

Онам айтган кўшиқлар	112
----------------------------	-----

БОЛАЛАР УЧУН ҲИКОЯЛАР

Тунда кўнган вертолоёт.....	138
Шоколад кимники?	141
Омон бўл, Йўлбарс!	143

ЎЙЛАР

Яшаш учун кечикма.....	153
Яхшилик	165
Ёввойи боғ	170
Ҳаёт хақида.....	178

Адабий-бадiiй нашр

АБДУСАТТОР ҲОТАМОВ

ВАҚТ ЁҒДУСИ

Мухаррир Л. Игамова
Рассом-дизайнер Д. Мулла-Ахунов
Техник мухаририр Л. Хиждова
Кичик мухаририр Д. Холматова
Мусаххих Ш. Шоабдурахимова
Компьютерда тайёрловчи Н. Аҳмедова

Нашриёт лицензияси АІ № 158. 14.08.2009.

Босишга 2015 йил 7 майда рухсат этилди.

**Бичими 80х100^{1/32}. Офсет қоғози. «Vitec Petersburg» гарнитурасида
офсет усулида босилди. Шартли босма табағи 8,51. Нашр табағи 7,87.**

Адади 3000 нусха. Буюртма № 15-354.


**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston» нашриёт-
матбав ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.**

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-28-227-8



9 789943 282278